


KASB-HUNAR TA'LIMI

ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL

2020, №4



OBUNA- 2021

“Kasb-hunar ta’limi” jurnaliga 2021 yil uchun obuna davom etmoqda

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali bir yilda 4 marta nashr etiladi.

Jurnalda kasb-hunar ta’limiga oid yangiliklar, ilg’or tajribalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, ilmiy tadqiqot va metodik tavsiyalar yoritib boriladi.

Obuna Indeksi: 1090

Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi “O‘zbekiston pochta” va “Matbuot tarqatuvchi” Aksiyadorlik kompaniyalari tarmoqlari va to‘g‘ridan-to‘g‘ri tahririyat orqali obuna bo‘lishingiz mumkin.

Obuna bo‘lish uchun aloqa bo‘limlari va obuna shahobchalariga hamda “Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyatiga murojaat qiling.

Murojaat uchun telefonlar:

1. Tahririyat: 90-979-75-89; 94-677-90-32.

Manzil: Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy

Telefon: 90-979-75-89; 94-677-90-32; 94-629-71-04

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru, ksbjurnal@inbox.uz

KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal
2020-yil, 4-son

Muassislar:

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar ta'limi
boshqaruv hamda pedagog kadrlarni qayta
tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV
Bosh muharrir o'rinbosari: SH.QURBONOV
Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

Z.Y.XUDOYBERDIYEV, R.X.JO'RAYEV,
SH.S.SHARIPOV,
A.Q.JALALOV, A.R.XODJABAYEV,
J.SH.SHOSALIMOV, A.NABIYEV,
A.A.HASANOV, H.SIROJIDDINOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida
2007-yil 3-yanvarda qaytadan ro'yxatga olinib,
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori
bilan Pedagogika fanlari bo'yicha dissertatsiyalar
yuzasidan asosiy ilmiy natijalarni chop etishga
tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Manzil: 100095, Toshkent sh., Olmazor tumani
Universitet ko'chasi, 2-uy
Tel.: 90-979-75-89; 94-677-90-32;

E-mail: kasbhunartalimi@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri
kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar tahrir etilmaydi
va egasiga qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 30.12.2020-yil.
Bichimi 60x84 1/8

Bosma tabog'i 10. Adadi 40 nusxa.
Buyurtma "BUSINESS PRINT PLUS" MChJ
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Toshkent shahri, So'gali ota
ko'chasi, 5-uy.

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА

- М.М.Холмухамедов** Профессионал таълим тизимини мил-
лий малака тизимининг талаблари асосида модернизация
қилиш 2
- М.Холмухамедов, С.Санақулов** Профессионал таълим муас-
сасалари ўқувчиларида асертивлик кўникмаларини шаклланти-
ришнинг ўрни ва аҳамияти 6
- А.Қ.Жалалов** Сунъий интеллект воситасида ёшлар бандлиги
даражасини ошириш - энг долзарб муаммо сифатида 10
- Ж.Ш.Шасалимов** Ўзбекистон бошланғич профессионал таъ-
лими бугунги ҳолатининг тизимли таҳлили: қутилаётган муам-
молар 13
- Б.Т.Каримов** Курс лойиҳаси таълим жараёнида кўникма ва ма-
лакалар шакллантирувчи омил сифатида 17
- Н.Юсупов** Профессионал таълим муассасалари ўқувчилари-
нинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг дидактик
тамойиллари 22

МЕТОДИКА

- Г.С.Хўжаниёзова** Касбий йўналтирилган математик фаоли-
ят асосида математик таълим интеграциясини такомиллаш-
тириш 25
- К.Абдуллаев** Ўқувчи-ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси
муҳим ижтимоий-педагогик муаммо сифатида 28
- Н.Х.Толипов** Талабаларни манзара композициясини ишлашга
ўргатиш усуллари 33
- К.М.Гулямов** Бўлажак амалий санъат ўқитувчилари касбий
компетентлигини ривожлантириш технологиялари 37
- У.А.Ўринов** Ҳамкорлик асосида мутахассислар тайёрлашнинг
самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишларини
ташқил этиш ва ўтказиш мазмуни 42
- А.М.Гадыев, Н.Н.Алимова, М.А.Атажйева** Masofaviy ta'limni
"MOODLE Platformasi"da tashkil etishning afzalliklari va
kamchiliklari 47

К.Р.Насриддинов, Д.З.Ходжыева Fizikani o'qitishni tibbiy
bilimlar asosida takomillashtirish 50

Э.Қ.Қаландаров Каттик жисмлар физикасига оид лаборатория
ишларини изчилик асосида такомиллаштириш 54

Б.М.Ҳайдаров Профессионал таълим тизимида компетен-
циявий ёндашувга асосланган модулли технологияларни
яратиш 58

У.Х.Мингбоев, Б.А.Иштаев Ўқувчиларда коммуникатив ком-
петенцияларни шакллантиришда интерфаол таълим методла-
ридан фойдаланиш 61

М.Х.Байбаева Методологические аспекты управленческой
деятельности и стратегического менеджмента в учебном
заведении 66

Э.Э.Жалилов Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёр-
лаш жараёнида ўқув фаолияти ва ишлаб чиқариш амалиётини
интеграциялаш 71

Ҳ.С.Сирожиддинов Профессионал таълимда компетенциявий
ёндашув асосида мутахассислар тайёрлашда касбий этика ва
этикет масалалари 76

А.А.Каримов Профессионал таълимда рақобатбардош кадр-
лар тайёрлашда компетенциявий ёндашув 78

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИНИНГ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

ХОЛМУХАМЕДОВ МУРОДУЛЛО МАХМУДОВИЧ

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллий малака тизимининг жорий этилиши, миллий малака рамкалари, тармоқ малака рамкалари ва профессионал стандартлар асосида янги профессионал таълим дастурларини ишлаб чиқиш, ишчи ва ўрта бўғин мутахассислар тайёрлашнинг меъёрий асослари бўлган ўқув режаларини шакллантиришда профессионал стандартларнинг ўрни, малака даражаси маҳаллий ва халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаш билан профессионал таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифатига узвий боғлиқлиги каби масалалар таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: миллий малака тизими, миллий малака рамкалари, тармоқ малака рамкалари, профессионал стандартлар, профессионал таълим дастурлари, меҳнат бозори, бизнес, тадбиркорлик.

Annotation: This article discusses the introduction of the national qualification system in Uzbekistan, the development of new professional education programs based on national qualifications frameworks, industry qualifications frameworks and professional standards, the role of professional standards in the formation of curricula that are the normative basis for training workers and mid-level professionals, analysis of issues such as the integral relationship between the level of qualification and the quality of personnel trained in the professional education system ensuring competitiveness in the local and international labor market.

Keywords: national qualification system, national qualification frameworks, network qualification frameworks, professional standards, professional education programs, labor market, business, entrepreneurship.

Касб-хунар таълими соҳасидаги туб ислохотлар натижасида 2020-2021 ўқув йилидан янги форматдаги профессионал таълим муассасаларида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш жараёнлари бошланди. Бу жараёнларни янги сифат босқичига кўтариш ва таълим натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари ва халққа қилган Мурожаатномасида 2020 йилдан эътиборан Миллий малака тизими йўлга қўйилиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди¹.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди². Шунинг

ғдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ5812-сонли Фармони³ га мувофиқ амалга оширилаётган ислохотларнинг объекти ва субъекти ҳамда устувор йўналишлари аниқ белгиланди.

Юқорида келтирилган қарор ва фармонлар мазмуни профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз моҳиятига кўра ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, ҳаётда муносиб ўрин топиши ва фаровон ҳаёт кечирishi, меҳнат бозорида рақо-

2 “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сон. <https://lex.uz/docs/4814154>

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони <http://lex.uz/docs/4500926>. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й.)

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси мурожаатномаси (2020 йил 24 январь). https://nrm.uz/contentf?doc&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

батбардош кадр сифатида ўзини намоён этиши учун зарур билим, кўникма, малака ва компетенциялар мажмуини шакллантиришга қаратилган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатнинг тараққиёти, фуқароларнинг фаровон ҳаётини таъминлашнинг муҳим шarti бу - бўлажак мутахассисларнинг сифати ва малакали меҳнат орқали топаётган даромадлари ҳисобланади.

Маълумки, малакали меҳнат эса ўз навбатида тан олинган миллий малака тизими асосида муайян касбга ўқитиш ва ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолашнинг педагогик шарт-шароитлари мавжуд бўлган ҳолда касбий фаолиятга тайёрланган мутахассисларда намоён бўлади.

Таъкидлаш керакки, миллий малака тизимлари ривожланган хорижий давлатларда вақт синовидан ўтган, меҳнат бозори билан профессионал таълим ва касбга ўргатиш механизмларининг синергияси сифатида аллақачон муваффақият қозонган ҳамда амалиётга татбиқ этилган. Чунки, миллий малака тизимининг жорий этилиши нафақат ички меҳнат бозорида, балки, хорижда ҳам мутахассис мавқеи, халқаро талабларга мослиги, жамиятнинг юқори поғоналарида меҳнат қилиши, муносиб иш ҳақиға эға бўлишини таъминлайди. Шунинг учун, авваламбор, миллий малака тизимининг мазмуни, моҳияти ва имкониятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун профессионал таълимда тайёрланаётган мутахассисларнинг айнан юқори малакаға эға бўлишини таъминлаш бир томондан ички меҳнат бозори учун муҳим аҳамиятға эға бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон учун асосий миграция бозори сифатида қайд этиладиган мамлакатларда (*Россия, Қозоғистон, Туркия, Жанубий Корея, Европа давлатлари*) жорий этилган замонавий Миллий малака тизими билан уйғунлашишини таъминлашға хизмат қилади. Чунки, ушбу мамлакатларда миллий малака тизими асосида яратилган профессионал стандартлар талаблари асосида ишға қабул қилиш қатъий белгилаб қўйилган.

Миллий малака тизими - бу меҳнат бо-

зоридаги ишчиларнинг малакасиға бўлган талабни таълим ва ўқитиш тизими орқали етказиб беришни ҳуқуқий ва институционал тартибға солиш механизмлари тўпламидир⁴.

Ўзбекистонда профессионал таълим муассасалари битирувчиларига берилаётган сертификат, разряд, диплом ва даражалар хорижий давлатларда тан олинishi ва қабул қилинishi учун халқаро андоза ва талаблар асосида ўз Миллий малака тизимининг ривожлантиришимиз, профессионал стандартлар асосида касбий таълим ва касбга ўргатишнинг инновацион тизимини йўлга қўйишимиз талаб этилади.

Таъкидлаш керакки, малака, халқаро таълим бозорида квалификация сифатида талқин этилади ва унга иш берувчи томондан ходим (*ёлланувчи, иш ўрниға даъвогар, бўш иш ўринлари танловида қатнашувчи, ишчи ёки хизматчи*)ға қўйилган талаблар ва юклатилган вазифалар мажмуи сифатида қаралади.

Малака - ходимнинг ёки иш изловчининг тегишли касб (мутахассислик) бўйича унга меҳнат вазифаларини сифатли бажариш имконини берадиган тайёргарлик даражаси, унинг билим, маҳорат ва кўникмалар савиясини ўзида мужассамлаштиради.

Ижтимоий буюртмачи томондан мутахассисға, ишчи ходимға қўйилган малака талаблари эса миллий малака тизимида профессионал стандартларда акс этади ва у таълим ҳамда ишлаб чиқариш, битирувчи малакаси ва иш берувчи талаблари ўртасидаги узвийликни таъминлайди.

Шу маънода профессионал стандарт - иш берувчидаги ҳар бир иш ўрни ёки унга даъвогар бажарадиган меҳнат функциялари тафсилоти, тажриба, касбий маҳоратининг тавсифи, таснифи (меҳнат фаолияти натижасида етиштираётган ёки ишлаб чиқарётган маҳсулотнинг ҳамда кўрсатаётган хизматларининг сифати) белгиланган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Профессионал стандарт ходимнинг

4 Коулз М., Олейникова О.Н., Муравьева А.А. Национальная система квалификаций. Обеспечение спроса и предложения квалификаций на рынке труда. – М.: РИО ТК им. А.Н. Коняева, 2009.

ўзига юклатилган меҳнат функцияларини тўлақонли бажариши учун лозим бўлган билим, кўникма ва компетенцияларини ўзида акс эттиради. Яна бир муҳим жиҳати шуки, профессионал стандартда ходимнинг малака даражаси аниқ белгиланган бўлади ҳамда малака даражаси ходимнинг карьерасида уни кутаётган кейинги квалификация даражасига пиллапоя бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий тараққий этган давлатлар ва жаҳонга машҳур гигант хорижий компанияларда бу жуда кучли мотивация, тўғри йўналтирувчи ва рағбат берувчи омил ҳисобланади. Чунки, миллий малака тизимида ходимнинг хизмат пиллапоясидан босқичма-босқич юқорилаб бориши учун зарур структура ва молиявий рағбатлар кўзда тутилган бўлиб, ходимнинг рақобатбардошлигини доимий тарзда ошириб, келажакда муваффақиятга эришишини кафолатлайди.

Мисол учун, электромонтёр касбининг бир нечта малака даражалари мавжуд. Лекин шу пайтгача уларнинг барчасига умумий қилиб, бир хил ҳужжат берилган, аммо унда бугунги меҳнат бозори талаби бўлган квалификация ва компетенциялар тўлиқ шакллантирилмаган ва баҳоланмаган. Натижада дипломга эга шахснинг чет элда мос иш топиш имконияти чекланган. Чунки, унинг малака даражаси тизимлаштирилмаган ва малакани тартибга соладиган рамкалар белгиланмаган эди.

Ўзбекистонда янги профессионал таълимда илк бор ҳар бир мутахассиснинг халқаро рамкаларга мос малака даражасини белгилаб беришга асос бўладиган меъёрий ҳужжат - Миллий малака рамкаси қабул қилинди ҳамда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳаси бўйича тармоқ малака рамкалари белгиланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 31 декабрда қабул қилинган “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁵ профессионал таълимнинг сифати-

ни ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш имкониятини беради.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор бўлган Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ҳудудий кенгашлар тузилди. Миллий малака тизимига мувофиқ 29 та Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари томонидан тармоқ малака рамкалари ва профессионал стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда профессионал таълим дастурларини яратиш тизимга солинди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир иш ўрни, ҳар бир лавозимнинг меҳнат функциялари таснифи ва уни самарали, муваффақиятли бажариш учун лозим бўлган кўникма, билим ва компетенциялар ёритилган малака талабларининг янги форматдаги меъёрий асослари яратилмоқда. Бунда профессионал таълим дастурларининг мазмуни, таълим натижалари ва таълимнинг сифати шу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ шакллантирилади.

Миллий малака тизими тайёрланаётган мутахассисларнинг рақобат фактори анча мураккаблашган, маҳаллий ва хорижий меҳнат бозори ўзгаришларига ўз вақтида мослашиб кета олишига ҳам хизмат қилади. Натижада иш берувчи тасдиқланган малака даражаси, баҳоланган компетенцияларни талаб қилаётган бир пайтда ҳар икки томоннинг ҳам мақсадларини уйғунлаштиришнинг ягона формати профессионал стандартларда ўз аксини топади. Чунки, иш берувчи профессионал таълимда ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи вазифасини бажаради, профессионал стандарт иш берувчи томонидан қўйдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5203490>. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 07/20/4939/1703-сон).

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини туб-

ладиган малака талабларининг барча компонентларини ўзида мужассамлаштиради. Демак, мукамал профессионал стандарт бу – профессионал таълим сифати ва самарадорлигини белгиловчи “ижтимоий буртма” ҳисобланади.

Дарҳақиқат, иқтисодий ривожлантириш учун аввало молиявий ресурслар, кейин техник, технологик ресурслар ва албатта инсон ресурслари талаб қилинади. Инсон ресурсларини ривожлантиришда энг асосий восита сифатида ҳар томонлама мукамал ташкил этилган таълим тизими асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу маънода инсон ресурсларини ривожлантириш орқали ёшлар ва хотин-қизлар масалалари, камбағалликни қисқартириш, мигрантлар масаласидаги янги сиёсатни амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пировард натижада иқтисодий юксалиш каби жиддий сиёсий вазифалар ўз ечимини топиши назарда тутилмоқда.

Демак, халқаро тажрибаларга кўра, миллий малака тизимини шакллантириш куйидагиларга имкон беради:

- таълим тизимининг узлуксизлиги ва узвийлиги (турли босқичларда ўқитиладиган ва ўрганиладиган билим ва кўникмалар кетма-кетлигини аниқлаш)ни таъминлайди;
- “Ҳаёт давомида таълим” стратегияси доирасида ўқувчиларнинг таълим траекториясини онгли ва мустақил танлашга имкон беради;

- ўқувчиларнинг тез ўзгариб турадиган меҳнат бозорига мослашиш қобилиятини оширади;

- битирувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди;

- шахсларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш учун касбий мотивация беради ва ҳаётда муваффақият қозониши учун имкон яратади;

- ҳукуматга малакаларни таққослаш ва ишончли стандартларни белгилашда ёрдам беради;

- малакаларнинг меҳнат бозори талабларига мос ўзгарувчанлигини таъминлайди;

- таълим сифатини таъминлаш механизмларини яратади;

- иш берувчиларга малака ва сифатни таъминлаш механизмларини тавсифлашнинг барча мезонларига мос ва тушунарли бўлган ягона форматини тақдим этади;

- шахсларни ишга ёллаш ваколатининг кенг даражасини тавсифлашда (жумладан, Халқаро меҳнат бозорида ҳам) ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, миллий малака тизими ёшларимиз потенциалини оширади, уларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини кенгайтиради, рақобатбардошлик даражасини орттиради, профессионал таълимда амалга оширилаётган ислохотларнинг келгуси истиқболи, самара ва натижасини белгилаб беради



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (2020 йил 24 январь). https://nrm.uz/contentf_vse_zakonodatelstvo_Uzbekistana.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони <http://lex.uz/docs/4500926>. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5203490>. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 07/20/4939/1703-сон).
4. Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сон. <https://lex.uz/docs/4814154>
5. Блинов В.И. Национальная рамка квалификаций и качество профессионального образования // Вестник ТГПУ. Серия: Педагогика. – 2006. – Выпуск 10 (61).
6. Коулз М., Олейникова О.Н., Муравьева А.А. Национальная система квалификаций. Обеспечение спроса и предложения квалификаций на рынке труда. – М.: РИО ТК им. А.Н. Коняева, 2009.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА АССЕРТИВЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

М.М.ХОЛМУХАМЕДОВ, С.И.САНАҚУЛОВ

Аннотация: Мақолада касб-хунар таълимини ривожлантириш ва унинг сифатини ошириш, замонавий меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмалари ва иш берувчи олдида ўзини тақдим этиш малакаларини шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этадиган юмшоқ кўникмалар (soft skills) таркибидаги ассертивлик компетенцияларини шакллантириш борасидаги халқаро тажриба атрофлича ёритилган ва таҳлилларга мувофиқ ишлаб чиқилган таклифлар тақдим этилган.

Annotation: From a scientific and pedagogical point of view, the article highlights in detail the international experience and presents proposals developed in accordance with the analysis based on the formation of assertive competences in the structure of soft skills (soft skills) they are necessary for students to form entrepreneurial skills and skills of self-presentation to the employer, which are important for the development of professional education and improving its quality, preparing competitive staff for the modern labour market.

Калит сўзлар: юмшоқ кўникмалар (soft skills), ассертивлик, психологик тренинглари, профессионал таълим, “WorldSkills” мусобақалари, меҳнат бозори, тадбиркорлик.

Keywords: soft skills, assertiveness, psychological training, professional education, WorldSkills competitions, labor market, entrepreneurship.

Ўзбекистонда касб-хунар таълими соҳасидаги туб ислохотлар амалга оширилаётган, янги форматдаги, жаҳон стандартларига жавоб берадиган профессионал таълим тизими шакллантирилаётган бир пайтда касб-хунар таълимини ривожлантириш ва унинг сифатини ошириш борасида Халқаро миқёсдаги чуқур назарий билимлар ва кўп йиллик амалий тажрибалардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини яратиш ва ўзини-ўзи банд қилиш борасидаги давлат сиёсати асосида профессионал таълим тизимида тайёрланаётган кадрларда биринчи навбатда, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Айниқса, меҳнат бозоридаги юқори рақобатдан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва сервис, туризм, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида тайёрланаётган мутахассисларда юмшоқ кўникмалар (soft skills) туркумидаги ассертивлик компетенцияларини шакллантириш устиворлик касб этмоқда.

Айниқса, 2019 йилда Ўзбекистон Халқаро нотижорат ҳаракати – “WorldSkills”га аъзо бўлиши, мусобақаларда иштирок этишни бошлагандан сўнг мамлакатимиз таълим тизимида ҳам тайёрланаётган мутахассисларнинг рақобатбардошлик муҳитида ўзини тутиш даражасини ўрганиш, доминантлик касб этаётган ассертивлик компетенцияларни шакллантириш методикасини янада ривожлантириш зарурати пайдо бўлди.

Таъкидлаш керакки, “WorldSkills” чемпионатларига муносиб қатнашиш учун аввало, касб-хунар таълими ўқувчиларининг педагогик-психологик тайёргарликдан ўтиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур мусобақаларнинг муҳим хусусияти шундаки, унда иштирокчи ўқувчиларга бир хил шароитда, бир хил вазифани нуфузли ҳакамлар Ҳайъати ва кенг жамоатчилик (мутахассис кузатувчилар) назорати остида тез ва самарали бажариш талаби қўйилади.

Айнан шу ҳолат (вазифани кўпчилик олдида бажариш, оммавий кузатув остида чиқиш қилиш, жамоавий савол-жавоблар) иштирокчи ўқувчиларда кучли ҳаяжон,

стресс, саросима каби салбий эмоцияларнинг, ҳатто агрессивлик ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса тўғридан тўғри мусобақа натижаларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли таълим соҳасидаги етакчи халқаро мутахассислар томонидан ўқувчиларда юмшоқ кўникмалар (soft skills) туркумидаги ассертивлик компетенцияларини шакллантириш лозимлиги алоҳида қайд этилмоқда¹.

Ассертивлик - инглиз тилидан олинган атама бўлиб, бу ерда “assert” феъли - тасдиқлаш, ўз позициясида қатъий туриш маъноларини англатади. Ассертивлик шахсининг ўзини ўзи қадрлаши ва шу асосда ижтимоий вазиятга етарлича мустақил ва автоном тарзда муносабат билдира олиш, эркин ҳаракат қилиш қобилияти, шунингдек, бошқаларнинг шахсий чегаралари ва манфаатларига зарар етказмаган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қилиш, тасдиқлаш, мустаҳкамлаш қобилиятидир².

Ассертив хулқ-атворга оид илк тадқиқот 1949 йилда Э.Салтер томонидан амалга оширилган. Олим ассертив хулқ-атворни шакллантириш орқали тушқунликка тушган мижозлар билан ишлашда уларнинг қатъиятсизлиги сабабларини топишга ва унинг невротик таъсирини даволаш ёки камайтиришга ҳаракат қилган³.

Америкалик психотерапевт Мануэл Ж.Смитнинг фикрига кўра ассертивлик – инсоннинг ташқи таъсир ва баҳоларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил равишда ўз ҳаракатларини тартибга солиши ҳамда бунинг учун жавобгарликни ҳис қилиш қобилиятидир⁴.

1 Лебедева И.В. Развитие ассертивности и ассертивного поведения личности. / Вестник Бурятского государственного университета. № 5, 2010.

2 Васягина Н.Н. Делинквентное поведение подростков: феноменология, причины, возможности профилактики / Н. Н. Васягина // Вестник практической психологии образования. – 2018. – № 1-2 (54-55). – С. 12-17. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Ассертивность>

3 Шейнов В.П. “Детерминанты ассертивного поведения” Белорусский государственный университет. Персональный профиль в SCIENCE INDEX. Список публикаций в РИНЦ

Таъкидлаш керакки, “ассертивлик” атамаси “ассертив хулқ атвор (характер)” ибораси билан уйғун педагогик категория ҳисобланади ва аксарият адабиётларда агрессив хулқ-атворга қарама-қарши психологик термин сифатида талқин этилади.

Мануэл Ж.Смит ассертив хулқ-атворга оид шахсининг қуйидаги 10 та ҳуқуқ ва эркинлари мавжудлигини қайд этади⁴.

1. Ўзига нисбатан олий судья бўлиш ҳуқуқи;

2. Ўзини тутиши (хулқ атвори) учун уэр сўрамаслик ҳуқуқи;

3. Бошқаларнинг муаммолари учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслик ҳуқуқи;

4. Мулоҳаза қилиш, ўйлаб кўриш ва фикрини ўзгартириш ҳуқуқи;

5. Хато қилиш ва улар учун жавобгар бўлиш ҳуқуқи;

6. “Билмайман” дейиш ҳуқуқи;

7. Бошқаларнинг қандай муносабатда бўлишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзини тутиш ҳуқуқи;

8. Қарор қабул қилишда муайян мантиққа амал қилмаслик ҳуқуқи;

9. “Тушунмадим” дейиш ҳуқуқи;

10. “Менга аҳамиятсиз”, “Мени ташвишлантирмайди”, “Мени қизиқтирмайди” дейиш ҳуқуқи.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқ ва эркинликлар сифатида қайд этилаётган ушбу хулқ-атвор шакллари инсоннинг “шахс” сифатида ўз манфаатини устун қўйиш, ўз хоҳиш-истаклари ва шахсий импульсларини ўта очик намоён қилиш нуқтаи назаридан нисбатан эгоистик характерга эгаллиги билан ажралиб туришини кўришимиз мумкин.

Шунинг учун, ушбу масалага аниқлик киритишда аксарият тадқиқотларда ассертив хулқ атворга оид умумқабул қилинган ҳамда умуминсоний қадриятларни акс эттирган устивор принципларга асосланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Улар қуйидагилар:

1. Ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарликни зиммасига олиш.

2. Ўзини ҳурмат қилиш ва бошқа одамларга ҳурмат кўрсатиш.

4 <https://antonkim.ru/blog/all/self-confidence/> Книга Мануэля Смита «Уверенность в себе»

3. Самарали мулоқот.

4. Ишонч ва ижобий муносабатни намойиш этиш.

5. Диққат билан тинглаш ва тушуниш қобилияти.

6. Музокаралар олиб бориш ва муроса (келишув)га эришиш қобилияти.⁵

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг назаримизда ассертив хулқ атворга оид асосий принципларга миллий менталитет ва кадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан ўқувчиларда ассертив компетенцияларни шакллантиришда куйидаги шахсий сифатларни ривожлантиришни таклиф қиламиз:

1. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” принципи:

Самарали мулоқот, тўғри ўйлаш ва сўзлаш;

Мустақил ва очиқ фикрлаш;

Ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарликни зиммасига олиш ва бунинг учун бошқаларни айбламаслик.

Ўзини-ўзи бошқариш - ҳиссиётларни бошқариш, ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солиш;

Барчада ишонч ва ижобий муносабатни намойиш этиш;

2. “Аввал ўйла, тингла, кейин сўзла” принципи:

Аввал диққат билан тинглаш ва тушуниш, кейин сўзлаш;

Ўз нуқтаи назарини тезда ифода этишга шошилмаслик;

Сухбатдошнинг гапини бўлмаслик, сўзлашига тўсқинлик қилмаслик;

Ўз фикрини эркин ифода эта олиш ва ўз позициясини ҳимоя қилиш.

Муаммоларни ҳал қилиш учун ўзига хос йўлларни топа олиш, қатъиятли бўлиш,

3. “Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил” принципи:

Ўзини ҳурмат қилиш ва бошқа одамларга ҳурмат кўрсатиш;

Сухбат, мулоқот, музокаралар олиб бориш ва муроса (келишув)га эришиш;

Жиддий қарама-қаршилик ва зиддиятларга бормаслик;

Ўз манфаати учун бошқалар манфаатига зарар етказмаслик;

ўзини-ўзи англаши, ўзига бўлган ишонч, ўз кадр-қиммати учун курашиш.

Мазкур ассертив компетенциялар кетма-кетлиги 1-жадвалда акс эттирилган.

Албатта, бу борадаги тадқиқот натижалари аввало, юмшоқ кўникмалар (soft skills) нинг ажралмас қисми бўлган ўзини-ўзи тақдим этиш, мусобақа жараёнида ўзини тутиш ҳатти-ҳаракатларини ўргатишга қаратилиши керак.

Шу сабабли, ишлаб чиқариш таълими усталари, касбий ва умумкасбий фанлар ўқитувчилари, жамоавий мураббийлар, мутахассислар бу жараёнда хорижий тажрибани синчковлик билан ўрганиб, уни маҳаллий таълим дастурларига мослаштириши лозим бўлади.

Ўз навбатида профессионал таълим муассасалари битирувчиларида ассертивлик кўникмаларини шакллантириш уларнинг нафақат касбий фаолиятида, балки кундалик ҳаётида ҳам рўй бериши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига ёрдам беради.

Юқоридаги таҳлиллар натижаларига асосланиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, ўқувчиларда самарали мулоқот қилиш, ўзига ишонч, шахсий кадр-қимматини англаш, мураккаб ижтимоий вазиятларда психологик сифатни таъминлаш, фаол тинглаш, мулоҳаза қилиш, тушунтириш, қарор қабул қилиш, ўзаро ёрдам бериш, ўзини ўзи баҳолаш, фикрлашнинг ўзгарувчанлигини ривожлантириш, ўқувчининг кучли ва заиф томонларни аниқлаш, ўзини тақдим этиш, нотиклик, сўзлашда ҳаяжон ва қўрқувни енгиш, шахсий ва жамоавий манфаатларни уйғунлаштириш, конструктив диалог ва ўзини-ўзи танқидий баҳолаш каби муҳим шахсий сифат ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган ассертивлик кў-

⁵ Ассертивность в профессиональной деятельности. https://www.1spbgmu.ru/images/Vuz_zdorovogo_obraza_zhizni/2014/3/3.4/assertivnost.pdf

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВОСИТАСИДА ЁШЛАР БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ - ЭНГ ДОЛЗАРЪ МУАММО СИФАТИДА

ЖАЛАЛОВ АНВАРЖОН ҚОДИРОВИЧ

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, директор ўринбосари.

Аннотация: Мақолада ёшлар бандлиги соҳасида катта массив ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида фаолият юритадиган сунъий интеллект технологияси яратилганлиги, унинг мақсади ва вазифлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Инновацион касбий ўзгарувчанлик, касб танлаш, тадбиркорлик лаёқати, ёшлар бандлиги, мактабгача таълим, профессионал таълим, касбий ўзгарувчанлик, бандлик мониторинги, сунъий интеллект

Аннотация: В данной статье информируется о создании технологии искусственного интеллекта работающее, на основе сбора и анализа больших данных, в сфере занятости молодежи.

Ключевые слова: Инновационная профессиональная мобильность, выбор профессии, предпринимательская способность, занятость молодёжи, дошкольное образование, профессиональное образование, профессиональная мобильность, мониторинг занятости, искусственный интеллект.

Annotation: This article informs about the creation of artificial intelligence technology working, based on the collection and analysis of big data, in the field of youth employment.

Key words: Innovative professional mobility, career choice, entrepreneurial ability, youth employment, preschool education, vocational education, professional mobility, employment monitoring, artificial intelligence.

Мамлакатимизда охириги ўн йилликлар давомида ёшларни иш жойлари билан таъминлашга қаратилган бир қанча меъерий ҳужжатлар қабул қилинган, лекин улар меҳнат бозорида ёшларнинг ишсизлик ҳолатига етарли таъсир ўтказмади. Эски усуллар воситасида бандликнинг бугунги таҳдидли ҳолатини бартараф қилиш имконияти чекланган. Бундай ҳолатда инновацион ёндашув ҳаёт талабига айланмоқда.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 4.1-бандида: меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун ша-роитлар яратиш вазифаси белгиланган.

Яна бир муҳим ҳужжат – Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 29 августда қабул қилинган “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида”ги 526-сон қарори

қабул қилинди. Ушбу қарор асосида аҳоли бандлиги даражасини оширишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ижроси учун 11,4 трлн.сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳажми Covid-19 пандемияси ҳолатини бошдан кечираётган Ўзбекистон учун айтарли даражада жиддий инвестиция ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳар йили 200 мингдан 400 минг нафаргача ёшлар иш ўринлари-га муҳтож бўлар эди, бу йил Covid-19 пандемияси туфайли бу рақамлар 2 миллион нафаргачани ташкил этмоқда. Охириги йи-гирма йил давомида жаҳонда ёшлар иш-сизлиги кўрсаткичи катта ёшлилар ишсиз-лиги кўрсаткичидан уч баробар кўп бўлган ҳолда сақланиб келаётган эди, баъзи ҳудуд-ларда бу кўрсаткич беш баробарни ташкил этиб келди. Жаҳон иқтисодиётидаги охириги йиллардаги рўй берган маълум сабабларга (рақамлаштириш технологияларини кенг қўлланиши, пандемиялар, рўй бериши тез-лашиб бораётган жаҳон молиявий инқироз-лари, минтақавий урушлар таъсири, қочқин-

лар муаммоси в.б.) кўра бандлик масаласи бутун дунёда ечимини кутаётган энг долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Шу сабабли республикамизда ижтимоий кам ҳимояланган ёшлар бандлиги даражасини ошириш мақсадида “Innovatsion bandlik laboratoriyasi” ходимлари томонидан сунъий интеллект воситасида фаолият олиб борувчи инновацион дастурий-алгоритмли платформа яратилди. Ушбу платформани амалиётга жорий этиш бўйича илмий лойиҳа ишлаб чиқилиб, бугунги кунда Инновацион ривожлантириш вазирлигига тақдим этилди.

Сунъий интеллект ҳар бир ёш билан индивидуал, ижодий, узлуксиз қайта алоқаларни ўрнатиш, фарзандни туғилганидан то вояга етгунига қадар ривожланиши жараёнларини мунтазам кузатиб бориш, унга (унинг ота-онасига, тарбиячи ва ўқитувчиларга) профессионал психологик-педагогик-ташкилий тавсиялар бериб бориш ва якуний оқибатда тўғри касб танлаш, уни эгаллаш ва ҳаётда муносиб моддий таъминот манбаига эга бўлиш, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратади.

Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида:

биринчидан, Ўзбекистонда илк марта бандлик соҳасида сунъий интеллект воситасида фаолият юритувчи инновацион дастурий-алгоритмли платформа яратилади, бу билан Ўзбекистон меҳнат бозорига объектив ва актуал маълумотлар асосида реал таъсир кўрсатиш имконияти кенгайтирилади;

иккинчидан, ёшлар бандлигини таъминлашда қўлланилаётган илмий тушунчаларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, соҳа учун Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ILO – International Labor Organization) тавсияларида акс эттирилган тегишли услубий ёндашувлар такомиллашади;

учинчидан, ахборот технологиялари асосида ёшларнинг қизиқиши, лаёқати, имкониятлари, танлови тўғрисида муттасил янгиланиб турувчи маълумотлар базаси шакллантирилади – меҳнат бозорини прогностлаш имконияти ошади;

тўртинчидан, реал меҳнат бозори ҳо-

лати тўғрисида мустақил, эркин нодавлат ҳамда давлат манбаларидан ахборотларни тўплаш, сақлаш, таҳлил этиш, манфаатдор томонлар(касб танловчилар, иш берувчилар, меҳнат соҳаси мутасаддилари)га талаб этилган вақтда қулай кўринишда маълумотларни тақдим этиб боришнинг инновацион тизими шаклланади, меҳнат бозори либераллашуви имкониятлари кенгайди.

Лойиҳани бажаришга жалб этилган мутахассисларнинг асосий қисми узоқ йиллар давомида профессионал таълим ва бандлик тизимида ёшларга касбий таълим бериш ва уларни иш жойлари билан таъминлаш масалалари бўйича катта тажрибага эга бўлиб, улар мазкур йўналишда қатор республика ва халқаро илмий лойиҳаларга раҳбарлик ва ижрочи сифатида иштирок этганлар.

Лойиҳа келажакда нафақат ёшларни, балки катта ёшдаги аҳоли вакиллари ҳам қамраб олишни кўзда тутди. Ушбу кўзланган режа амалга ошиши натижасида аҳолининг барча қатламларини уларнинг характери, соғлиғидаги чекловларни инобатга олган ҳолда қизиқиши, қобилияти, касби, имконияти, лаёқати ҳақида аниқ ахборотга таяниб, сунъий интеллект томонидан яшаётган туманида, бўлмаса қўшни туман ёки вилоятда, республика миқёсида, ҳатто чет элларда қандай иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ҳисоблаб беради. Ушбу ахборотлар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар бир неча вариантда фойдаланувчига тақдим этилиб борилади.

Энг асосийси, бандликни таъминлаш муаммоси билан фуқаронинг вояга етганидагина шуғулланилмай, балки унинг туғилган даврдан бошлаб, унинг ота-онасини тарбиялаш, уларга тегишли билимларни етказиб бериш, ушбу ота-оналар тақдим этилган билимлардан қандай фойдаланишаётгани (ёки фойдаланишмаётгани, безътибор бўлаётганини) мониторингини юритиш, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, профессионал таълим олиш даврида ушбу ёш фуқароларга берилаётган таълим-тарбиянинг сифати, вақти, самарасини назорат қилиш имкони яратилади. Агар ёшларга уларнинг ҳар бир ёши кесимида берилиши

ЎЗБЕКИСТОН БОШЛАНҒИЧ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМИ БУГУНГИ ҲОЛАТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ: КУТИЛАЁТГАН МУАММОЛАР

ШАСАЛИМОВ ЖАМАЛҲАН ШАСИДИКОВИЧ

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, кафедра мудири.

Аннотация: Мақолада республикада бошланғич профессионал таълим тизими асосий элементларининг тизимли таҳлили амалга оширилган. Касб-ҳунар мактаблари касбга тайёрлов йўналишлари, ўқув режаларини таркибий таҳлили асосида профессионал таълим муассасаларида яқин келажакда кутилаётган муаммолар аниқланган.

Калит сўзлар: профессионал таълим, ўқув режа, квалификация, модулли ўқитиш, таълим натижалари.

Аннотация: В статье осуществлен системный анализ основных элементов современного состояния системы начального профессионального образования в Республике Узбекистан. На основе структурного анализа направлений подготовки специалистов, а также учебных планов профессиональных школ республики выявлены риски, ожидающие образовательных учреждений в ближайшее будущее.

Ключевые слова: профессиональное образование, учебный план, квалификация, модульное обучение, результаты образования.

Annotation: The article provides a systematic analysis of the main elements of the current state of the system of primary vocational education in the Republic of Uzbekistan. On the basis of a structural analysis of the directions of training specialists, as well as the curricula of vocational schools in the republic, the risks that await educational institutions in the near future are identified.

Keywords: professional education, curriculum, qualification, modular training, educational results.

Ўзбекистонда меҳнат бозори талаблари-га мос кадрлар тайёрлаш соҳасида, жумладан профессионал таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мазкур ўзгаришларнинг туб моҳияти 2020 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Таълим тўғрисида Қонун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида [1,2] акс эттирилган.

2020/2021-ўқув йилидан янги – бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ҳамда Ҳалқаро таълим таснифига мос дифференциаллашган таълим дастурлари жорий этилди.

2020 йил 1 сентябрь ҳолатига республиканинг барча ҳудудларида касб-ҳунар мактаблари (КХМ) (жами 339 та), коллежлар (200 та) ва техникумлар (186 та) тармоғи ташкил этилиб, уларда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таъ-

лим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш амалга оширилади.

Маълумки, профессионал таълим тизими ўз ичига бошланғич, ўрта ҳамда ўрта махсус профессионал таълимни қамраб олган. Ўз навбатида профессионал таълимнинг таркибий элементлари - бошланғич, ўрта ҳамда ўрта махсус профессионал таълим алоҳида тизимлар сифатида қаралади.

Тизимли таҳлил назариясига мувофиқ [3,5] мураккаб тизимларни бошқариш муаммоси тизимли таҳлил масаласининг асосий мазмунини ташкил этиб, ушбу муаммони муваффақиятли ҳал қилиш учун бошқарув объектини, яъни тизимнинг ўзини ўрганиш керак. Шунингдек, бошқаруving мақсадини аниқлаш — тизимнинг зарур (мақсадга мувофиқ) ҳолатини, яъни тизим интилиши керак бўлган ҳолатини аниқлаш керак бўлади.

Тизимли таҳлилнинг асосий вазифаси

[4] биринчи навбатда тизим тадқиқотининг объекти олдида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятни аниқлашдан иборат бўлганлиги муносабати билан, мазкур мақолада республикада бошланғич профессионал таълим тизими асосий элементларининг тизимли таҳлили, касб-ҳунар мактаблари касбга тайёрлов йўналишлари, ўқув режаларини таркибий таҳлили асосида бошланғич профессионал таълим муассасаларида яқин келажакда кутилаётган муаммолар аниқланган.

Ҳар қандай тизимли таҳлил тизимни ўрганишдан бошланади.

Тизимли таҳлил назариясига мувофиқ муаммолар таснифига кўра уч турга бўлиниб, профессионал таълим муаммолари иккинчи тур - заиф таркиблаштирилган (тузилган), яъни ўз ичига сифатли элементлар билан биргаликда номаълум, ноаниқ томонларни қамраб олган аралаш муаммоларга мансуб.

Маълум аниқликда бошланғич профессионал таълим тизимини қуйидаги тизим элементларидан ташкил топган деб ҳисоблашимиз мумкин:

моддий техник база;

ўқув-методик база (ўқув режа, дастур, адабиётлар);

педагог кадрлар (ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари);

ўқувчилар;

бошқарув ходимлари (бошқарув тизими);

таълим жараёни.

Тизимли таҳлилни бошланғич профессионал таълим тизимининг асосий элементлари бўлган: ўқув-методик база, педагог кадрлар ҳамда ўқувчилар кесимида амалга оширамыз.

Профессионал таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш сифати бир қатор омиллар, жумладан профессионал таълим дастурларига боғлиқ. Ушбу нуқтаи назардан биринчи навбатда профессионал таълим муассасаларининг ўқув режаларини таркибий таҳлил қиламыз.

2020/2021 ўқув йилидан таълим жараёнига жорий этилаётган профессионал таълим муассасаларининг ўқув режалари блок-модулли тамойил асосида тузилиб, бевосита мутахассис тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади. Амалдаги ўқув режалари таркибий қисмларини таҳлили асосида 1-жадвалда таваккалига олинган 5 та касбнинг ўқув режаларининг асосий сонли параметрлари келтирилган.

Касбнинг номи	Квалификациялар сони	Касбий блоклар сони	Умумкасбий ва махсус фанлар сони	Фанларга ажратилган соатлар диапазони
Тикувчи	4	4	14	40-120
Электромонтёр	1	1	10	40-120
Пайвандловчи	5	5	14	20-120
Қурилиш-монтаж ишлари чилангари	2	2	8	40-60
Тракторчи-машинист	2	2	13	20-180

Жадвалдан кўринадик, бир касб доирасида ўзлаштириш мумкин бўлган квалификациялар сони биттадан бештагача бўлиши мумкин. Уларга мос равишда касбий блоклар ҳам шу диапазонда ўзгаради. Ҳар бир касб доирасида ўрганиладиган умум-касбий ва махсус фанлар сони 8 тадан 14 тагачани ташкил этади. Бу фанларнинг аксариятига 40 соатдан (айрим фанларга 20 соатдан 180 соатгача) вақт ресурси ажратилган. Аксарият ҳолларда бу фанлар тур-

ли билим соҳаларига мансуб.

2-жадвалда таваккалига олинган 4 та касб-ҳунар мактабида тайёрлаш йўлга қўйилаётган касблар ҳамда уларда таълим олаётган ўқувчилар контингенти ҳақида маълумот келтирилган (2020 йил 1 сентябрь ҳолатига).

Ўрганишлар КХМларининг аксарияти универсал бўлиб, маълум бир соҳага чуқур ихтисослашмаганлигини кўрсатади.

Касб-ҳунар мактабининг номи	Тайёрлов йўлга қўйилган касблар сони сони	Ўқувчилар контингенти
Нукус шаҳар 1-сон КХМ	6	349
Ғиждувон тумани 1-сон КХМ	7	214
Тўрақўрон тумани 2-сон КХМ	6	250
Сариосиё тумани КХМ	5	204

Мисол учун қуйида Ғиждувон тумани, 1-сон КХМда тайёрлов йўлга қўйилган касблар рўйхати келтирилган:

- 1) Пайвандловчи (электргазпайвандлаш ишлари),
- 2) Ғишт терувчи, бетон қуювчи ва арматурачи,
- 3) Аппарат ва дастурий таъминот созловчиси,
- 4) Сув таъминоти ҳамда канализация тармоқлари кузатувчиси,
- 5) Технологик қувурлар ва санитар-техник, тизимлари деталлари чилангари,
- 6) Автомобилларни таъмирлаш чилангари,
- 7) Тикувчи.

Рўйхатдан кўринадик, касбларнинг аксарияти турли соҳаларга мансуб бўлиб, табиийки, ўз навбатида уларнинг ўқув режасига кирган умумкасбий ва махсус фанларнинг кўпчилиги турли фан соҳаларига тегишли бўлади. Айни пайтда республика

КХМларининг касбга тайёрлов йўналишлари таркибий таҳлили, ўртача битта КХМда тайёрланаётган касблар сони ҳисоб-китобларда 6 та деб қабул қилиш мумкинлигини кўрсатади.

1-жадвалда келтирилган касблар ўқув режаларига киритилган умумкасбий ва махсус фанлар сонидан келиб чиқиб, ўрганилаётган таълим муассасалар ва касблар кесимида КХМларида 64 (8 x 8 = 64) номдаги фандан 112 (8 x 14 = 112) номдаги фанларгача ўқитилиши кераклиги кўринадик. Бу фанларнинг кўпчилиги турли билим соҳасига оидлиги ҳамда улар бўйича аудиториядаги ўқув юклама аксарият ҳолларда 40 соатдан иборат эканлиги, шунингдек КХМларида тайёрлов йўлга қўйилган касблар таркибини турли-туманлиги туфайли муайян фан бўйича таълим муассасадаги аудитория соатлари фонди одатда жуда кам миқдор (80-200 соат)ни ташкил этади.

Мисол учун, ўқувчилар контингенти 204 нафар бўлган ўрганилаётган КХМда ама-

КУРС ЛОЙИҲАСИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Б.Т. КАРИМОВ, мустақил тадқиқотчи (ТошДТУ)

Аннотация. Ушбу мақолада бакалавр академик даражасида рақобатбардош ва малакали муҳандислар тайёрлашда етакчи рол ўйнайдиган “Машина деталлари” фани бўйича таълим жараёнини ташкил этишда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, курс лойиҳасида барча фанлардан олинган билимларни амалда қўллаш орқали тизимлаштирувчи, умумлаштирувчи ва интеграциясини таъминлаб, иқтисодийнинг реал тармоқларидаги техник топшириқни оқилона ҳал этиш учун зарур бўлган билимлар мажмуасини шакллантирувчи дидактик тамойил эканлиги такидланган.

Калит сўзлар: компетенция, лойиҳалаш, конструктор, фанлараро алоқа, кўникма, малака, шакллантириш, назария ва амалиёт уйғунлиги.

Аннотация. В данной статье излагается актуальность обеспечения сообразности теории и практики при организации учебного процесса по курсу «Детали машин» играющему ведущую роль в подготовке конкурентоспособных, квалифицированных инженерных кадров академической степени бакалавра. Также подчеркивается, что курсовой проект представляет собой дидактический принцип обеспечивающий систематизацию, обобщение и интеграцию знаний, приобретенных по всему предмету с применением на практике, который формирует комплекс знаний для рационального решения технических задач в реальных отраслях экономики.

Ключевые слова: компетенция, проектирование, конструктор, межпредметная взаимосвязь, умение, навык, формирование, сообразность теории и практики.

Annotation. This article outlines the relevance of ensuring the consistency of theory and practice in the organization of the educational process for the course "Machine parts" playing a leading role in the preparation of competitive and qualified engineering personnel with an academic bachelor's degree. It is also emphasized that the course project is a didactic principle that provides, systematization, generalization and integration of knowledge acquired throughout the subject with practical application, forming a complex of knowledge for the rational solution of technical problems in real sectors of the economy.

Key words: competence, design, designer, intersubject relationship, skills, skill, formation, consistency of theory and practice.

Бугунги кунда замонавий жамиятнинг юқори малакага эга бўлган мутахассис кадрларга бўлган талаби кундан кун ортиб бормоқда. Олий таълимнинг замонавий меҳнат бозори талабларига мос келиши, ижодий қобилияти ва лойиҳалаш, конструкциялаш ва уларнинг бажарилишида жавобгарликни ҳис этиш, кутилмаган вазиятда ҳаракатчан бўлиш ва кутилган натижага олиб келувчи оқилона қарорлар қабул қилишни ҳисобга олувчи янги тизимли ва функционал талабларда кўринмоқда.

“Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб

бўлмоқда” [1].

Ишлаб чиқаришнинг бундай талабларига жавоб берувчи юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга, олий таълим муассасаларида таълим жараёнини сифатини муттасил ўстиришни таъминловчи, зарурий умумлашган кўникма ва малакалар шаклланишини такомиллаштирувчи назария ва амалиёт уйғунлиги орқали эришиш мумкин.

Назариядан узилган амалиёт кўрга айланади ва бу сўзсиз ўсиш суръатини секинлаштириб турғунликка олиб келади [7].

Шундай экан, юқорида келтирилган фикрларга таянган холда шуни айтиш мумкин, умумтехник тайёргарликнинг якуний қисми бўлган “Машина деталлари” курсида назария ва амалиёт уйғунлиги масаласи

алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Методология. Тадқиқотда мавзу бўйича педагогик ва методик адабиётлар таҳлили, техника олий ўқув юртлари ва алоҳида ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, конструктор фаолияти мазмуни ҳамда илғор ишчиларнинг ижодий меҳнати таҳлили усулларидадан фойдаланилди.

Талабаларда касбий компетенцияларни самарали шакллантириш учун муҳим шароит бу ўқув жараёнининг тузилиши, мазмуни, ташкилий шакли ва услубининг ўқитиш ва тарбиялаш мақсадига мувофиқ келишидир. [5]. Шундай экан ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий шакли ва услуби конструкторлик билим, кўникма ва малакалар шакллантиришга йўналтирилиши ва унга замонавий мутахассиснинг асосий етакчи компетенцияси сифатида етарлича эътибор қаратилмоғи лозим.

Тизимли фикрлаш ва лойиҳалаш малакаларининг чегараланганлиги, таълим ва ишлаб чиқаришда ҳал этилиши зарур бўлган тўсиқлардан биридир [2]. Лойиҳалаш бугунги кунда тизимли фикрлаш шакли сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун техника олий ўқув юрти талабаларида конструкторлик билим, кўникма ва малакалар шакллантиришни такомиллаштириш топшириғи қўйилиши бўлғуси мутахассисларни тайёрлаш жараёнига интегратив характер бермоқда.

Конструкторлик билим, кўникма ва малакалар бакалавр шахсининг стратегик сифати, ишлаб чиқариш тизимининг ўзгарувчан ривожланиш шароитида самарали конструкторлик фаолиятининг замини, бакалавр касбий компетенциянинг умумлашган кўрсаткичи ва унинг ўзини-ўзи касбий такомиллаштириш мақсади сифатида бакалавр касбий компетенциясининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Шундай экан, талабалар амалий характерга эга бўлган топшириқларни бажаришда ўзлаштирилган билимларни амалда қўллашни билишлари керак. Бун-

дай умумлашган кўникмалар талабалар билим сифатининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади.

Алоҳида бир шахсни у ёки бу фаолиятни ўрганишга йўллаш, уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эришилади [3].

Демак, маълум йўналишда фаолият юритиш учун зарур бўлган умумлашган кўникмаларни шакллантиришда, таълим жараёнида шу йўналишда фаолият юритиш орқали эришилади. Умумлашган кўникмалар шакллантириш, талабалар учун муаммоли характерга эга бўлган топшириқларни ечишда самарали амалга ошади, чунки бундай ҳолатда талабалар тадқиқотчи ҳолатида бўладилар (таълимда илмийлик принципи).

Бу борада “Машина деталлари” фанини ўрганиш жараёнида талабалар конструктор сифатида илк курс лойиҳасини бажарадилар, бу талабалар учун муаммоли характерга эга бўлган топшириқ ҳисобланиб, буни бажариш жараёнда улар кўплаб қийинчиликларга дуч келадилар. Бунинг сабаби сифатида кўплаб омилларни келтириш мумкин. Аммо, тажрибаларнинг кўрсатишича асосий омиллардан бири, бошқа фанлардан олган билимларни амалда татбиқ эта олмаслик, билимларнинг тарқоқлиги ва етарли даражада тизимлашмаганлиги ёки конструкторлик билим, кўникма ва малакаларнинг етишмаслигидир.

Талабалар томонидан механик узатмаларни лойиҳалаш жараёнида “Машина деталлари”, ҳамда аввалги барча техник фанлардан (чизмачилик, материаллар қаршилиги, техник ўлчашлар ва ўзаро алмашувчанлик, конструкцион материаллар технологияси, назарий механика, ва б.) олинган билимлар тизимлашуви ва мустаҳкамланиши амалга ошади [8].

Чунки, курс лойиҳаси доирасида механик узатмаларни лойиҳалаш жараёнида талабалар ушбу техник фанлардан олган билимларига таянадилар. Курс лойиҳаси бу ўринда юқорида такидланган барча фанлардан олинган назарий билимларни

амалда қўллаш орқали тизимлаштирувчи, умумлаштирувчи ва интеграциясини таъминлаб, иқтисодиётнинг реал тармоқларидаги техник топшириқни оқилона ҳал этиш учун зарур бўлган билимлар мажмуасини шакллантирувчи дидактик таъмоийлдир.

Ўқув материали ўқув фанига қандай тааллуқли бўлса, ўқув-билув муаммоси ўқув материалига шундай тааллуқли бўлади [4].

Демак, фанлараро алоқа назария ва амалиёт уйғунлигини амалга оширувчи дидактик омил бўлиб, у талабаларда назарий ва амалий билимларнинг яхлит тизимини шакллантиради.

Назария ва амалиёт уйғунлиги, конструкторларни касбий тайёрлашдаги турли саволлар ечимининг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шуниси аҳамиятлики, “Машина деталлари” фанининг мазмуни ва хусусияти фанлараро назария ва амалиёт уйғунлигининг турли йўналишларини назарда тутлади:

а) “Машина деталлари” фани мазмуни назарияси ва амалиёти уйғунлиги;

б) “Машина деталлари” ва “Материалшунослик” фанлари мазмуни назарияси ва амалиёти уйғунлиги;

в) “Машина деталлари” ва “Чизмачилик” фанлари мазмуни назарияси ва амалиёти уйғунлиги;

г) “Машина деталлари” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари мазмуни назарияси ва амалиёти уйғунлиги;

е) “Машина деталлари” ва “Техник ўлчашлар ва ўзаро алмашувчанлик” фанлари мазмуни назарияси ва амалиёти уйғунлиги;

д) “Машина деталлари”, “Материалшунослик”, “Чизмачилик”, “Материаллар қаршилиги” ва “Техник ўлчашлар ва ўзаро алмашувчанлик” фанлари мазмуни интеграцияси назарияси ва амалиёти уйғунлиги.

Назария ва амалиёт уйғунлигининг ушбу фанлараро йўналишлари тўлақонли таъминланганда зарурий кўникма ва ма-

лакалар шаклланиши учун яхши шароитлар яратилади.

Буни амалга ошириш учун талабаларга ҳар бир мавзу мазмунининг амалий аҳамиятини, мавзуни ўрганиш мобайнида амалдаги мисоллар билан боғлаб етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Назария ва амалиёт уйғунлиги, политехник принцип сифатида кўтарилади. Бу тушинча, ўқитишнинг ҳаёт билан алоқаси принципига нисбатан кўпроқ хусусий ва фақат политехник таълимни амалга оширишга тааллуқли.

Ўқитиш жараёни – бу олам ҳақида назарий ва амалий билим бериш жараёни, тарбиялаш жараёни – бу талабани уни ўраб турган борлиққа амалий муносабат тизимига таъсир этиш жараёнидир.

“Машина деталлари” фанидан курс лойиҳасини бажаришда ҳар бир қадам ва ҳаракатни доимий ва қатъий белгиловчи ўқитиш, тайёр “намуна” бўйича ўқитиш, тор кўникма ва малакалар шакллантиришга олиб келади, талабалар курс лойиҳасини ёки амалий топшириқларни ечиш усулларини эгаллашларига кам таъсир кўрсатади.

Индивидуал фикрлаш жараёни—бу ҳам амалиёт [9]. Таълимда тоза бажарувчилик тўсиғидан ўтиш, мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини ўстириш, назарий билимлар ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро киришуви тизими шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Назария ва амалиёт уйғунлиги бизни ўраб турган борлиқни ўзгартириш учун, назарий билимлардан турли хил амалий ҳолатларда тўғри фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради.

Ўқув жараёнида талабалар дуч келган муаммоларни бартараф этишга, назария ва амалиёт уйғунлиги моделининг қуйидаги принципларини амалга ошириш орқали эришилади:

а) талабаларда амалиётдан назарияга ва айниқса назариядан амалиётга мустақил ўтиш кўникмалари тўлақонли шакллантирилса, техник фикрлаш, фазо-

вий тасаввурлар кўпроқ самарали ўсади, ўқитиш мазмуни жуда кенг хажмда, мустақкам тарзда ўзлаштирилади;

б) талабаларда ўзлаштирилган билимлардан янги билимларни эгаллаш жараёнида фойдаланиш кўникмалари тўлақонли шакллантирилса, талабаларнинг билиш активлиги тез ўсади ва тизимли ривожланади;

в) талабалар ўқиш жараёнида назарий илм қонунларини аниқлаш ва тушинишдан, амалий техник принципларига ўтганида талабаларнинг билиш фаолияти бойийди ва такомиллашади;

г) талабалар назарий билиш фаолиятининг активлашуви, билишнинг амалий кўникма ва малакалар шаклланиши фаолияти билан қўшилишига таъсир кўрсатади.

Таълим жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигининг мақсад ва вазифаси назарий билимларни чуқур ўзлаштирилиши ва амалий кўникма ва малакалар шаклланишини такомиллаштиришдир.

Олий мактаб дидактикаси-олий мактабда ўқитиш сифатини оширишга мўлжалланган тadbирдир [6].

Шундай экан, назария ва амалиёт орасидаги узилишни, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлайдиган дидактик материал ёки рефлексив топшириқ ишлаб чиқиш ёрдамида бартараф этиш мумкин.

“Машина деталлари” фанидан курс лойиҳаси назария ва амалиёт уйғунлигини таъминловчи рефлексив топшириқ, ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини оширувчи дидактик омил сифатида қуйидагиларни амалга оширади:

а) ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнини такомиллаштиради;

б) назарий билимларни амалий кўникма ва малакага айлантиради;

в) олинган назарий ва амалий билимларни мустақкамлайди;

г) олинган назарий ва амалий билимларни чуқурлаштиради;

д) олинган назарий ва амалий билим-

ларни тизимлаштиради;

е) барча фанлардан олинган билимларни интеграциясини таъминлайди;

ж) умумлашган кўникма ва малакалар шакллантиради;

з) билимларни мажмуий қўллаш кўникмаларини шакллантиради.

Талабалар курс лойиҳасини бажаришда жараёнида конструктор фаолиятида бўладилар, бунда уларнинг ижодий имкониятларини очиш учун муҳит яратилади, ностандарт ҳолатларда ҳаракатланиш кўникмалари шаклланади, талабалар турли хил фанлардан олган билимларини амалда қўллайдилар. Буларнинг ҳаммаси, “Машина деталлари” фанидаги лойиҳалаш ва конструкциялаш жараёни замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан бири — инсон ҳаётининг барча жабҳаларида ижодий ёндошиш лаёқатига эга инновацион типда фикрловчи шахсни шакллантиришга асос бўлади.

3. Натижа ва мулоҳазалар. Курс лойиҳасини бажаришдаги муаммолар, фақатгина амалдаги техник фанлараро алоқага асосланган умумлашган амалий кўникма ва малакалар самарали шаклланишида ва тегишли амалий топшириқларни у ёки бу кўринишларда маъруза, амалиёт ва лаборатория дарслари ҳамда мустақил таълим жараёнида уйғун боғланган ҳолда бажарилишида ўз ечимини топади.

Лойиҳалаш бўйича билим, кўникма ва малакалар шаклланишини такомиллаштириш учун лойиҳалашда зарур бўлган билимларни қамровчи фанлараро алоқани тўлақонли таъминлаш зарур. Чунки, умумлашган кўникма ва малакалар фанлараро билимлар негизида шаклланади.

4. Хулоса. Мазкур илмий тадқиқотларнинг таҳлили талабаларнинг курс лойиҳасини бажаришдаги конструкторлик компетенциялари, креатив фикрлашлари, интеллектуал салоҳиятлари сингари шахсий фазилатларини, фанлараро умумлашган билим, кўникма ва малакаларни янада тизимли шакллантириш, иннова-

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

НОДИР ЮСУПОВ – мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий компетенциясини шакллантиришнинг дидактик тамойиллари: таълимнинг фундаментал, амалий аҳамиятлилик, касбий йўналтирилганлик, таълимнинг узлуксизлик, ўқитишдаги изчиллик, ўқитишдаги илмийлик, таълим жараёнининг кўргазмаллиги, муаммолилик, ўқитишда тизимлилик, таълимда фанлараро алоқадорлик ва таълимни индивидуаллаштириш тамойилларининг мазмуни ёритилган.

Таянч сўзлар: профессионал таълим, бошланғич профессионал таълим, ўрта профессионал таълим, ўрта махсус профессионал таълим, компетенция, касбий компетенция, дидактика, дидактик тамойиллар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются дидактические принципы формирования профессиональной компетентности студентов профессиональных образовательных учреждений: фундаментальность, практическая значимость образования, профессиональная направленность, преемственность образования, системность в обучении, научность в обучении, наглядность образовательного процесса, проблемность, систематизация в обучении, научность в образовании и содержательные принципы индивидуализации образования.

Ключевые слова: профессиональное образование, начальное профессиональное образование, среднее профессиональное образование, среднее специальное профессиональное образование, компетентность, профессиональная компетентность, дидактика, дидактические принципы.

Annotation. This article discusses the didactic principles of formation of professional competence of students of professional educational institutions: the fundamental nature, practical significance of education, professional orientation, continuity of education, systematic learning, scientific learning, visibility of the educational process, problems, systematization in training, scientific education and content principles of individualization of education.

Keywords: vocational education, primary vocational education, secondary vocational education, secondary specialized vocational education, competence, professional competence, didactics, didactic principles.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илмфан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда[1].

Профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомил-

лаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали нафақат ички меҳнат бозори учун, балки ташқи меҳнат бозори учун ҳам малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш асосий вазифалардан биридир.

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олади:

бошланғич профессионал таълим;

ўрта профессионал таълим;

ўрта махсус профессионал таълим [2].

Янги профессионал таълим муасса-

саларида таълим мазмуни, сони ва сифати, таълим дастурлари, технологиялардан фойдаланиш янгича ёндашув асосида ташкил этилиши режалаштирилган. Ҳар қандай таълим тизими ҳам умумдидактик (барча таълим тизимлари учун умумий бўлган), ҳам хусусий-дидактик (конкрет фанли таълим жараёни учун хос бўлган) бўлиши мумкин бўлган дидактик тамойиллар асосида намоён бўлади [3].

Мамлакатимиз ва МДҲ олимлари ўз тадқиқот ишларида ўқитиш жараёнига концептуал ёндашувларга асосланган дидактик тамойиллар тизимини қўллаш яхши самара беришини аниқлаганлар. Бунда тизим ҳосил қилувчи омил бўлиб, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шароитда шахс сифатларини шакллантиришда жамият талабларини намоён қиладиган ўқитиш мақсадлари ҳисобланади. Ўқитиш тамойилларини амалга ошириш учун қуйида шарт-шароит ва омиллар белгиланган:

а) жамият ривожланишини талаб этадиган ўқитиш мақсадлари;

б) ўқитиш ва ўқиш давомидаги ўзаро интеграциялашган жараёнлар сифатида ўқитишнинг объектив қонуниятлари;

в) ўқитиш амалга ошириладиган аниқ шарт-шароитлар ва ҳ.к.

Умумдидактик тамойиллар турли хил таълим тизимлари учун қўлланилиши мумкин. Унга кўра, айрим тамойилларнинг мазмуни умумий ва касбий таълим учун бир-биридан фарқланади.

Профессional таълим муассасаларида касб-ҳунар таълимнинг замонавий ҳолатни тадқиқ қилиш асосида мазмунни танлаб олиш ва тузиб чиқишга, шу жумладан, бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлиги натижасида асосий компетенциялар шакллантириладиган ўқитиш шакллари ҳамда методларига оид тамойиллар ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Таълимнинг фундаментал тамойили таълим олувчиларнинг таълим олишдаги ҳар бир бўғинда умумий ва касбий тайёргарлиги чуқурлаштирилишини кўзда тутати. Бу тамойил умумтаълим ва умумкасбий билимларнинг интеграциялашувини, изчиллик ва фанлараро алоқадорликнинг ўрнатили-

шини кўзда тутати.

2. Амалий аҳамиятлилик тамойили. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқувчи таълим дастурларидан олган билимларини ўзининг кундалик ҳаётида (физиологик функциялари амалга оширишда, касбий фаолиятда ва б.қ.) фойдаланиш мумкинлиги; бу билимлар унга бошқа билимларни ўзлаштириш учун керак бўлишини аниқ тасаввур қила оладиган тарзда ўрганилиши лозимлигини, таълим жараёнини амалга оширишда қўлланилишини кўрсатади.

3. Касбий йўналтирилганлик тамойили ўқув фанларини ўрганишда мазмуний йўналтирилганлик тамойили касбий таълимнинг исталган (бошланғич, ўрта ва ўрта махсус) даражалари учун касбий педагогиканинг энг муҳим дидактик тамойили бўлиб ҳисобланади. Амалий аҳамиятлилик тамойилидан фарқ қилган ҳолда у анча тор доирада қўлланилиш имкониятига эга бўлади, чунки у маълум бир турдаги билимларнинг фақат касбий фаолиятдагина намоён бўлишини кўрсатади.

4. Таълимнинг узлуксизлик тамойили бутун таълим жараёнининг, хусусан, касбий таълимдан олий таълимга ўтишдаги яхлитлиги ва ягоналигини белгилаб беради. Бу тамойил таълим олишни такомиллаштириш ва таълим олиш технологияларини, воситаларини ва усулларини, меҳнат бозори талабларига мос ҳолда бўлажак мутахассис шахсининг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнларини қамраб олиб, мутахассисни тайёрлашдаги мазмуний ва ташкилий ягоналикни таъминловчи таълим муассасалари мажмуасининг жамланмасини кўзда тутати.

5. Ўқитишдаги изчиллик тамойили бевосита узлуксизлик тамойили билан боғланган ва таълимнинг ҳар хил даражаларидаги ўқитиш мақсадлари, мазмуни, методлари ва воситалари орасидаги келишувчанликни кўзда тутати. Ўқув материаллари жойлашувидидаги маълум бир кетма-кетлик, таълим олувчилар томонидан эгалланган билимларга таяниш билан олдинги билимлардан янги, умумлаштирилган билимларга ўтишни таъминлайди.

6. Таълим жараёнининг кўргазмалик тамойили амалий йўналтирилган ва дуал принциплари асосида олиб борилгандагина тушунарли бўлишини кўзда тутати. Мана шунда кўргазмалик тамойилининг юзага чиқарилиши мавжуд бўлади.

7. Муаммолилик тамойили дидактиканинг асосий тамойилларига тааллуқли бўлиб, бу тамойил ўқитишнинг амалий йўналтирилганлигидан иборат бўлади ва дастурий материалларга муаммоли вазиятнинг киритилиши билан тавсифланади, бу ўқув материаллари ўзлаштирилишининг самарадорлиги ортишига ёрдам беради. Муаммоли ўқитиш фикрлаш фаолиятини фаоллаштиради, қарор ва ечимини таҳлил қилишга, илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг муаммони ҳал қилишга жалб этилишлари ўрганилаётган ўқув фанига мотивациянинг ортишига, янги билимни излаб топишга интилишнинг пайдо бўлишига ёрдам бериш билан бирга ички қизиқишни келтириб чиқаради. Муаммони ҳал қилиш жараёнида таълим олувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, танқидийлик, масъулият, креативлик каби бўлажак мутахассиснинг компетентлигини тавсифловчи қобилиятлар ривожланади.

8. Таълим жараёнининг шахсга йўналтирилган хусусиятини белгиловчи таълимнинг ижтимоий тамойили таълим олувчиларнинг таълим берувчи билан ва таълим олувчиларнинг бир-бирлари билан муносабатлари “инсонийлашув”ини; таълим

олувчи ва таълим берувчи ўзаро боғланган ўқув-билиш фаолияти ва мулоқот фаолиятида рўй беради. Бу тамойил ўқитиш мақсадини – коммуникатив мотивациянининг даражаси оширилишини юзага чиқаришда етакчи аҳамиятга эга бўлади.

9. Таълимда фанлараро алоқадорликни таъминлаш тамойили касбий таълим муассасаларида умумтаълим фанларининг мазмунини нафақат уларни бир-бирлари билан (кимё ва физика, кимё ва математика ва бошқалар), балки касбий тайёргарлик фанлари мазмуни билан ҳам боғлаш зарур бўлиб, бу касбий фанларини ўрганиш мотивациясининг, таълим олувчиларнинг касбий компетентлигини ортишига ёрдам беради.

10. Таълимнинг индивидуаллаштириш тамойили ўқув жараёнини таълим олувчининг қобилиятларини ҳисобга олиш билан ташкил этишни кўзда тутати, бу унинг ўзини ривожлантириш ва намоён қилиш учун оптимал шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шароитларда умумтаълим ва умумкасбий ўқув фанларини ўқитишга мослаштирилган дидактик тамойиллар умумтаълим ва умумкасбий тайёргарлик жараёнида профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5812-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. М.М.Холмухамедов “Янги профессионал таълим — янги миссия”
<https://review.uz/oz/post/yangi-professional-talim-yangi-missiya>

КАСБИЙ-ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАТЕМАТИК ФАОЛИЯТ АСОСИДА МАТЕМАТИК ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Г.С.ХУЖАНИЁЗОВА

ТМИ “Олий ва амалий математика” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада касбий-йўналтирилган математик фаолият асосида математик таълим интеграциясини такомиллаштириш, юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Калит сўзлар: математик моделлаштириш, касбий-йўналтирилган математик фаолият, интегратив таълим, компетентлик.

Аннотация. В статье дается комплексное представление о совершенствовании интеграции математического образования на основе профессионально-ориентированной математической деятельности, повышении качества подготовки высококвалифицированных экономических кадров.

Ключевые слова: математическое моделирование, профессионально-ориентированная математическая деятельность, интегративное образование, компетентность.

Annotation. The article provides a comprehensive view of improving the integration of mathematical education based on professional-oriented mathematical activities, improving the quality of training of highly qualified economic personnel.

Key words: mathematical modeling, professional-oriented mathematical activity, integrative education, competence.

Иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари ўз ривожланишида юқори даражадаги ижодий салоҳият ва тизимли фикрлашга эга бўлган компетенцияли, рақобатбардош мутахассисни сифатли тайёрлашни мақсад қилади.

Ушбу мақсадни бўлажак мутахассисларнинг математик тайёргарлигини такомиллаштирмасдан амалга ошириш мумкин эмас, чунки математика иқтисодий тадқиқотларда муҳим рол ўйнайди. Мавжуд иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш, иқтисодий тадқиқотларда математика ва математик моделлаштиришнинг ўрни ва ролини тушуниш, аниқ иқтисодий жараёнларни мустақил моделлаштиришни билиш ва моделлаштириш жараёнида олинган натижаларни тўғри мазмунли талқин қилиш, ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш замонавий иқтисодчиларнинг касбий фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир. Бу бўлажак иқтисодчиларни тайёрлаш тизимида математик компонентнинг ролини қайта кўриб чиқишни ва тегишли ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тининг[1] “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида математика фанлари бўйича таълим сифатини яхшилаш, илмий-тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишнинг мақсадли дастурида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифатини оширишдаги тадбирлар қаторида қуйидагилар белгиланган:

“Математик таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш: 1. Математика бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг муайян аниқ соҳаларда амалий масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантириш учун таълим дастурларини фанлар(йўналишлар)аро интегратив принцип асосида ихтисослаштирилган тартибда ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 2. “Математик иқтисодиёт”, “Математик биология”, “Математик физика” бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш”.

Бу қарор ижроси иқтисод йўналишидаги

олий таълим муассасаларида ҳам математик таълим интеграциясини такомиллаштиришни талаб қилади.

Иқтисод йўналишидаги олий таълим муассасаларида математика курсларини ўқитишда интегратив йўналтирилганлик муаммосининг долзарблиги бўлажак иқтисодчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, талабаларнинг касбий фаолиятига оид масалаларни ечишга йўналтирилган математик билимларга бўлган эҳтиёжини шакллантириш зарурати билан боғлиқ.

Республикамиз педагог-олимлари (А.Сувонқулов[4], Ш.Саипназаров[3], М.Баратов[2], Қ.Сафаева ва Ф.Шомансурова[5]) томонидан узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида математик ва иқтисодий билимлар интеграцияси масалалари бўйича бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, ўқув ва услубий қўлланмалар яратилган.

Ушбу тадқиқотларнинг барчаси назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шу билан бирга,

иқтисод йўналишидаги ОТМларда математик таълим интеграциясини такомиллаштириш учун касбий фаолиятнинг зарур таркибий қисми ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш воситаси сифатида математик фаолиятни ўзлаштириш, касбий ва математик фаолиятининг яхлит тузилмасини эгаллаш билан боғлиқ жиҳатларни етарли даражада тақдим қилмайди.

Шу муносабат билан, касбий йўналтирилган математик фаолиятни ўзлаштириш нуқтаи назаридан математик таълим интеграциясини такомиллаштириш масалалари муҳим.

Иқтисодий йўналишдаги ОТМ битирувчиси чизиқли алгебра, математик таҳлил элементлари, математик дастурлаш, эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид билимларни ўзлаштириши, назарий ва экспериментал тадқиқотлар, иқтисодий фаолият жараёнида замонавий математик воситалар, иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш ҳолати ва прогнозини баҳолаш, қабул қилинган иқтисодий қарор-

1-жадвал

Фаолият тури	Фаолият мазмуни	Фаолиятни амалга ошириш шакл, метод, воситалари
Таянч фаолият	Математик тушунчалар ва методларни билиш. Иқтисодий жараёнлар ва мос математик билимлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш кўникмаси. Иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни ечиш методлари ва усулларини ўзлаштириш.	Маъруза ва амалий машғулотлар; предметли масалалар
Касбий-йўналтирилган фаолият	Иқтисодий масалаларни ечиш учун асос сифатида математик методлар ва моделларни ўзлаштириш. Иқтисодий масалаларни ечиш учун математик методларни танлаш, асослаш ва қўллаш. Талабаларни фаол ўқитиш шакллари ва методларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий-математик мазмундаги фаолиятга киритиш. Математика бўйича турли мавзуларда иқтисодий мазмундаги амалий масалаларни қўллашнинг комплекслиги, изчиллиги ва тизимлигини амалга ошириш.	Интегратив дарс; касбий йўналтирилган иқтисодий масалалар; муаммоли вазиятлар; ишбилармонлик ўйинлари; ўқув мунозаралари.
Ўқув-касбий фаолият	Иқтисодий жараёнларини математик моделлаштириш. Иқтисодий жараёнларни режалаштириш, оптималлаштириш ва прогноз қилиш учун кўп босқичли масалаларни тузиш. Математик методлардан фойдаланиш илмий-тадқиқот ишларини, курс иши ва битирув малакавий ишларини тайёрлаш.	Курс иши ва малакавий битирув иши; илмий тадқиқот ишлари

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ МУҲИМ ИЖТИМОЙ - ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

КОМИЛЖОН АБДУЛЛАЕВ

Низомий номидаги ТДПУ мустақил-илмий изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақола мамлакатимизда амалга оширилаётган ватанпарварлик муаммоси масалаларига бағишланган бўлиб, унда “ватанпарварлик” ва “ватанпарварлик тарбияси”-нинг моҳияти очиб берилган. Мақолада олимларимиз ва уларнинг хорижлик ҳамкасбларининг ватанпарварлик тарбиясига доир қимматли фикрлари таҳлили ҳамда тамойиллари ўз аксини топган. Шунингдек мақолада “ватанпарварлик” ва “ватанпарварлик тарбияси”нинг ижтимоий-педагогик асослари ёритилган.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, ватанпарварлик тарбияси, ватанпарварлик ғояси, менталитет, муҳофаза қудрати, ижтимоий муҳит, тарих, қадрият, маънавият, муқаддас замин, фуқаровий бурч.

Аннотация. Данная статья посвящена проблемам патриотизма в нашей стране, раскрывает сущность “патриотизма” и “патриотического воспитания”. В статье отражены анализ и принципы ценностных взглядов наших ученых и их зарубежных коллег на патриотическое воспитание. В статье также описаны социально-педагогические основы “патриотизма” и “патриотического воспитания”.

Ключевые слова: патриотизм, патриотическое воспитание, патриотическая идея, менталитет, защитная сила, социальная среда, история, ценности, духовность, святая земля, гражданский долг.

Annotation. This article is devoted to the problems of patriotism in our country, reveals the essence of “patriotism” and “patriotic education”. The article reflects the analysis and principles of the value views of our scientists and their foreign colleagues on patriotic education. The article also describes the socio-pedagogical foundations of “patriotism” and “patriotic education”.

Key words: patriotism, patriotic education, patriotic idea, mentality, protective force, social environment, history, values, spirituality, holy land, civic duty.

Ватанпарварлик — номусли ва назоқатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда оғиз кўпиртирма. Яхшиси — унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил, -деб ёзади буюк педагог В.А.Сухомлинский [4. 52-б.].

Мақоламиз “ватанпарварлик” ва ватанпарварлик тарбияси тушунчаларининг моҳиятини очиб беришга бағишланган бўлиб, ўрта-маҳсус, касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумлар ўқувчиларида ватанпарварлик тарбияси муаммосига замонавий методологик ёндашувни очиб бериш, ватанпарвар шахсларни тарбиялашнинг долзарб аъналарини аниқлаш, ватанпарварлик тарбиясига салбий таъсир этувчи омилларни ёритиш масалалари атрофлича қамраб олинди.

Илмий манбалар таҳлиллари Ўзбекистонда ватанпарварлик ғояси ривожланиши тарихи қуйидаги жиҳатларда намоён бўладиган ўзига хос хусусиятга эгаллигини кўрсатди:

- ўзбекистон ижтимоий муҳити ва ижтимоий-маданий яхлитлигини таъминловчи асосий омил;
- ўзбек халқига хос менталитет;
- ўзбек давлатчилиги тараққиёти маънавий асоси;
- шахсининг Ватан ҳимоясига маънавий-психологик тайёрлигининг фундаментал таркиби.

Ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини янада теранроқ аниқлашда мавжуд илмий луғатларнинг ўзига хос беқиёс ўрни мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Ватанпарвар - ўз ватанини, она юрти-ни, халқини чексиз севувчи, ватан ман-

фаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи. Ватанпарварлик - ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат” тарзида изоҳланади. Бугунги кунга келиб, ватанпарвар сўзи фуқароларнинг ўз Ватанини севишини англатувчи рамзий сўзга айланиб улгурди [7.444-б.].

Қомусий луғатда “ватанпарварлик” сўзи “ватанга муҳаббат” сифатида талқин қилинади. Луғатда “ватанпарварлик” сўзи “ўз халқи, Ватанига бўлган муҳаббат, содиқлик”ни англатиши эътироф этилади. Педагогик қомусий луғатда ватанпарварлик сўзи моҳияти “ўз ватани, қадрдон тупроғи, маданий муҳитига бўлган муҳаббати” тарзида янада ойдинлаштирилади [8.348-б.].

Фалсафий луғатда ватанпарварлик сўзига нисбатан қуйидагича изоҳ берилган: “ватанпарварлик – маънавий ва сиёсий тамойил, ватанига бўлган муҳаббат мазмунига эга бўлган чуқур ижтимоий ҳиссиёт, унинг ўтмиши ва бугуни учун фахр-ифтихор, ўз манфаатларини ўз манфаатларига бўйсиндиришга тайёрлик” [6. 543-б.].

Юқорида ифодаланган фикрлар таҳлилларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, ватанпарварлик – бу ҳар бир фуқарога хос бўлган Ватанига содиқлик, унга бўлган муҳаббатини ўз ичига олган сифат, ўз Ватанига дахлдорлик, ўз Ватани ва халқи манфаатларига виждонан хизмат қилишга бўлган интилиш, тинчлик ва уруш пайтида уни ҳар қандай душманлардан ҳимоя қилишни англатади.

Мамлакатимиз ва хориж олимлари ватанпарварлик ғояси келиб чиқишини турли босқичга ажратадилар. Масалан, С.Н. Томилина, А.Ю. Парашин сингари муаллифлар ватанпарварлик ғоялари ва унинг таркибий қисмининг шаклланиши ва ривожланишининг беш асосий босқичини тавсифлайдилар [5. С.124].

С.Ф. Подлесная ўзининг тадқиқотларида ватанпарварлик тушунчаси

ўз тараққиётида еттита изчилликдаги босқичлардан ўтганлигини эътироф этади [3. С.4]. Шу ва бошқа тадқиқотчиларнинг қарашлари таҳлиллари бу олимларнинг барчаси барча миллат ва халқларга хос бўлган инсоният цивилизацияси тарихининг илк даврларидан ҳозирги пайтга қадар бўлган даврини назарда тутганликларини кўрсатади. Ватанпарварлик ғояларининг ривожланиши ўзбек халқи, унинг ерларини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш зарурати туфайли босқичма-босқич шаклланиб борган;

- ватанпарварликнинг шаклланишида халқ оғзаки ижоди, хусусан, достонлар муҳим аҳамият касб этган. Ўзбек халқ фольклорида юрт ҳимояси, мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик азал азалдан юқори ноталарда куйланиб келган;

- буюк саркардалар, озодлик ва эрк курашчиларининг Ватан ҳимоясидаги шахсий намунаси, мард ва жасурлиги турли даврларда жангчиларимизни жангларда жасурлик, қаҳрамонликка ундашнинг асосий омили вазифасини ўтаб келган;

- ватанпарварлик ғоялари тарғиботида ислом дини, унинг муқаддас китоби, ҳадиси шарифларимиз улкан маънавий манба вазифасини ўтаб келган;

- мамлакатимизда ватанпарварликнинг ёрқин тимсоли сифатида бизгача етиб келган тарихий–бадий обидаларимиз, роман ва қиссаларимиз, пьесаларимизнинг беқиёс ўрни мавжуд;

- ўзбек миллий ватанпарварлик ғояларининг асосини халқимизнинг жипслиги, ватанига бўлган самимий муҳаббати, аждодлар хотираси ҳамда келажакка бўлган улкан ишончи ташкил қилади.

Ўзбекистонда ватанпарварлик асосларининг пайдо бўлиши миллий ғоя шаклланишини таъминлаб берди. Бугунги кунда у кўпмиллатли Ўзбекистон Республикаси халқларини бирлаштирувчи, ижтимоий институтлар ва социумнинг

хаётий фаолияти асосларини ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан ватанпарварлик ҳодисасини талқин қилиш замирида илмий парадигма ётадиган турли ёндашувлар мавжуд. Улар орасидан нисбатан кенг тарқалган ёндашувлар сирасига ижтимоий-фалсафий, диний, социологик, тарихий, сиёсатшунослик ва педагогик каби ёндашувларни киритиш мумкин. (1-жадвал).

Ватанпарварлик моҳиятини кўриб чиқишнинг асосий йўналишлари қисқача тавсифи(1-жадвал)

Ижтимоий-фалсафий	Ватанпарварлик жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига ҳос бўлган энг муҳим, доимий қадриятлардан бири бўлиб, у шахснинг маънавий ривожланишининг энг юқори даражасини тавсифлайди ва ўзини Ватан фаровонлиги йўлида теран англашида намоён бўлади.
Диний	Ватанпарварлик - бу Ватанга муҳаббат ва эҳтиром, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик ва фидойликка тайёрликда намоён бўладиган энг юқори маънавий ва ахлоқий туйғу.
Социологик	Ватанпарварлик – кўп жабҳали ижтимоий-маданий қадрият, унинг замирида юрт манфаатлари учун фаол ҳаракатларга ундовчи Ватанга бўлган табиий боғлиқлик ва муҳаббат ётади. Ватанпарварлик – ахлоқий ва сиёсий тамойил, Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда конкрет яратувчанлик ишларида намоён бўладиган Ватан ўтмиши ва бугуни учун фахр-ифтихор мазмунига эга бўлган чуқур ижтимоий ҳиссиёт.
Маданиятшунослик	Ватанпарварлик – бу юксак ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳис-туйғулар, эътиқодлар, қарашлар, интилишлар, Ватан фаровонлиги учун ҳаракат қилишга тайёрлик ва қобилият шаклландирган маскан. Ватанпарварлик маданият тарихи ва назарияси контекстида жамоатчилик, бирлик, қариндошлар, дўстлар, ватандошлар билан бирдамлик, уларнинг тақдирига дахлдорлик туйғусини ўз ичига олади
Тарихий	Ватанпарварлик – бу ўзбек халқининг кўп асрлик тамаддунининг тарихи, ижтимоий шарт-шароитлари маҳсули.
Сиёсий	Ватанпарварлик – қадрият характерида эга бўлган сиёсий ғоя, умуммиллий манфаатлар ҳимояси асоси, умуммиллий ўзлигини англашнинг сиёсий аҳамиятга молик базиси.
Педагогик	Ватанпарварлик - ўз Ватани ўтмиши, бугуни ва эртаси билан боғлиқ қадриятлари, анъаналари ва стереотипларига бўлган ҳиссиётларида ифодаланган халқнинг миллий ўзлигини англашнинг асоси. Ватанпарварлик - бу ижтимоий-фуқароликнинг юксак шакли, ўз Ватанини кўкларга кўтариш.

Юқоридаги жадвалнинг тузилишига қарамасдан, мамлакатимиз педагогларининг ватанпарварлик моҳиятига нисбатан замонавий қарашларини бир неча гуруҳга ажратган ҳолда кенгроқ кўриб чиқиш зарурати мавжуд.

Биринчи гуруҳ олимларимиз ватанпарварликка ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида

қарайдилар. Уларнинг фикрича, ватанпарварлик юксак инсонпарварлик йўналиши, қонунларга бўлган итоат, Ватанга бўлган алоҳида муҳаббат, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларида фаол иштирок ётадиган, давлат ҳимоя қудратини мустаҳкамлаш йўналишига эга бўлган ўзбек миллий характерининг ёрқин хусусияти сифатида

характерланади.

Иккинчи гуруҳ олимлар ватанпарварликни ижтимоий онг ҳодисаси сифатида кўрадилар. Ушбу қараш нуқтаи назаридан ватанпарварлик ҳодисаси ўзбекистонда истиқомат қиладиган халқларнинг ўзаро ҳамкорликдаги тарихий ҳаётий тажрибалари асосида шаклланган маданий алоқаларини таъминлайдиган Ватанга бўлган муҳаббатлари, ундан фахр ҳиссини туйишларини байналмилал қадриятлар билан уйғунлаштирадиган миллий психологик хусусиятлари билан шартланади.

В.В.Пионтковскийнинг фикрича, “ватанпарварлик ижтимоий онг ҳодисаси сифатида” байналмилаллик ва миллийлик каби икки таркибий қисмлар фаолияти шароитидагина меъёрида фаолият юрита оладиган мураккаб динамик тизим сифатида қаралиши мумкин. Ватанпарварликнинг намоён бўлиши турли шаклларда ифодаланиши мумкин:

- ахлоқий тамойилларга асослан-диган методологик;
- ахлоқий ҳиссиётларни тарбиялаш орқали эмоционал-психологик;
- интеграциялашган ахлоқий сифат тарзида тарбияланадиган хулқий;
- ижтимоий онг орқали шакллантириладиган фалсафий [2.с.326].

Учинчи гуруҳ тадқиқотчилари ватанпарварликни ўзбек миллати вакилларига хос мажмуавий шахс сифати ва ижтимоий педагогик ҳодиса сифатида талқин қиладилар.

Ватанпарварлик, ўзбек халқига асрлар мобайнида хос бўлган, унинг менталитети, тарихи, маданияти, Ватани, халқига бўлган муҳаббати, душманларига нафрати, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлишга тайёрлигининг ажралмас асосини ташкил қилади.

Тўртинчи гуруҳ педагоглар ватанпарварлик ижтимоий муҳитда инсон фаолияти ва хулқи йўналишини

белгилаб берадиган фикрлар соҳасини қамраб олади, деган қарашни илгари сурадилар.

Бешинчи гуруҳ вакиллари ватанпарварлик – бу Ватанини ташқи агресорларнинг қуролли босқинидан ҳимоя қилиш, унинг равнақи йўлида юксак самарали меҳнат қилиш, ўз Ватанига нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш, инсон маънавий ривожланиши ва ўзлигини англашининг юксак даражасига мос бўлган шахснинг интеграл сифатлари.

Р.А.Мавлянова ёзишича, ўзбек халқи ватанпарварлиги моҳияти замонавий жамиятни тартибга солишда ўз аксини топади “... жамиятнинг муносиб турмуш тарзи, унинг мавжудлигининг муҳим тизими ёки организми ҳисобланади. Айнан шу нуқтаи назардан ватанпарварлик жамиятнинг ҳаётий қодирлиги, автономлиги, ўзига хослигини сақлашини ифодалайди” [1. 64-б.].

Ватанпарварликка нисбатан берилган қоида таърифлар асосида ватанпарварлик ҳодисасининг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш имконини беради:

- Ватанига, ўз туғилиб ўсган, истиқомат қиладиган масканига бўлган самимий ва соф муҳаббат;
- ўз Ватани, унинг ҳарбий ва жанговар қудрати, анъаналари, давлатчилиги, тили, тарихи, маданияти ва эришган ютуқларидан фахр – ифтихор ҳиссини туйиш;
- Ватанига содиқлик ва вафодорлик;
- Ватан ҳимоясига тайёр туриш;
- Босқинчи ва душманларга нисбатан нафрат.

Демак, ватанпарварлик ҳодисаси маънавий сифат, ахлоқий-сиёсий тамойил сифатида қаралиб, Ватанпарварлик моҳияти (умумий кўринишда) Ватанига бўлган ҳақиқий садоқат, вафо,

муҳаббат, унга хизмат қилиш, қўлида қурол билан уни ҳимоя қилиш кабилар билан характерланади ва таълим – тарбия

жараёнида муҳим ижтимоий педагогик аҳамият касб этади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Мавлянова Р.А. Умумий педагогика. Т: 2011й. «Янги авлод» 64-б.
2. Пионтковский, В. В. Патриотическое воспитание учащейся молодежи в условиях регионального образования. Монография. – Новороссийск: ГМУ им. адм. Ф. Ф. Ушакова, 2015. – 124 с.
3. Фалсафий луғат. “Фан” нашриёти.Т., 1998-543-бет.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. -Т:-444-бет.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўздавнашр” Давлат илмий нашриёти. -Т:-328-бет.

ТАЛАБАЛАРНИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИНИ ИШЛАШГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

Н.Х.ТОЛИПОВ – Низомий номидаги ТДПУ, Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада манзара композициясини ишлаш бўйича асосий амалий тавсиялар берилган. Мазкур йўналишда қўлланиладиган индивидуал методларнинг хусусиятлари тушунтирилган

Kalit so`zlar: манзара, ранглавҳа, компоновка нисбатларини аниқлаш, композиция, перспектива қонунлари, ранг ва тус муносабатлари, конструктив қурилиш, колорит, пленэр.

Аннотация. В статье даны основные практические рекомендации по выполнению композиции пейзажа, описаны особенности индивидуальных методов, применяемых в этом направлении.

Ключевые слова: пейзаж, этюд, компоновка, выявление отношений, композиция, законы перспективы, отношения света и оттенка, конструктивное строение, колорит, пленэр.

In the article, main practical recommends on drawing etudes are given. The peculiarities of individual methods using in this direction are explained.

Keywords: Etude, arrangement, specify ratios, composition, the lows of perspective, relations of color and tint, constructive building, plastics, plein air.

Табиат бениҳоя жозибали ва гўзалдир. Қуёш нури ва атроф муҳит чексиз турли рангларни ҳосил қилади. Манзара - тасвирий санъатнинг энг ҳиссиётли жанрларидан бири ҳисобланади. Гўзал манзарали асарлар ўзининг нафосатли таъсири билан инсонни маънавий бойитишга эришади.

Она табиат қўйнида бўлиш ижодий фикрлар туғилиши ва руҳланишни ўзгармас манбаи ҳисобланади. Рассом бирор бир жойни тасвирлашда ўша муҳитни чуқур ўрганмай, таҳлил этмай ҳаёлан тасвирласа, бу иш сохта чиқиб, томошабинни ўзига жалб эта олмайди. Мунтазам ижод этиш рассомни нозик сезишга ва табиатни маълум ҳолатини рангли ва тусли хусусиятларини тўлақонли етказишга ўргатади. Кўзнинг мослашуви деб аталувчи (ёруғликка кўзнинг сезувчанлигини кўтарилиши ва пасайиши) натура (табиат) ҳар хил ёритилишда турли таассуротларни юзага келтириши мумкин. Масалан, қуёш нурларида кузатилган табиат тўсатдан булутлар билан қопланганда барча ранглар ўзгариб тўқроқ бўлиб кўринади.

Манзара этюдларини бажариш жараёнида таққослаш ва муносабатлар билан ишлаётганда натурани яхлит кўриш керак, акс ҳолда натуранинг тус ва ранг муносабатларини

тўғри аниқлаш ва этюднинг жозибадор кўринишига эришиш мумкин эмас.

Рангтасвир ишлаш жараёнида манзара объектлари ва нарсаларни яхлит кўриб туриш муҳим. Амалий ишлаш вақтида биринчи кўришни ёрқин рангларда кейинги кўришни эса хирароқ ишлаш керак. Фақат яхлит кўриш орқали манзаранинг перспектив ўлчамларини, уларнинг турли кўринишдаги ранг муносабатларини тўғри аниқлаш ҳамда тасвирлашга эришиш мумкин.

Натуранинг ранг муносабатларини ифода қилаётганда ранглар бирдамлигини ҳам назарда тутиш керак, у эса ёритилиш спектр тизимини яратади. Эрталаб натурада олтинсимон пушти бўёқлар, кечқурин эса сариқ зарғалдоқ, булутли кунда эса – нейтрал кумушсимон ранглар устун келади. Ўрмонда яшил иссиқ ранглар доим устун туради. Ойдин кечада кулранг-ҳаворанг ва яшил ранглар кузатилади.

Натурадан ишлаш жараёнида рассом ранг муносабатларини мутаносиблиги, умумий ранг ва тус ҳолатининг вазминлигини кузатиб қолмай, ранг колорити ва ранглар гармониясини яхлитлигига эришиши керак. Талабаларни табиат ва санъатдаги бетакрор гўзалликларни кўра билиши, она-юртга бўл-

ган чексиз муҳаббатини орттириш орқали уларда манзара жанрини тасвирлаш билан боғлиқ бўлган жараёнларни англаши, тушуниши ва унинг фаол иштирокчисига айланиши каби муаммолар ўз ечимини топиши зарур. Манзара жанри устида ишлаш жараёнида талабалар унинг оддий қонуниятларини (чизиқли ва ҳаво перспективаси, колорит, композиция қонунлари) ни ҳам назарий ҳам амалий ўзлаштириб борадилар. Шу тарзда талабаларда юртимиз табиатига, унинг бетакрор қир-адирлари-ю, боғу-роғлари, ҳайвот дунёси ва манзараларига бўлган муҳаббат ҳисси секин аста уйғониб боради.

Манзара - тасвирий санъатнинг табиат кўринишини акс эттирадиган санъат асаридир. Унда реал, ҳаёлан кўз олдимизга келтирилган жойлар, шаҳар кўринишлари ва ҳоказолар тасвирланади. Манзара тасвирий санъатнинг қадимий жанрларидан бўлиб, тарихий ва маиший асарларда ҳам восита-фон сифатида муҳим роль ўйнайди [4, 444-б].

Айниқса, талабаларни тасвирий санъатга бўлган касбий қизиқишларини шакллантиришда манзара жанри асосий восита бўлиб хизмат қилади. Даставвал, манзара мустақил жанр сифатида қадимги Хитойнинг ўрта асрлар тасвирий санъатида муҳим ўрин тутди. Европада эса манзара жанри XVI-XVII асрларда яхши ривожланган бўлса, Россияда манзара жанри XVIII асрга келиб ривожланди. Хусусан, Москва, Санкт-Петербург архитектура ёдгорликлари рассом Ф.Э.Алексеев томонидан юксак маҳорат билан тасвирланган [2, 26-б].

XIX асрнинг II ярмида реалистик манзара жанри гуркираб ўсди. Бу даврда И.Шишкин, А.Саврасов, И.Левитан, В.Машков ва бошқа рассомлар салмоқли ижод қилганлар.

Ўрта Шарқ санъати, жумладан Хирот, Ўрта Осиё миниатюра санъатида манзара жанри юксак даражада намоён бўлган. Айниқса, Камолитдин Беҳзоднинг мўъжаз асарларида манзара табиат кўриниши юксак маҳорат билан ишланган [5].

Ўзбек манзара жанрининг ҳақиқий ривожланиши XX асрга тўғри келади. Бу давр да дастгоҳ санъатида манзаранинг нодир намуналари яратилди. Шу даврда П.Бенков, Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан, А.Мирсоатов

ва бошқа рассомлар ўз санъат асарларида масалан, Ў.Тансиқбоевнинг “Иссиқ кўл”, “Она ўлка”, “Қайраққум сув омбори”, Н.Қорахоннинг “Нанай йўли”, “Сижжақда баҳор”, Р.Темуровнинг Самарқанд архитектура манзара асарларида табиатга муҳаббат ва гўзаллик сирларини очишда шакллантирилди. Ҳозирги вақтга келиб кўплаб изланувчи иқтидорли рассомлар, жумладан А.Нуриддинов, О.Қозоқов, А.Нур, З.Исломшиков, А.Мўминовлар табиатни мадҳ этувчи мафтункор манзараларни чизиб келмоқдалар [3, 27-б].

Манзаранинг бир қанча турлари мавжуд: шаҳар (архитектура), қишлоқ (тоғлар), саноат (завод, фабрика. меъморий қурилишлари) манзара жанрлари киради. Буларнинг ҳар бир негизида ўзгача мазмун, ғоя ётади. Масалан, шаҳар манзарасида, шаҳар ҳаёти, баланд иморатлар, транспорт воситалари, оромгоҳ боғлар, ер ости ўтиш жойлари, қишлоқ манзарасида, бепоён кенглик, қоя тошлар, яйловлар, тоғлар, ўсимликлар, жилвакор сувлар, кўприклар ўқувчи ёшларни ўзига жалб қилиши табиийдир. Лирик манзарада, табиатдаги фасллар “Эрта тонг”, “Баҳор”, “Оппоқ қор”, “Олтин куз” каби манзаралар табиатнинг нозик, сокин гўзаллигини унинг уйғониш ҳолатини акс эттирувчи, инсонга қувонч бахш этувчи асарларни кўз олдимизга келтиради. Воқелик тасвири ва инсон атрофини ўраб олган табиат кўриниши манзарада ўз аксини топади. Шу маънода манзара ҳис-ҳаяжонли кўриниш ва ғоявий мазмун касб этади [1, 28-б].

Талабаларни тасвирий санъатга касбий қизиқишларини шакллантиришда манзара жанри алоҳида аҳамиятга эга. Чунки табиат кўйнига чиққан ҳар бир талаба табиатни ўзи билганича тасвирлашга интилади. Тасвирий санъатда манзара ишлаш жараёни куйидаги амалий машғулотлар бажарилишини талаб этади:

- талабаларни манзара чизиш жараёнига боғлиқ бўлган барча кузатишлари улардаги бошланғич тасаввурларини шакллантиради;

- манзара ишлашда уфқ чизиғи, кўриш нуқтаси, кўриш майдони, ҳаво перспективаси, сурат текислиги, ёруғ-соя қонуниятларини ўзлаштиради.

Шу билан бир қаторда тасвирланаётган объектдаги шох-шабба ва дов-дарахтларнинг шакллари, ҳайвонот оламининг анатомик тузилиши хусусиятлари, тоғу-тошларнинг кўринишларини ҳаққоний образларда тасвирлашни ўрганадилар. Бундай мавзули тасвирларни чизишда йилнинг ҳар бир фаслларида турли материаллардан: альбом, рангли қоғоз, акварель бўёғи, оддий қора қалам, рангли қаламлар, фломастер, рангли бўрлардан фойдаланиб амалга оширилади.

Тасвирий санъат жанрини талабаларга жонли етказа билиш учун, уларни дарсдан ташқари бўш вақтларида манзара чизиш учун ниҳоятда қизиқарли сюжет жойини танлай билишга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Манзарадаги асосий нарсаларни фарқлаган ҳолда аввалига қоғозга жойлаштириш, кейин эса перспективадаги уфқ чизиғи, кўриш нуқтаси, ранглар билан ишлаш, ёруғ-сояларни ажрата билиш, манзара ишлаш жараёнини тўғри танлай олган ҳолда ифодалаш, қоғозга манзара кўринишини жойлаштириш, манзарадаги дарахтлар ва ўсимликларга ёруғликни қандай тушиши ҳамда табиатни эрта тонгдаги рангларининг тиниқлигини тасвирлай олиш лозим. Манзара ишлашда перспектива ва тўғри ранг танлаш ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ҳамда тасаввурининг бойишига олиб келади. Табиат манзарасидаги кузатишлар шуни кўрсатадики, бизни ўраб олган гўзал табиатни акс эттиришга бўлган уринишлар ўқувчиларда индивидуал хусусияларни шаклланишига хизмат қилади. Масалан, уфқ чизиғини тўғри танлаш, рангларни тўғри бўяш ва ҳ.к.лар.

Талабалар тасвирдаги композициянинг таъсирчанлигини оширишда унинг ўлчамларини тўғри танлаши керак. Айниқса манзара чизиш жараёнида перспективани ва композицион тўғри жойлаштиришни ҳамда рангнинг тўғри танлаши муҳим. Манзара чизиш жараёнида бўёқлар билан ишлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Бўёқлар билан ишлашни тўғри ташкил этиш учун зарур бўлган методик тавсиялар, зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлиш керак. Манзара чизиш вақтида рангларнинг оч-тўқлиги, ёруғ-соя, рангларга тушаётган ёруғлик таъсирида бўлади. Ёруғликни таъсири узоқлашган сари ранглар оч-

риб боради, яқинлашган сари эса тўқлашиб, ёрқинлашиб боради.

Шунинг учун талаба ёруғлик таъсирига берилиб, ранг танлашда хато қилиб кўймаслиги зарур. Баъзан, ўз хатосидан ранжиб, ўзига бўлган ишончни йўқотиши мумкин. Ундан ташқари, ранглар фаслларга қараб ҳам оч ва тўқ тусда бўлади. Рангларни табиатда иссиқ ва совуқ тус кўринишида деб ҳам юритилади. Мисол учун, табиатдаги бирорта дарахтни тасвирлашда уни биргина яшил бўёқда бўяш нотўғридир. Чунки, дарахт ранги ёруғлик таъсирида, соя таъсирида, ён атрофдаги нарсалар таъсирида ўзгаради. Шунинг учун дарахтга ранг бераётганда бошқа хил ранглар аралашмасидан фойдалана олишга талабани ўргатиш керак.

Акварелда ишлаш талабаларнинг ижодий қобилиятларини шаклланишига, рангнинг идрок қилиш, бадий дидини тарбиялашга ҳамда ҳажм ва фазовий кенгликни тасаввур қилишга ёрдам беради. Талабаларни манзара чизишга ўргатишда, уларни мактаб ҳовлисига ёки боғларга олиб чиқиш керак. Очиқ ҳавода (плэнер) расм чизиш синф хонасида чизишдан кескин фарқ қилади. Табиат кўйнига чиқилганда ўқувчи манзарани тасвирлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Бу муаммо натижасида перспективани, яъни кўриниб турган манзарани тўғри, яхлит тасвирлашда ҳаво перспективасини кўрсатиб бериш мураккаблиги, ранг танлаш қизиқарли мотив ва композицияни топиш маҳоратини кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, талаба ёшларни тасвирий санъатга касбий қизиқишларини шакллантириш учун даставвал манзара жанрини танлаш кўзланган мақсадга тезроқ эришиш имконини беради. Манзара жанрини тасаввур қилишда унинг ривожланиши, тарихи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Талабаларга табиат гўзаллигини унинг мафтункор жиҳатларини тасвирлашни ўргатиш қанчалик мароқли эканлигини хис қилиш мумкин.

Айниқса, манзара ишлаш жараёнини амалий машғулотлар пайтида бажариш мақсадга мувофиқдир. Талабалар манзара ишлашда уфқ чизиғи, кўриш нуқтаси, кўриш майдони, ҳаво перспективаси, сурат текислиги, ёруғ-соя қонуниятларини ўзлаштиришла-

ри шарт. Шунинг учун тасвирий санъат жанрларини талабаларга жонли етказиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, манзарадаги энг асосий нарсаларни

фарқлаш, уларни аввало қоғозга жойлаштириш ундан кейинги жараёнлар кетма-кетлигини эсда сақлаш лозим.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Абдурахмонов Ф.М. Композиция асослари. – Т.: 2003.
2. Бойметов Б. Б. Қаламтасвир. – Т.: Мусиқа, 2006.
3. Толипов Н., Абдирасилов С., Орипова Н. Рангтасвир. – Т.: Мусиқа, 2006.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б. Т.5. Б-444.
5. Усмонов О. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. – Т.: Фан, 1997. – 160 б.

БЎЛАЖАК АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

К.М.ГУЛЯМОВ

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ докторанти (DSc),
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Аннотаци. Ушбу мақолада бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи тарбиялашнинг инновацион тенденцияларини илмий-услубий ривожлантириш масалалари батафсил кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан замонавий таълим технологиялари таркибини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, илмий-услубий манбалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: касбий компетентлик, таълим-тарбия, замонавий таълим технологиялари, лойиҳалаш, бўлажак амалий санъат ўқитувчиси.

Аннотация. В статье подробно рассматриваются вопросы научно-методического развития инновационных тенденций самообразования с целью развития профессиональной компетентности будущих учителей прикладного искусства. Автором предложен анализ научно-методических источников, уделяя особое внимание разработке структуры современных образовательных технологий.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, образование-воспитание, современные образовательные технологии, проектирование, будущий учитель прикладного искусства.

Annotation. The article deals in detail with the issues of scientific and methodological development of innovative trends in self-education in order to develop the professional competence of future teachers of applied arts. The author offers an analysis of scientific and methodological sources, paying special attention to the development of the structure of modern educational technologies.

Key words: professional competence, education-upbringing, modern educational technologies, designing, future teacher of applied art.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, талабалар, илмий-педагог кадрларни замонавий касбий компетентлигини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган [1, 39-б.].

Бугунги кунда жаҳонда таълимга компетентли ёндашув асосида битирувчиларнинг

рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган креативлик қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек, олий таълимнинг таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш масалалари долзарб йўналишлардан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, замонавий таълим технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш асосида талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Узлуксиз таълим чуқур, ҳар томонлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл,

услуг, восита, усул ва йўналишларининг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Узлуксиз таълим сифатини турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян услублар ва усулларни таълим жараёнига оқилона татбиқ этилишини таъминлайди.

Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш қуйидаги параметрларни назарда тутган ҳолда амалга оширилади: бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнида фаол иштироки; бадиий-педагогик билимлардан реал шароитда самарали фойдаланиш: пленэр ва педагогик амалиёт; турли шаклларда билимларни тақдим этиш; жамоавий ва индивидуал фаолиятга ўқитишда компетентли ёндашув; маълум бир маълумотни ёдлашдан кўра, таълимнинг янги шакл ва технологияларига эътиборни қаратиш.

Амалий безак санъати асосан тажриба, инстинкт, ички ҳис-туйғуга, технология эса фанга асосланган. Барча жараёнлар санъатдан бошланиб, технологияда тугайди, шунда бутун жараён яна бир бошдан бошланади. Узлуксиз таълимдаги замонавий таълим технологиялари янги таълим парадигмасини жорий этиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Янги авлод давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ишчи дастурларни ишлаб чиқишда олий таълим муассаларининг имкониятлари кенгайтирилади ҳамда педагогларнинг таълим сифати учун жавобгарлиги ошади. Битирувчининг асосий вазифаси бунда ҳаракатчан ва компетентли бўлишдан иборат.

Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида замонавий таълим технологияларини таҳлил қилиш учун анъанавий таълимдан интерфаол ўқитиш технологиясигача бўлган тараққиётни кўриб чиқиш анъанавий таълим самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

Ўрганиш таҳлиллари “Амалий санъат ўқитиш методикаси” курси асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Бу курсда фанга йўналтирилган

ўқитиш технологиясининг асосий масалалари атрофлича ёритилган. Ҳозирда олий таълим мазмунини ривожлантириш, замонавий ўқитиш технологиясининг шакл ва методларини танлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Курсни ўрганиш жараёнида талабалар қуйидаги кўникмаларни ўзлаштиришлари керак: замонавий ўқитиш технологиясининг мазмуни, асосий шакл ва методларини оқилона аниқлаш; қўйилган мақсадга эришиш учун ўқув ва мустақил ишларни бирлаштириш; бадиий-педагогик вазиятга қараб бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг когнитив фаолиятини ривожлантиришнинг турли шакл, метод ва технологияларидан фойдаланиш; педагогика ва тасвирий, амалий безак санъати фанлари ютуқларидан ҳамда илғор халқаро тажрибадан амалиётда кенг фойдаланиш.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб ўқувчининг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларнинг ўқувчиларни фанларга қизиқтиришда, уларнинг мустақил ишлашдаги фаолликларини оширишда имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Замонавий илмий-назарий адабиётларда ва таниқли педагогларнинг фаолиятида технологияларнинг уч асосий тури ажралиб туради: техникавий, иқтисодий ва гуманитар. Гуманитар технологиялар ўз навбатида бошқарув-гуманитар, гуманистик, педагогик ва психологик технологияларга бўлинади. Гуманитар технологияларга инсонларнинг ўзини-ўзи намоён қилиш, ўзларининг интеллектуал фазилатларини англаш технологиялари киради.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эски ёндашувларни замонавий ва самаралиларига босқичма-босқич ал-

маштиришга қаратилган таълим тизимидаги янги қарашларни ҳаётга татбиқ этишга ундайди.

ЮНЕСКО ҳужжатларида ўқитиш технологияси тушунча сифатида техник, инсон ресурсларини ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва қўллашнинг бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули ҳисобланади. Алоҳида шакл ва усуллар, гарчи таълим жараёнини қисмларга ажратадиган фаол таълим бўлса-да, ўқитишнинг яхлит таълим технологиялари билан алмаштирилмоқда.

Ўқитиш цикли кетма-кетликда келган жараёнларни ўз ичига олади: умумий мақсадни белгилаш, уни аниқлаштиришга ўтиш, ўқитиш даражасини диагностик баҳолаш, машғулотни тузатиш, қайта алоқа ва натижани баҳолаш.

Замонавий олий таълимда ўқитиш технологияси талабларига қуйидаги қоидалар киради: энг мақбул индивидуал дастурни яратиш, олий таълим муассасаларида таълим жараёнини оптималлаштириш, анъанавий, дидактик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда ўқитишни таъминлаш, бўлажак амалий санъат ўқитувчисининг қоидаларни тушуниши ва фаолияти давомида шу қоидаларга амал қилиши.

Таълим технологияларидан фойдаланишнинг ҳаракатлар схемаси (алгоритми) мавжуд. Булар қуйидагилар:

Бошланғич вазиятни таҳлил қилиш, устун бўлган технологик парадигмани аниқлаш, «Наққошлик», «Амалий санъат», «Бадий безак санъати», «Амалий санъат ўқитиш методикаси» ва бошқа фанларга оид методик, стратегик таълим технологияларини танлаш,

ўзига хос тактик технологияларни ва уларни лойиҳалашни танлаш,

ҳар бир фан ва модул учун таълим технологиялари тизимини яратиш.

Амалий безак санъатини ўқитишнинг замонавий методларини ишлаб чиқиш.

Амалий безак санъати назарияси ва методологиясида тизимли машғулотларни ташкил этиш бу анъанавий таълим учун хос

хусусиятдир. Бунда расмий материалларни ўрганишга, турли нақш композицияларини қизиш, ранглаш ва пардозлашнинг замонавий усулларини намойиш этишга катта эътибор берилади.

Турли даврлар халқ амалий безак санъати усталарининг индивидуал услубини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилган. Замонавий таълим технологиялари курсида эса, авваламбор, таълимдаги замонавий технологияларнинг назарий асослари, тушунчаси ва моҳияти, шунингдек технологиялар таснифи: гуманитар педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари ҳамда ўқитишнинг фанга-йўналтирилган ва шахсга-йўналтирилган замонавий технологиялари алоҳида аҳамият касб этади.

Технология – бу керакли натижага эришиш учун усул ва воситалар тўплами; кенг маънода амалий муаммоларни ҳал қилишда илмий билимларни қўллашдир. Технология иш усулларини, унинг тартиби, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўз ичига олади. Ҳар қандай фаолият технология ёки санъат бўлиши мумкин. Шахсга-йўналтирилган таълим шароитида бўлажак амалий санъат ўқитувчиси анъанавий ўқитишга қараганда аҳамиятли бўлган вазифани эгаллайди. Агар анъанавий таълимда бўлажак амалий санъат ўқитувчисига ўқув-услубий адабиётлар билимининг асосий ва энг компетентли манбаси, ўқитувчи эса таълим жараёнини назорат қилувчи шахс бўлган. Ҳозирги замонавий таълимда эса педагог мустақил ва когнитив фаолиятни ташкиллаштирувчи сифатида намоён бўлиб, у малакали маслаҳатчи ва ёрдамчи ҳамдир. Унинг касбий компетентлиги нафақат билим ва кўникмаларни назорат қилишга, балки креатив ҳаракатлар билан ўз вақтида ёрдам бериш мақсадида ўқув-ижодий фаолиятни ташхислашга қаратилган. Шахсга-йўналтирилган таълим бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг интеллектуал ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, ўқитишга табақалаштирилган ёндашувни таъминлайди.

Замонавий олий таълим бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлик фазилатларига эга бўлган

шахсни шакллантиришда услубий-педагогик шарт-шароитларни яратади. Мустақил тадқиқот иши сифатида индивидуал-ижодий лойиҳа муайян психологик-педагогик муаммони ўрганишга йўналтирилган бўлиши мумкин. У муайян муаммони танқидий ўрганиш, адабий манбаларни танлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш; олинган бадий-педагогик билимларни амалий вазифаларни ҳал қилишда қўллаш; хулосалар, таклифларни шакллантириш қобилиятининг ижодий ривожланишига хизмат қилади. Ўқув жараёнининг технологик хусусияти унинг тўлиқ уюшган ва бошқариладиганлигида кўринади.

Таълим технологияси ўқитиш технологиясига қараганда кўпроқ имкониятга эга, шунингдек у бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг шахсий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ тарбиявий жиҳатларни ҳам назарда тутаяди. Технология маълум бир маҳсулот турида ёки унинг компонентларида мужассам яхши ўйланган тизим ҳисобланади. Таълим-тарбияга нисбатан замонавий ёндашув уни технологик асосда қуришдан иборат.

Ўқитиш технологиясининг умумий тамойил ва қоидалари қуйидаги педагогик тамойиллар шаклида қолади: мақсадга мувофиқлик, таълим жараёнининг ажралмас томони сифатида таълимнинг ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик, мазмуни, метод ва воситалари бўйича ўқув-тарбия ҳамда ривожланиш мақсадларини аниқлаштириш тамойиллари. Таълим-тарбия талабаларининг педагогик мақсадларга мувофиқ мустақил фаолиятини ташкил этишни ўз ичига олади. Булар қуйидагилардан иборат:

таълим технологиясининг зарур элементи мавзуларни режалаштириш, бир мавзу атрофида боғланган индивидуал дарсларни лойиҳалаш;

ўқув-когнитив фаолиятнинг ҳар бир босқичида назоратни ташкил этиш;

таълимнинг турли шаклларида талабаларнинг ижодий фаолиятини рағбатлантириш.

Олий таълим муассасасининг ўқув фан дастурларида илм-фаннинг асосий ютуқла-

рини акс эттирувчи, когнитив, тарбиявий ва ривожлантирувчи аҳамиятига эга бўлган маълумотларни акс эттириш мақсадга мувофиқ, чунки контентнинг ўзи ҳам талабалар, ҳам бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг мустақил таълим олишлари учун қаратилган. Дидактик тизимлар мақсадларнинг бирлиги, ташкилий тамойиллар, мазмун, шакл, йўллари ва ўқитиш методларининг бирлиги натижасида ҳосил бўлган тузилмаларнинг ички яхлитлиги билан тавсифланади. Кўпгина дидактик тизимлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фақат таркибий қисмларнинг ҳаракати билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, таълим технологияларидан фойдаланишда педагогик тизимнинг яхлитлиги лойиҳалашнинг қуйидаги муҳим қоидалари билан таъминланиши мақсадга мувофиқ: турли ташкилий шакллардан ташкил топган таълим технологиялари тизими; технологиянинг тематик, мантиқий, ҳиссий-шахсий моҳият билан ўзаро алоқаси; технологияни тамойиллар асосида қўллашнинг мураккаблиги. Методология ва педагогик технология ўртасидаги фарқ асосли кўрингани билан у бекаму кўст эмас. Гап шундаки, педагогик ўқитиш технологияси ўқув жараёнининг лойиҳасини таклиф этади, бу талабанинг ўз тузилмасини ва фаолиятини белгилайди. Таълим-тарбия жараёнида технологик ёндашувнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

у қатъий равишда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган;

дидактикани ва мавзуга асосланган янги услубларни ўқитишдаги диагностик мақсадларни белгилаш ғоясига таянади;

бу мустақил таълимнинг устунлигидан далолат беради ва шунга кўра, талабанинг олдига қўйган мақсадлари - педагогнинг мақсадларидан келиб чиқади.

Таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни кун сайин такомиллашиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилна фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун, уларга

узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Ижодий салоҳият ва мустақил таълимдан кенг фойдаланиш бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини

ривожлантириш ва келажакда инновацион таълим технологияларини амалиётга татбиқ этишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. – Б.39.
2. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Т.: ТДПУ, 2017. – 39 б.
3. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) – Т.: 2013. – 279 б.
4. Современные образовательные технологии в вузе: справочник / Сост. О. Н. Хохлова. – Тверь: Твер. гос. ун-т, 2011. – 44 с.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МАЗМУНИ

У. А. ЎРИНОВ

Бухоро муҳандислик технология институти, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда техника олий таълим муассасаларининг ижтимоий шериклик асосида талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш ҳамда унинг доирасида юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлашдаги тажриба синов ишлари ёритилган. Иш берувчилар томонидан қўйиладиган амалий кўникмаларни баҳолаш учун сўровнома ва саволлар киритиш тавсияси келтирилган. Тажриба-синов ишларининг босқичлари ёритиб берилган. Тажриба-синов ишларининг муваффақиятли кечилишининг объектив ва субъектив омиллари баён этилган. Техника олий таълим муассасаларида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун амалга оширилган ишлар ҳақида тафсилотлар келтирилган.

Калит сўзлар: тажриба-синов, ҳамкорлик, олий таълим, ёндашув, таълим методлари, самарадорлик, натижа.

Аннотация. В статье описана экспериментальная работа промышленных предприятий и технических вузов по развитию практических навыков студентов на основе социального партнерства и подготовки высококвалифицированных инженеров. Рекомендуется включить анкету и вопросы для оценки практических навыков, необходимых работодателям. Описаны этапы экспериментальных работ. Описаны объективные и субъективные факторы успешного проведения экспериментальных работ. Приведены подробности проделанной работы по организации и проведению опытно-экспериментальной работы в технических вузах.

Ключевые слова: эксперимент, сотрудничество, высшее образование, подход, методы обучения, эффективность, результаты.

Annotation. The article describes the experimental work of industrial enterprises and technical universities on the development of students' practical skills on the basis of social partnership and the training of highly qualified engineers. It is recommended to include a questionnaire and questions to assess the practical skills required by employers. The stages of experimental work are described. The objective and subjective factors of successful experimental work are described. The details of the work done on the organization and conduct of experimental work in technical universities are given.

Key words: experiment, cooperation, higher education, approach, teaching methods, efficiency, results.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармонида қуйидаги вазифалар белгиланган:

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда

мавзу асосида олиб борилаётган тадқиқот ишларимиз маълум миқдорда ўз салмоғини қўшади.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда техника олий таълим муассасаларининг ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш тадқиқотимиз мақсади ҳисобланади. Барча олиб борилган илмий изланишларимиз натижасини сарҳисоб қилиш мақсадида тажриба синов ишларини олиб бордик.

Тажриба-синов ишларининг мақсади «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳоз-

лаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналиши бўйича мутахассисларни, ишлаб чиқариш корхоналари талаблари асосида тайёрлаш, шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ва педагогик шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш орқали амалий кўникмаларни ривожлантириш даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Белгиланган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- техника олий таълим муассасаларида «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналиши бўйича мутахассисларларни тайёрлаш жараёнини ёритувчи ўқув-меъёрий ҳужжатларни (Давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастурлари ва ҳ.к) ўрганиш асосида ўқув машғулотлари жараёнида талабаларнинг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмалари даражаларини ўрганиш ва умумлаштириш;

- анкета сўровлари ёрдамида «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмалари даражаларини ривожлантириш моҳияти борасидаги асосий тушунчаларни ўзлаштирганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаш;

- талабаларнинг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларининг шаклланганлиги даражасини бевосита ихтисослик фанларнинг мавзулари мисолида ҳамда мустақил бажариш учун берилган топшириқлар ёрдамида ўрганиш;

- «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналиши талабаларида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмалар хусусиятлари шаклланишига эришиш.

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг амалий кўникмаларини баҳолаш учун иш берувчилар билан махсус ишлаб чиқилган анкета (сўровнома)лар

ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Иш берувчилар томонидан қўйиладиган амалий кўникмаларни баҳолаш учун сўровномага қуйидаги имкониятларни берадиган саволларни киритиш тавсия этилади:

- мутахассис кадрларни тайёрлаш учун танланган йўналишлар бўйича ҳар хил касбий фаолият турларининг муҳимлиги, мураккаблиги ва бажарилиш такрорланувчанлигининг аҳамиятини баҳолаш;

- иш берувчиларнинг техника олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишга тайёргарлигини баҳолаш;

- малака талаблари, ўқув дастурларини баҳолаш ва уларни такомиллаштиришга оид тавсияномаларни ишлаб чиқиш;

- тайёрланаётган таълим йўналишлари бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

- битирувчиларнинг амалий кўникмалар даражасини баҳолаш.

Шунингдек, техника олий таълим муассасалари битирувчиларининг анкеталарига таълим муассасаларида эгалланган амалий кўникмасини уларнинг ўзлари баҳолаш имкониятини берадиган саволлар киритиш лозим.

Биз тажриба-синов ишларини техника олий таълим муассасаларининг «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналишида ўқитиладиган «Машинасозлик технологияси» фани бўйича олиб бордик. Ҳамкорлар талаб ва таклифлари инobatга олиниб, ишчи ўқув дастури такомиллаштирилди. «Машинасозлик технологияси» фани бўйича ўқитиш жараёнини ўтказиш учун биз томондан ҳар бир мавзу бўйича маъруза ва амалий машғулотлар тузилмаси ва технологик хариталари ишлаб чиқилди. Технологик харитада ҳар бир мавзу бўйича машғулотларни ўтказиш босқичлари, фаол таълим методлари, вақт тақсими, ўқитувчи ва талаба фаолияти ёритиб кўрсатиб берилди.

Тажриба-синов ишлари 2018-2021 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, Тошкент Давлат техника университети, Навоий Давлат кончилик институти, Фарғона

политехника институти, Наманган муҳандислик қурилиш институти, Бухоро муҳандислик-технология институтларида уч босқичда олиб борилди:

1. Асословчи тажриба босқичида техника олий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликлари ўрганилди ва «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалавриат таълим йўналиши мутахассислар тайёрлаш жараёнида уларнинг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмалари ривожланганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этилди. Кўзда тутилган мақсадга эришишда таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув ва амалий ишлар фаолияти кузатилди, улар билан суҳбат, анкета сўровлари ўтказилди. Бу ишлар тадқиқот йўналиши ва дастурини белгилаш имконини берди. Етакчи олимлар ва тажрибали педагогларнинг тадқиқот мавзусига оид илмий ишлари таҳлил қилинди. Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожланганлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли муаммоли вазиятлар, топшириқлар ва уларни бажариш методлари, шакллари ва воситалари белгиланди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида биз томондан тавсия этилган ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари таклиф ва тавсиялари асосида «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалавриат таълим йўналишидаги «Машинасозлик технологияси» фани ишчи ўқув дастурининг мазмуни такомиллаштирилди, у асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди, яратилган қўлланмалар, методик ишланмалар асосида бўлажак мутахассисларнинг амалий кўникмаларини ривожлантирувчи ўқув ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Талабалар фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш, улар иштирокида амалий тренингларни ташкил этиш, суҳбат, анкета сўрови ва мустақил ишлашга қаратилган амалий методлар ёрдамида уларда

шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмалари шакллантирилди. Талабаларда шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожланганлик даражаси таҳлил қилинди.

3. Таъкидловчи тажриба босқичида «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожланганлик даражаси мустақил-амалий ишлаш топшириқлари асосида таҳлил қилинди ва қўлланилган методиканинг самарадорлиги, шунингдек уларда шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожланганлик даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг муваффақиятли кечиши қуйидаги объектив ва субъектив омилларнинг мавжудлиги ҳисобига таъминланди:

- бўлажак мутахассисларда шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган методик шарт - шароитларнинг яратилганлиги;

- техника олий таълим муассасаси ва унинг ҳамкорлари саналган ишлаб чиқариш корхоналарининг етарли моддий-техник базага эгалиги;

- ўқув ва амалий ишлар жараёнида замонавий дидактик ва техник воситалар ҳамда ахборот технологияларидан унумли фойдаланилганлиги;

- «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий фаолият юрита олишларига ва мустақил ишлаш амалий кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги;

- талабаларнинг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожланганлик даражаларини шакллантиришга малакали, юксак педагогик маҳоратга эга педагоглар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи вакилларининг

жалб этилганлиги;

Техника олий таълим муассасаларида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналишидаги «Машинасозлик технологияси» фани бўйича назорат ва тажриба-синов гуруҳлари танлаб олинди;

- Тажриба-синов ишлари бўйича «Машинасозлик технологияси» фанидан амалий машғулотларнинг ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун ишлаб чиқариш корхоналари танлаб олинди ва у ердаги ўқув хоналари махсус жиҳозлар ҳамда дидактик воситалар билан таъминланди;

- тажриба-синов ўтказиладиган техника олий таълим муассасаларида ушбу фанни ўқитишда назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш хоналари ҳолати ўрганилди.

Тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида респондентлар тенг асосда тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳида тадқиқотчи томонидан тавсия этилаётган ҳамда «5320200 – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш» бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмаларни ривожланганлигини таъминлашга ёрдам берувчи методика асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув машғулотлари олиб борилди.

Тадқиқот мавзуси юзасидан ривожлантирувчи педагогик тажриба-синов ишларининг талабалар амалий кўникмалари даражасини тажриба ва назорат гуруҳларида аниқлаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш босқичи амалиётчи ўқитувчилар ҳамда муаллиф томонидан 2018 - 2021 йилларда уч босқичда амалга оширилди.

"Машинасозлик технологияси" фанининг танланган методика бўйича талабаларда амалий кўникмаларнинг ривожланганлик

самарадорлигини текшириш тадқиқотчи ҳамда шу фан ўқитувчилари томонидан ўтказилди.

Тажриба-синов ишини бошлашдан аввал ва унинг давомида фан мазмунини очиқ берувчи маълумотлар, тадқиқотчи ҳамда ўқитувчилар томонидан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаси тадқиқотимиз илмий фаразини текшириш жараёнида талабаларнинг амалий кўникмалари даражаси ўсиб бориши таснифланган мезонни кўрсатди.

Талабаларнинг амалий машғулотлар жараёнида талабалар шахсга йўналтирилган ёндашув асосида амалий кўникмалар даражасини ривожланганлигини аниқлаш мақсадида тайёрланган баҳолаш мезонлари ҳар бир мавзудаги амалий машқ бўйича тайёрланди. «Машинасозлик технологияси» фанидан ҳар бир мавзу хусусияти бўйича баҳолаш мезонлари, амалий топшириқлар, технологик жараёнлар муаммоли вазиятлари берилган. Талабалар томонидан ушбу топшириқ ва вазиятларнинг ечилиши натижасида уларнинг амалий кўникмалар даражалари аниқланади. "Машинасозлик технологияси" фани ўқув ва амалий машғулотлари бошланишидан олдин ва ўқув ва амалий машғулотлари тугагандан сўнг назорат ишлари олинади ва қиёсий таҳлил қилинади.

"Машинасозлик технологияси" фани юзасидан маълумотларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятларини шакллантириш, талабаларнинг мустақиллиги ва ижодий фаоллигини ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантириш «Машинасозлик технологияси» фанининг асосий кўрсаткичлари сифатида қабул қилинди.

"Машинасозлик технологияси" фани ўқитиш тадқиқоти давомида STEAM methods, SMART technology, CLUSTERS амалий топшириқлар, CASE study, "Блиц сўров", "Мунозара-муҳокама" ва ҳ.з, каби методларга асосланган интерфаол методлар ва муаммоли вазиятлар ташкил этилди.

"Машинасозлик технологияси" фанида дарс турларини қуйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: янги мавзунини тушунти-

MASOFAVIY TA'LIMNI "MOODLE PLATFORMASI"DA TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI

A.M.GADAEV
N.H.ALIMOVA
M.A.ATAJIEVA

Toshkent davlat stomatologiya instituti assistentlari

Annotatsiya. Ushbu maqola "moodle platformasi"da masofaviy ta'lim asosida o'qish faoliyatini tashkillashtirish va olib borishga qaratilgan. Masofaviy ta'lim tizimida o'quv materiallarini joylash, o'quv topshiriqlarini ishlab chiqish va talabalarni baholash haqida tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Masofaviy ta'lim, ta'lim samaradorligini oshirish, o'quv materiallarini modulli tizimga joylash, onlayn o'quv topshiriqlarini ishlab chiqish, talabalarni baholashni onlayn tashkil etish.

Аннотация. Данная статья посвящена организации и проведению дистанционного обучения на платформе "мoodle". Даны рекомендации по размещению учебных материалов в системе дистанционного образования, разработке учебных заданий и аттестации студентов.

Ключевые слова: дистанционное обучение, повышение эффективности обучения, размещение учебных материалов в модульной системе, разработка онлайн-учебных заданий, онлайн-организация оценки студентов.

Annotation. This article is about organizing and conducting distance learning on the moodle platform. Recommendations are given on the placement of educational materials in the distance education system, the development of educational assignments and student certification.

Key words: distance learning, increasing the effectiveness of learning, placing teaching materials in a modular system, developing online study assignments, online organization of student assessment.

O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2020 yil 27 martda qabul qilingan "Oliy ta'lim muassasalarida masofaviy ta'limni joriy etish to'g'risida"gi buyrug'iga ko'ra respublikamizdagi mavjud OTM lar ta'limning an'anaviy shaklidan masofaviy ta'lim shakliga o'tishdi. Shu maqsadda oliy ta'lim muassasalarida masofaviy ta'lim platformasi joriy qilindi va foydalanish tashkil etildi. Tashkil etilgan elektron tizim yordamida talabalarni onlayn o'qitish yo'lga qo'yildi.

Ta'lim tizimida masofaviy ta'limni tashkil etishning bir qancha usullari mavjud bo'lib, ulardan biri o'quv jarayonini Moodle platformasida tashkillashtirishdir.

Moodle - bu kurslarni boshqarish tizimi, shuningdek, o'qishni boshqarish tizimi yoki virtual o'quv muhiti sifatida ham tanilgan. Bu inglizcha qisqartma bo'lib, Modular Object-Oriented Dynamic Learning environment so'zlaridan olingan Modulli ob'ektga yo'naltirilgan dinamik o'rganish muhitidir [2].

Moodle o'quv materiallarini yaratish, o'quv jarayonining ishtirokchilari orasida

o'zaro bog'lanishni ta'minlaydigan markazdir. Moodledan foydalanib, o'qituvchi kurslar yaratishi, yaratilgan kurslarga taqvim mavzu reja asosida mavzularni matn shaklida tarkibiy qismlarga ajratib kiritishi va har bir ajratilgan mavzularga ma'ruza materiallari, taqdimotlar, videomashg'ulotlar joylashi va talabalarni baholash uchun so'rovnomalar tashkil etishi, test savollarini joylashi mumkin. Talabalar esa, o'quv kursidagi materiallar bilan tanishib chiqib, materiallarni o'rganib, egallagan bilimlarini sinab ko'rish uchun sinov testlarini ishlab, yoki turli xil ko'rinisdagi savolnomalar orqali o'quv topshiriqlarini bajarib, egallagan bilimlarini tekshirib ko'rish va mavzular bo'yicha baholarini kuzatib borishi mumkin.

Moodle platformasida o'qitish jarayoni boshlanganda, birinchi asosiy vazifa o'qituvchilarga o'z fanlari bo'yicha har bir mavzuga oid o'quv materiallari va o'quv topshiriqlarini kiritish yuklatiladi. Bunda o'qituvchilarning quyida keltirilgan yo'riqnomalarga ahamiyat berishlari tavsiya etiladi.

1. Tizimga mavzular bo'yicha o'quv materiallarini joylashda mavzu bo'yicha ko'p va ortiqcha ma'lumotlar kerak emas. Bunday holat tizimning ishlashiga ortiqcha yuklanish bilan bir qatorda talabalarda tushunmovchiliklar ko'p bo'lishiga olib keladi. Videomashg'ulot yoki taqdimot ko'rinishidagi ma'lumotlar talabalarga tushunarli bo'lib, samarali natija beradi. Videomashg'ulotlar joylanishining yana bir ijobiy tomoni shundaki, bunda talabalar ko'z bilan ko'rib, quloq bilan eshitib, o'zlarini darsda o'tirgandek his qilishlari bilan bir qatorda, tizimga yuklanayotgan videomashg'ulot ortiqcha joy egallab, tizimga yuklanish tushushini oldini oladi. Chunki, videomashg'ulotlarning hajmi katta bo'lganligi sababli, faqat murojaat (ssilka) orqali yuklanadi. Bu esa o'z navbatida hafta yoki o'qish faoliyati davomida necha nafar talaba ushbu videomashg'ulotga murojaat etganliklarini ham kuzatib borish imkonini beradi. O'quv materiallarining taqdimot yoki word, pdf shakllarida yuklanishi esa, ayni vaqtda internet tizimida ishlashda muammo bo'layotgan talabalarga qulaylik yaratadi. Chunki, bunday ko'rinishdagi fayllar videomashg'ulotlardan ko'ra kamroq hajmga ega. (Ya'ni, foydalanuvchi imkoniyatidagi internetdan foydalana olish hajmiga qarab, o'zi tanlay oladi).

Demak, tizimga o'quv materiallarini joylashdagi asosiy tavsiya: 1 ta mavzu uchun joylangan word yoki pdf shaklidagi materiallar, taqdimot materiali va videomashg'ulotlar mazmunan bir xil, ya'ni mavzuga oid asosiy tushunchalarni tashkil etishi kerak. Zero, talaba o'sha mazvuni o'rganish uchun mavzu asosida joylashgan ixtiyoriy materialdan foydalanganda, mavzuni tushuna olishi kerak. O'quv materiali mazmunining bir qismi word yoki pdf shaklidagi fayllarda, yana bir qismi taqdimot shaklidagi hujjatlarda, boshqa qismi esa, videomashg'ulotda joylanishi, ortiqcha ma'lumotlarning ko'payib ketishiga sababchi bo'lib, talabalarda mavzuni o'rganishlarida tushunmovchiliklarga olib kelishi bilan bir qatorda, ortiqcha vaqt va ortiqcha sarf-harajat (tizimdagi ma'lumotlarni yuklab olish hisobiga) bo'lishiga olib keladi va aniq bir natijaga erishish samaradorligi kamayadi.

2. Tizimga o'quv topshiriqlarini joylashda

quyidagilarga ahamiyat berish kerak:

O'quv topshirig'ini talabalar tomonidan word, pdf, taqdimot yoki boshqa shakllardagi fayllarda bajarib, tizimga qayta yuborish orqali topshirishi samarali natija emas. Bunda, birinchi navbatda, talabalar tomonidan tizimga yuklanayotgan fayllar hajmi ko'payib ketib, tizim ishlashiga salbiy ta'sir ko'rsatsa, ikkinchidan, talabalar ham o'quv topshiriqlarini bajarishda aksariyati ko'chirmachilikka bo'ysunib qolishadi. Ya'ni, telegramm yoki boshqa internet imkoniyatlaridan foydalanib, vazifani bajargan talabalarning o'z kursdoshlariga rad javobini bera olmasliklari sababli, mavzu bo'yicha tayyorlagan o'quv topshiriqlari javoblari guruhlar o'rtasida ommalshib ketadi. Bunday holatda esa, baholashda xaqqoniylik bo'lmaslik ehtimoli yuqori. O'qituvchidan esa, ortiqcha vaqt talab qiladi. Talabalarning javob variantlarini tekshirishda ortiqcha vaqt sarflashi bilan bir qatorda, bir xillikdagi ishlarni tekshirish, o'qituvchining asab tizimiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Asosiy javob varianti qaysi talaba tomonidan bajarilganligini farqlay olmay qoladi. Bir xil bajarilgan ishga har xil baho q'oyilishi esa, talabalarda ziddiyatlar paydo bo'lishiga sababchi bo'ladi. Bu esa, o'z navbatida talabalarning o'qishga qiziqishlarini kamayishiga olib keladi.

O'quv topshiriqlarini onlayn tarzda ishlab, natijasi shu vaqtning o'zida chiqadigan tarzda yuklatilishi maqsadga muvofiq. Bunda o'qituvchining ishlarni tekshirishga ortiqcha vaqti ketmaydi va baholashda aniqlik yuqoriroq bo'ladi;

Test topshiriqlarini tuzishda aralash testlardan, ya'ni har bir talabaga turlicha testlar tushadigan dasturdan foydalanish samarali natija beradi. Chunki, bir xillikdagi testlarni ishlashda talabalarning testni rasmga olib, tarqatish ehtimoli yuqori. Baholarning esa, keskin o'sib ketish holati kuzatiladi. Bunday holatda, talabalarning o'qishga qiziqishi kamayadi.

Har bir o'quv mashg'ulotiga o'quv topshiriqlarini turli xil ko'rinishlarda bajariladigan o'quv topshiriqlaridan foydalanib ishlab chiqish tavsiya etiladi. Masalan, o'quv topshirig'ini yuklashda test shaklidagi o'quv

topshiriqlarining bir necha usullari mavjud bo'lib, shulardan foydalanish samarali natijaga ega. Ta'lim tizimida har xillikdan foydalanish esa, talabalarda qiziqish uyg'otadi.

3. Masofaviy ta'lim tizimida ishlash jarayonida parallel ravishda guruh talabarlari orasida telegrammdan guruh ochish samarali natija beradi. Bunda quyidagilarga ahamiyat berish kerak:

Har bir guruhni alohidalashdan ko'ra barcha guruhlar uchun telegramm guruhi bitta bo'lishi ko'proq natija beradi;

Telegramm orqali muloqot olib borilganda, talabalarining savollarini imkon qadar javobsiz qoldirish kerak emas. Har bir ochiq qolgan savol, talabalar qiziqishini kamaytiradi;

Tizimda borayotgan jarayonning holati, ya'ni talabalarining aktivligi bo'yicha tez tez hisobot berib turish samarali natija beradi. Guruhlar o'rtasida o'zaro musobaqani, raqobatni shakllantiradi;

Telegramm guruhida fandan tashqari har xil onlayn testlar o'tqazilib turilishi samarali natija beradi. Masalan, "Siz qanday muammolarga duch kelyapsiz?", "Masofaviy ta'limning qaysi tomonlari sizda qiziqish uyg'otmoqda?", "Baholaringiz vaqtida qo'yilmoqdam?",....va.b

4. Talabalarining bajargan o'quv topshiriqlari bo'yicha baholari imkon qadar qisqa muddat ichida e'lon qilinishi foydadan holi emas.

Moodle platformasida dastlabki o'quv mashg'ulotlari olib borilganda kuzatiladigan yutuq va kamchiklar quyidagilarni o'z ichiga oladi.

O'quv mashg'ulotlarini videomashg'ulot yoki onlayn konferensiya asosida tashkillantirilishi samarali natija beradi. Talabalarda qiziqish uyg'otadi. Guruhlar o'rtasida telegramm orqali so'rovnomalar

o'tkazilganda, videomashg'ulotlar va konferensiya ko'rinishidagi mashg'ulotlarga qiziqish 92 % ni ko'rsatgani aniqlandi. Talabalar tomonidan navbatdagi mashg'ulotlar ham shunday videomashg'ulot va konferensiya asosida tushuntirilishi haqida ko'plab takliflar bo'lgan.

Test savollarini bir xillik test savollaridan (barcha talabalar uchun bir xil testlar tushadi) iborat qilib tuzilganda talabalar orasida birinchi bo'lib, aktiv talabalar testni ishlashi va qisqa muddat ichida test savollarining javoblari tarqalib ketib, test savollari yechimidagi o'sish yuqori bo'lishi kuzatiladi. Talabalar orasida mavzu bo'yicha savollardan ko'ra, "Testni ishlasak bo'ldimi?"-degan savol ommalashadi. Ushbu tizimdagi testlarni qisqa muddat ichida aksariyat talabalar ishlab, ijobiy natijaga ega bo'lishi kuzatiladi.

Testlar aralash testlar asosida tashkillantirilganda, talabalar orasidagi o'zaro muloqot: "Testlar faqat videomashg'ulotdanmi? Yana nimalarni o'qishimiz kerak?"-degan savollar ommalashadi. Bunday testlarda baholash ham o'rtacha ko'rsatkichni ko'rsatadi. Talabalar testni ishlashga shoshilishmaydi. Aksincha, "Mavzu bo'yicha tizimda berilgan barcha ma'lumotlar bilan tanishib chiqdim, darslikda ham ko'p ma'lumotlar berilgan ekan, endi testni ishlasam o'ta olarmikinman?"-degan savollar ko'payadi. Mavzuni o'zlashtira olganligiga ishonch hosil qila olgandan keyingina testni ishlashni boshlashadi.

Demak, masofaviy ta'lim orqali o'qish jaryoni samaradorligini oshirish va talabalarni jalb qila olish biz o'qituvchilarning zimmasida. Zero, to'g'ri tashkil etilgan ta'lim, talabalarining qiziqishini yanada oshirishga sababchi bo'lishini unutmashimiz kerak.



Foydalanilgan adabiyotlar:



1. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2020 yil 27 martda qabul qilgan "Oliy ta'lim muassasalarida masofaviy ta'limni joriy etish to'g'risida"gi buyrug'i.
2. Vahidov U.N., Fazilova L.A., Nurmatova F.B., "Toshkent davlat stomatologiya institutining MOODLE platformasi

FIZIKANI O'QITISHNI TIBBIY BILIMLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

K.R.NASRIDDINOV

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti professori, f-m.f.d.

D.Z.XODJAYEVA

Toshkent davlat stomatologiya instituti assistenti

Annotatsiya. Ushbu maqola tibbiyot yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalari qoshidagi akademik litseylarda fizikani o'qitishni tibbiy bilimlar asosida takomillashtirishga bag'ishlangan. O'quvchilarning fizika faniga qiziqishlarini shakllantirish bo'yicha metodik tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: kasbga yo'naltirib o'qitish, integrativ ta'lim, ta'lim sifati, fanga qiziqtirish.

Аннотация. Данная статья посвящена на совершенствование преподавания физики в академических лицеях медицинских вузов на основе медицинских знаний. Даны методические рекомендации по формированию у учеников мотивации к физике.

Ключевые слова: профессиональное обучение, интегративное образование, качества образования, мотивация к дисциплинам.

Annotation. This article is devoted to improving the teaching of physics in academic lyceums of medical universities based on medical knowledge. Methodological recommendations for the formation of students' motivation for physics are given.

Key words: vocational training, integrative education, quality of education, motivation for disciplines.

Fizikani o'qitishni tibbiy bilimlar asosida takomillashtirish ta'limning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi funksiyalarini kuchaytiradi, o'quvchilarning fizikani tibbiy kasblar bilan bog'liqligini ongli ravishda tushunishlariga imkoniyat yaratadi.

Bugungi kunda ilmiy-texnik ma'lumotlar hajmining keskin va tez o'sib borishi o'quvchilarning nafaqat ma'lum bir bilim jamg'armasiga ega bo'lishlarini, balki mustaqil aqliy mehnat ko'nikmalarini ham o'zlashtirishlari muhimligini ko'rsatmoqda. Shu ma'noda, tibbiyot yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalari qoshidagi akademik litseylarda fizikani o'qitishni tibbiy bilimlar asosida tashkil etish orqali o'quvchilarning tibbiy-ilmiy tafakkurini shakllantirish muhim rol o'ynashi muhimligi yaqqol namoyon bo'ladi.

Fizika kursini o'qitishni takomillashtirish uchun fizika va tibbiyot orasidagi aloqadorlik asosida tibbiyot asoslarini o'rganishning pedagogik samaradorligini aniqlash muhim muammo hisoblanadi. Chunki, akademik litsey o'quv dasturlari va fizika bo'yicha darsliklarni tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, zamonaviy tibbiyot va fizika orasidagi bog'liqlik ularda to'la aks ettirilgan emas. Darslik va o'quv qo'llanmalarda inson kasalliklarini tashxislash,

davolash va profilaktika qilishda fizik qonunlarning roli va qo'llanilishi to'g'risidagi ma'lumotlar yetarli emas.

Sof fizik mazmundagi tavsiyalar, o'quvchilarning fizika sohasidagi bilimlari va ko'nikmalarining tadbiqu shu tariqa tibbiyotdan ajratilgan holda shakllantirilgan. Shu bilan bir qatorda, tibbiyot yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalari qoshidagi akademik litseylarda fizika fani mazmunini tashkil etuvchi amaliy va laboratoriya mashg'ulotlarini tahlil qilar ekanmiz, ushbu mashg'ulotlarda tibbiy yo'nalishga oid fizik masalalarni yechish va laboratoriya mashg'ulotlarini o'rganish va o'tkazish o'quvchilarning fizika fani bo'yicha bilim va ko'nikmalarini kengaytirish va chuqurlashtirishga, ushbu fan asoslarini o'rganishga qiziqishini rivojlantirishga turtki bo'lishi namoyon bo'lmoqda. Vaholanki, darslik va o'quv qo'llanmalaridagi aksariyat masalalar va laboratoriya mashg'ulotlari texnik yo'nalishga qaratilgan.

Fizika fanini kasbga yo'naltirib, tibbiy bilimlar asosida o'qitish jarayonida, tibbiyotda fizikaning ahamiyatini o'rganish tabiatda, tirik organizmlarda, shu jumladan odamlarda sodir bo'ladigan jismoniy hodisalar va jarayonlarni, shuningdek, tibbiy jarayonlar va davolashni

o'rganishning fizik usullarini tushunishga katta ta'sir ko'rstishi shubhasiz.


XX asrga kelib, zamonaviy texnikaning rivojlanishi bilan birga fizika tibbiyotga jadal sur'atlarda kirib keldi: lazer jarrohligi, yumshoq to'qimalarning ultratovush tekshiruvi, magnit-rezonans tomografiya, rentgen nurlari, gamma scalpel bilan operatsiyalar o'tkazish va boshqalar shular jumlasidandir. XX asr oxiriga kelib esa mutlaqo yangi fan yo'nalishi – tibbiyot fizikasi fani shakllandi va hozirda jadal rivojlanmoqda. Tibbiyot fizikasi sohasida ilmiy jurnallar paydo bo'ldi va ularda shu sohaning muhim ilmiy muammolari yoritilmoqda va muhokama qilinmoqda, izlanish natijalari nashr

qilinmoqda.

Quyida fizikaga oid bilimlarni tibbiyotga yo'naltirib o'qitish asosida shakllantirish modelini ko'rib o'tamiz.

Fizika mashg'ulotlarida tibbiy bilimlardan foydalanishning uslubiy asosi sifatida quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin:

- fizika va tibbiyotning bog'liqligida tarixiy-ilmiy bilimlarning ahamiyatini yoritish;
- tibbiyotning rivojlanishida fizikaning o'rnini aniqlash;
- binar mashg'ulotlarning tashkil etilishi;
- tibbiyotda keng qo'llaniladigan tadqiqotlarning fizikadagi o'rnini yoritish;
- tibbiy asboblarda bilan ishlashda fizika



1-rasm. O'quvchilarda fizik bilimlarni tibbiy kasbiy ta'lim asosida shakllantirish modeli

qonunlarini tadbiiq etilishi;

- tibbiy bilimlar tarkibining integratsiyasi;
- o'quvchilarning fikrlash jarayonini rivojlantirish.

Yuqoridagilarni amalga oshirishda didaktik talablarga rioya qilgan holda fikrlashni rivojlantiradigan o'qitish texnologiyalarini ishlab chiqish zarur vazifadir. Asosiy didaktik talab esa, ko'rilayotgan mazmundagi material fizika fanining umumiy va aniq vazifalarini bajarishga sal'biy ta'sir ko'rsatmasligi, fizika mashg'ulotlarining tibbiyotga aylanib ketmasligini ta'minlash hisoblanadi.

Fizikani tibbiy bilimlar asosida o'qitishni tashkil etish o'quv jarayonini takomillashtirishga va bo'lajak tibbiyot xodimlarini zamonaviy tibbiy diagnostika va davolashda qo'llaniladigan usullar bilan tanishtirishga imkon beradi. Ishonch bilan ayta olamizki, tibbiyot paydo bo'lganidan beri fizika sog'liq uchun juda muhim hissa qo'shib kelgan. Bu hissa ko'p va xilma-xil bo'lib, tashxis qo'yish (rentgen nurlari, yadroviy tibbiyot, magnit-rezonansli spektroskopiya, magnetoensefalografiya, yuqori intensivlikka yo'naltirilgan ultratovush); davolash (radioterapiya, minimal kirish jarrohligi, masshtablash nazariyasi); va diagnostika va davolashning kombinatsiyasi kabi turli usullarni qamrab olgan. Kasallikning molekulyar mexanizmlari yaxshiroq tushunilganligi va yangi texnologiyalar jonli ravishda bu molekulyar jarayonlarni o'rganishga imkon berganligi sababli ushbu hissalar o'sib boradi. Shuning uchun ham, tibbiyotda fizik bilimlar juda muhim rol o'ynaydi. Bemorlarning xavfsizligi va xavfsizlikni ta'minlash, shuningdek, fizikaga asoslangan yangi sog'liqni saqlash texnologiyalarini samarali joriy etish muhim vazifalardan biridir.

Demak, biz hisobga olishimiz kerak bo'lgan eng muhim omillardan biri zamonaviy tibbiyotni o'rganishni texnologiya bilan to'ldirilishidir. Fizika haqidagi bilimlarimiz ushbu texnologiyaning asosini, ularning qanday ishlashini va qo'llanilishini tushunish uchun foydali bo'la oladi.

Tibbiy bilimlar mazmunining integratsiyasi keng qamrovli tushuncha bo'lib, ushbu

integrativ bilimlardan foydalanish o'qituvchining bilim, malaka va ko'nikmalarini o'quv jarayoniga tadbiiq eta olishi bilan ifodalanadi. Fizika qonunlarini tibbiyotga tadbiiq etishda, to'qima va a'zolar integratsiyasi bo'yicha umumiy biologik qonuniyatlarni tushunish muhim ahamiyat kasb etadi. Birgina "Issiqlik o'tkazuvchanlik" mavzusi misolida olsak, inson organizmining turli qismlari issiqlikni turlicha o'tkazishini kuzatamiz. Bu esa o'z navbatida organizmdagi turli to'qima va suyuqliklarning solishtirma qarshiligi turlicha ekanligiga bog'liq. Quyidagi jadvalda organizmning turli to'qima va suyuqliklarining solishtirma qarshiliklari aks ettirilgan.(1-jadval)

Jadvaldan ko'rinib turibdiki, organizmning issiqlik o'tkazuvchanligi to'qima va suyuqliklarning solishtirma qarshiligi turlicha bo'lganliklari sababli, issiqlikni ham turlicha o'tkazadi. Shu sababli davolash usullarida turlicha chastotali tok manбайдan foydalaniladi.

Bundan tashqari, termodinamik bilimlarning metabolizmga integratsiyalashgan o'zaro ta'sirini asoslash, bu dunyoning zamonaviy tabiiy-ilmiy manzarasini aks ettiradi.

O'qitishning ushbu uslubi tanlanganida o'qituvchi tibbiyot bo'yicha noto'g'ri tushunchalar berib qo'yishdan yiroq bo'lishi kerak. Tibbiy bilimlar tarkibining integratsiyasi asosida to'g'ri talqin qila olishi kerak.

Fizika o'quv mashg'ulotlari jarayonida tibbiy bilimlarni tadbiiq etish asosida o'quvchilarning fikrlashini rivojlantirishga qaratish asosida quyidagilarga erishish mumkin:

- tabiiy-ilmiy tafakkurning rivojlanishi tadbiiq eta olish faoliyatining faollashishi natijasida ro'y berishi;
- tibbiyot kasbi bo'yicha ma'lumot olish uchun motivatsiya kuchayashi;
- fizik va tibbiy bilimlarni birlashtirish unumdorligining oshishi;
- kognitiv-fizika va tibbiy bilimlar bo'yicha o'quv materiallarini bilish, tibbiy kasblarning mazmuni haqida fikrlash qobiliyatining shakllanishi;
- kasbiy ahamiyatga ega bo'lgan fazilatlar (aniqlik, diqqatlilik, kuzatuvchanlik, javobgarlik, qat'iyatlilik, o'zini - o'zi boshqarish) ning rivojlanishi;
- tibbiy amaliyotda talab qilinadigan

To`qima yoki suyuqlik	ρ , Ом * м
Orqa miya suyuqligi	0,55
Qon	1,66
Mushak	2
Miya va nerv to`qimasi	14,3
Yog` to`qimasi	33,3
Quruq teri	105
Suyak pardasiz suyak	107

1 - jadval

ko`nikma va qobiliyatlarning mavjudligi, kasbiy ahamiyatga ega ishlarga jalb qilish malakasining oshishi.

Bundan ko`rinib turibdiki, o`qitish

sifati individual qobiliyatlarni tibbiy bilimlar asosida fizikaga moslashtirish qobiliyati bilan uyg'unlashishi natijasida ortib boradi.



Foydalanilgan adabiyotlar:



1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 25 yanvardagi "Umumiy o'rta, o'rta maxsus kasb-hunar ta'limi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlar to'g'risida" PF-5313-sonli Farmoni.
2. Husanboeva Q.P. Adabiy ta'lim jarayonida o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatishning ilmiy-metodik asoslari: Dissertatsiya himoya ishi. Ped.fan.dok.-Toshkent:O'zPFITI.2004
3. Remizov A. N. Tibbiy va biologik fizika. Toshkent, 2012.
4. Hasanov A.A., Gatiyatulina R.M. Interdisciplinary communication as a didactic condition of increase of efficiency of educational process // eastern european Scientific Journal Germany. Auris-kommunikations-Und verlagsgesellschaft mdh-5-2016.p.107-111

ҚАТТИҚ ЖИСМЛАР ФИЗИКАСИГА ОИД ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ИЗЧИЛЛИК АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Э.Қ.ҚАЛАНДАРОВ
ЎзПФТИ докторанти (DSc)

Аннотация: Мазкур мақолада қаттиқ жисмлар физикасини ўқитишда лаборатория машғулотларининг ахамияти ҳамда уларни изчиллик тамойили асосида такомиллаштириш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Қаттиқ жисм, физика, лаборатория, дидактик тамойил, ярим ўтказгич.

Аннотация: В статье рассматриваются важность лабораторных занятий в преподавании физики твердого тела и их совершенствование на основе принципа преемственности.

Ключевые слова. Твердое тело, физика, лаборатория, дидактический принцип, полупроводник.

Abstract: The article discusses the importance of laboratory studies in teaching solid state physics and their improvement based on the principle of continuity.

Key words: Solid, physics, laboratory, didactic principle, semiconductor Hard body, physics, laboratory, didactic principle, semiconductor

Таълим бериш жараёнида олий педагогика ўқув юртларида ўқитиш тизимини такомиллаштиришда амалиёт ва назария уйғунлигини таъминлаган ҳолда уни ривожлантириш бугунги кундаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бўлажак физик ўқитувчиларни тайёрлашда фундаментал ва касбий аҳамиятга эга бўлган фанларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим вазифалардан бўлиб, шулардан бири қаттиқ жисмлар физикаси курсидир. Педагогика олий ўқув юртларида талабаларни физиканинг турли соҳалари бўйича тайёрлашда, уларни умумий билишнинг эмпирик методлари билан қуроллантириш, касбий маҳорат сирларини эгаллашлари учун касбий компетенцияни шакллантириш, ҳозирги ахборотлар оқими кундан – кунга кўпаяётган, шиддат билан ривожланаётган жамиятимизда ишлашга тайёрлайди. Шундан келиб чиқиб, физикадан доимий такомиллаштириб туриладиган барча ўқув машғулотларини, яъни маъруза, семинар, масалалар ечиш ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикасига керакли талаблар қўйилган.

Лаборатория машғулоти бўлажак физика ўқитувчиси учун касбий тайёргарликнинг асосий шакли сифатида қаралиши зарур. Ўқитишда политехник йўналишни кучайтириш ва табиий курсларни ўқитиш-

нинг илмий моҳиятини ошириш, замонавий ёндашувларсиз ва экспериментал ўқитиш услубини яратмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Буюк рус олимлари И.В.Ломоносов ва академик Л.Д.Ландау экспериментал машғулотларни қуйидагича таърифлаганлар: И.В.Ломоносов фикрича "Тажриба бу – минглаб фикрлардан кўра кадрлироқ, тасаввурдан туғилгандир", академик Л.Д.Ландауга кўра, "Тажриба назариянинг олий ҳаками".

Физика фани асосан бизни ўраб турган жонсиз табиатнинг энг муҳим умумий хусусиятларини ўрганади. Ушбу хусусиятлар материянинг ҳаракатини тартибга солувчи қонун ва қоидаларга ажратади. қисқартирилади. Жонсиз табиатнинг хусусиятлари ва қонуниятларини билишнинг манбаи тажриба ва унинг таркибий қисми – эксперимент ҳисобланади.

Физика экспериментал фан ҳисобланиб, тасаввур, тахминлар, кашфиётлар идрокнинг ажралмас элементларидир. Аммо у ёки бу қонун ҳамда назарияларнинг тўғрилигини кўрсатиб берувчи ягона мезон лаборатория экспериментларидир.

Умуман олганда, олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришдан иборат. Бунга олий ўқув юртларида ўрга-

ниладиган барча фанлар ўз улушига эга. Бироқ, бўлажак физика ўқитувчиларида фанлар ичида етакчи ўрин фундаментал (умумий илмий ва умумий техник) фанларга тегишлидир. Умумий ва назарий физика ҳамда унинг бўлимлари билан биргаликда махсус фанларнинг (қаттиқ жисмлар физикаси, электротехника ва х.к.) ўрни ҳам беқиёс ҳисобланади. Шу ўринда, талабанинг мустақил бажарадиган ишларнинг роли ҳам катта.

Лаборатория ишларини мустақил бажариш, маъруза, назарий материалларини таҳлил қилиш ва маъруза экспериментлари, адабиётларни ўрганиш, семинарларда фаол иштирок этиш - буларнинг барчаси замонавий илмий фаолиятнинг асосий элементларига мос келади. [2].

Физика лабораториясида талаба мустақил равишда бир нечта экспериментал масалаларни ечади. Бу ерда асосан иккита мақсад мавжуд. Бир томондан, талаба асосий физик ҳодисаларни мустақил равишда кўпайтириш ва таҳлил қилишни ўрганиши керак. Бошқа томондан, у физика лабораториясида ишлашда баъзи бир асосий кўникмаларни шакллантириши зарур.

Ҳозирги вақтда педагогика университетларида махсус лабораторияларнинг пайдо бўлиши физика ва унинг бўлимлари ҳамда техник тараққиёт тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Кўпинча, уларнинг мазмуни педагогика университет талаблари ва ўзига хос хусусиятлари билан эмас, балки тегишли кафедраларнинг илмий қизиқишлари, улардаги моддий-техника базаси ҳамда университет педагогикаси билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим сабабларга кўра белгиланади. Ҳозирги вақтда педагогика университетларнинг махсус физика лабораторияси билан боғлиқ бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Буларга:

- мавзулар ва лаборатория ишларининг мазмунини танлашни асослаш;
- машғулотлар ўтказиш методикасининг асосланиши ва уни касбийлаштириш;
- лаборатория ишлари учун ўқув қўланмаларнинг янги шакллари ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини

фаоллаштириш, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш билан боғлиқ психологик жиҳатлар;

- махсус компьютер технологияларини ўқув жараёнига киритиш ёки лаборатория машғулотларини виртуаллаштириш;

- замонавий қурилмалар ва компьютерлардан фойдаланишни оқилона бирлаштирадиган махсус лаборатория мавжуд эмаслиги;

- лаборатория ишлари физика фанининг сўнгги ютуқлари билан бевосита боғлиқ эмаслиги, уларининг янгилиги туфайли ўқитиладиган курсларда етарли даражада акс эттирилмаган ҳодисаларни ўрганишнинг ўз ичига олинмаганлиги.

Физикадан лаборатория ишини ташкил этиш ва ўтказиш услубиётига қуйидаги дидактик талаблар қўйилади.

- лаборатория ишларини муваффақиятли бажариш, физикадан ўқув лабораториясининг моддий – техник таъминланганлигига боғлиқлигини назарда тутиб, замон талабларининг ўзгариши ҳисобига практикунинг мазмуни, тузилиши ва техник жиҳозланишини ўзгартириб туриш, яъни замонавий асбоблар ва жиҳозлар билан алмаштириш;

- лаборатория ишини мавзусини танлашда талабаларнинг маърузадагига нисбатан қийин мавзу ва бўлимларни чуқур ўрганишлари ва назарияни амалиётга татиқ этиш малакаларини эгаллашларини мақсад қилиб, мутахассислик йўналишини ҳисобга олиш.

Бўлажак физика ўқитувчисини тайёрлашда уларда талабалик даврида мактаб, академик лицейларда ўтиладиган физика курсларининг илмий асосини чуқур ўзлаштириш, тарихий босқичларини билиш, педагогика лаёқатларини шакллантириш орқали эришилади. Бунинг учун эса улар турли босқичларда физика ўқитишда дидактиканинг изчилик принципини амалга қўллашни яхши билишлари керак. Аммо, олий педагогика ўқув юртларида ўқитиш жараёнида бу масалага етарли даражада эътибор берилмоқда, деб бўлмайди. Кўпчилик талабалар олий педагогика институтларида ўзлаштирган компетентликларини мак-

табда физика курсларини ўқитишда татбиқ этишда қийналадилар. Бу қийинчиликлар юзага келишининг асосий сабаби, умумтаълим мактаблари ва академик лицей ўқувчиларига физикани ўқитиш жараёнида уларда физикавий тажрибаларни ташкил этиш ва ўтказишда компетенцияларини шакллантиришда етарли даражада эътибор қаратилмаганлигидир. Уларнинг физикавий дунёқарашини шакллантиришда асосий ўринни динамик қонуниятлар эгаллаб, эҳтимолий статистик қонуниятларга деярли ўрин қолмаган. Бундай бўлишига сабаб, педагогика олий ўқув юртларида ўқитиладиган умумий физика, назарий физика ва физикани ўқитиш методикаси курслари орасида изчилликка эътибор қаратилмаганлигидир.

Қаттиқ жисмлар физикасидан лаборатория машғулотларини ташкил этишда талабаларни илмий текшириш институтларида қўлланиладиган илмий лабораториялар билан таништириш катта аҳамият касб этади. Масалан, қаттиқ жисмларнинг асосий параметрларини аниқловчи Холл эффекти, фотосиғим усули, DLTS (чуқур сатхлар сиғимли спектроскопияси) ва бошқалар. Бундай қурилмаларни ўқув лабораторияларида ташкил қилиш жуда қийин масала. Бундан ташқари илмий лабораторияларда қаттиқ жисмларнинг асосий параметрларини аниқлаш учун намуналар тайёрлаш жараёни ҳам таълим олувчиларга қизиқиш уйғотиши табиий. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин. Дастлабки материал сифатида исталган қаттиқ жисм ёки ярим ўтказгичли n- ва р-тур ўтказувчанликли кремний кристаллар

намуналар олинади [1].

Намуналарни ўлчашга тайёрлашда икки хил усулда ишлов берилади. Биринчиси намуналарга механик ишловлар бериш. Яъни,

а). Намуналар дискларидан параллелепипед шаклида кесиб олинади;

б). Механик порошоклар ёки маркалари М – 20, М – 14, М – 10, М – 5 кремний карбид кукуни суспензияси воситасида кетма-кет силлиқланади;

с). намуналар дистилланган сувда ўта яхши ювилади.

Иккинчиси, кимёвий ишлов беришдир. Намуналарга механик ишловлар берилгандан кейин,

а). органик эритмада қайнатилади.

б). кислотали - перекисли ювиш жараёнида тозаланди [1].

в). Толуолда ювиш (1÷3 мин. икки марта ёки иккинчиси ацетонда ювиш).

г). HNO_3 да 10 мин. давомида қайнатиш

д). $3 \text{HF} + 5 \text{HNO}_3 + \text{CH}_3\text{COON}$ ўювчида едирилиш.

е). HF да ювиш (30 сек).

Бу жараёнлар илмий тадқиқотларда иложи борича хатолик фоизини камайтириш учун қилинишини олдиндан талабаларга ўқитириш зарур.

Қаттиқ жисмларнинг асосий параметрларидан уларнинг солиштирма қаршилиги ва электр ўтказувчанлигини зондли методлар билан ўлчаш усулларини ўргатишни таклиф қилиш мумкин. Бунда намуналар фақат механик ишловлар берилгандан кейин ўлчашлар олиб бориш мумкин. У қуйидагича амалга оширилади.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯРАТИШ

ХАЙДАРОВ БОТИР МАШРАПОВИЧ
ПНКХТБПКҚЕ ва УМОИ, мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мазкур мақолада профессионал таълим тизимида компетенциявий ёндашув асосидаги модулли технологиялар моҳияти ва улардан келиб чиқиб, модулли дастурларни яратишнинг долзарблиги ёритилган. Ушбу модулли дастурларни яратишда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ишчи ва ходимларга қўйиладиган талаблар кўриб чиқилган ҳамда компетенциявий ёндашувга асосланган модулли технологияларни таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ва натижалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: компетенция, компетенциявий ёндашув, модулли технология, ўқув дастур, иш берувчилар талаби.

Аннотация. В статье раскрывается сущность модульных технологий, основанных на компетентностном подходе в системе профессионального образования, и актуальность создания модульных программ на их основе. Основываясь на мировом опыте, раскрываются требования к рабочим и служащим. Показаны преимущества и результаты использования модульных технологий в процессе обучения на основе компетентностного подхода.

Ключевые слова: компетенции, модульная технология на основе компетентностного подхода, учебная программа, требования работодателя,

Annotation. The article reveals the essence of modular technologies based on the competence-based approach in the vocational education system, and the relevance of creating modular programs based on them. Based on world experience, the requirements for workers and employees are revealed. The advantages and results of using modular technologies in the learning process based on the competence-based approach are shown.

Keywords: competence, modular technology based on competency approach, curriculum, employer demand,

Ўзбекистон Республикасида Профессиялар таълим тизимида касбий компетенцияларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш жараёни шакллантириш ва такомиллаштириш бугунги кунда энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, меҳнат бозорининг талабини қондириш учун фақат билим ва кўникмаларга эга битирувчилар эмас, балки айнан ўша билим ва кўникмаларни меҳнат фаолиятида қўллаш олиш қобилиятига эга, ўз устида ишлайдиган, соҳа бўйича янгиликларга интиладиган, ижодий фикрлайдиган, ўз касбини қадрлайдиган ишчи ва ходимларга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Жаҳон тажрибаси таҳлиллари шуни кўрсатадики, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, кваллификация даражасига қараб, ишчи ва ходимларга қўйиладиган талаблар ва қобилиятларни ўз ичига

оладиган умумий талаблар қўйилади. Хусусан,

маълум бир соҳада профессионал касбий фаолиятнинг талабларига мувофиқлиги;

янги маълумотларни қидириш, изоҳлаш ва ундан фойдалана олиш қобилияти;

ишни режалаштириш, операциялар кетма-кетлигини, меҳнат усуллари ва воситаларини аниқлаш ҳамда ишнинг сифатига жавобгарлик қилиш қобилияти;

ўз фаолияти сифатини назорат қилиш ва уни амалга ошириш усуллари опти-маллаштириш қобилияти;

меҳнат жараёнида бошқа ходимлар билан ҳамкорлик қилиш, ҳамкасблар, раҳбарият ва мижозлар билан самарали муносабатда бўлиш;

ўз касбий соҳасидаги техник муаммоларни ҳал қилиш қобилияти;

чет тилларида гаплаша олиш қобилияти;

ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қилиш ва уларни қабул қилишда хатарлилик даражасини баҳолаш қобилияти;

иш ва меҳнатни ташкил этиш усуллари такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш қобилияти;

ўзгаришларга мослашиш қобилияти, билим ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда ўрганишга тайёрлик;

меҳнат операцияларини бажаришда ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини кўриш кўникмалари;

касбий этика тамойилларига риоя қилиш.

Бундай талаблар қўйилганда профессионал таълим сифатини ошириш зарурати яққол кўриниб турибди, бунинг учун доимий равишда янги замон талабига жавоб берадиган таълим технологияларини излаш лозим бўлади. Компетенциявий ёндашувга асосланган модулли ўқитиш технологияси ана шундай технологиялардан бири бўлиб, профессионал таълим ҳамда ўқитиш тизимларига мослашувчанлик ва шаффофлигини таъминлайди. Ушбу технология деярли барча иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда қўлланилади.

Педагогикада компетенцияга асосланган ёндашув ғояси ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида, В.Ландшер томонидан тадқиқ этилиб, кейинчалик В.Болотов, Э.Я.Коган, В.А.Калней, А.М.Новиков, В.В.Сериков ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мутахассисларнинг компетенцияларини шакллантириш муаммоси бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Профессионал таълим муассасаларида мутахассисларнинг компетенцияларини шакллантириш методология масалалари Р.Х.Джураев, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, О.А.Абдуқудусов томонларидан кўриб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус

профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарорида компетенцияга — билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи деб изоҳ берилган.

Профессионал таълим соҳасида таълим бериш ва ўргатишнинг асосий мақсади бўлажак мутахассисларда яхлит компетенцияларни шакллантириш сифатида белгиланган. Компетенцияларнинг яхлитлиги, уларнинг шаклланиш яхлитлигини ҳам англатади, бу эса ўз навбатида, назарий ва амалий машғулотларни интеграциялашга, таълим дастурларининг мазмунини, баҳолашнинг янги принциплари ва усуллари ишлаб чиқишга мутлақо бошқача ёндашув бўлишини талаб қилади. Буларнинг барчаси компетенциявий ёндашувга асосланган модулли таълим технологиясининг моҳиятини ташкил этади. Бизнес назаримизда, ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда ўқув дастурларига назарий ва амалий қисмларини бирлаштириб, таълим бериш жараёнида касбий фаолияти даврида учрайдиган ҳар хил вазиятларни киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган модулли технологияларни таҳлил қилиш бўйича халқаро тадқиқотлар натижалари ушбу дастурларнинг таълим муассасаси ва меҳнат бозори учун қуйидаги асосий афзалликларини аниқлади:

ўқув дастурларининг мақсад ва вазифаларини иш берувчилар талабига асосан аниқ шакллантириш имконияти;

ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг якуний натижага эришиш учун шахсий фаолият самарадорлиги ва жавобгарлигини ошириши;

асосий компетенцияларни комплекс шакллантириш;

машғулотларни иш берувчиларнинг иш муҳитига яқинлаштириш;

ўқувчиларни реал меҳнат фаолиятига тайёрлаш;

ўқув дастурларининг ўзгаришлар ва янги талабларга мослашувчанлигини ошириш;

таълим муассасасида касбий мадани-

ятни шакллантириш;

ўқув дастурларини ўзлаштириш сифатини баҳолаш учун стандарт, объектив ва шаффоф шароитларни яратиш.

Компетенциявий ёндашувга асосланган модулли технологиялар замон талабларига жавобан профессионал таълим тизимининг самарадорлигини таъминлайдиган асосий принципларга жавоб беради. Ушбу принциплар қуйидагича бўлиб, булар:

меҳнат бозори томонидан қўйилган талабларига жавоб бериш;

мослашувчанлик;

шаффофлик.

Компетенциявий ёндашувга асосланган модулли технологияларни яратиш ўз навбатида ўқув режалари ва дастурларини ҳам модулли технологиялар принципига асосан тайёрлашни талаб этади. Бундан ташқари, таълим жараёнини ташкил этишда реал касбий фаолиятга якинлаштириш ва шаклланган компетенцияларни баҳолаш бўйича янгича ёндашишни талаб этади. Бундай ёндашув намунасини World skills баҳолаш материаллари мисолида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув модулини ишлаб чиқиш учун аввал

ҳар қайси меҳнат фаолият турига тегишли компетенцияларни аниқлаш зарур бўлади. Компетенцияларни аниқлаш учун, биринчи навбатда, иш берувчилар билан бирга мутахассисларга қўйиладиган талаблар пухта ўрганиб чиқилиши лозим. Бунда, унинг фаолиятидаги меҳнат ҳаракатлари, функциялари ўрганилади ва шулардан келиб чиқиб, компетенциялар аниқланади. Ўқувчи ўзлаштириши зарур бўлган компетенцияларга асосан ўқув модуллари ишлаб чиқилади. Иш берувчиларнинг талаблари асосида ишлаб чиқилган модуллар орқали таълим олган мутахассисларнинг ишга жойлашишида иш берувчилар томонидан битирувчининг компетенцияларига эътирозлари бўлмади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаемизки, ўқув дастурларни тузишда модулли принцип қўлланилиши бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятида меҳнат функцияларини муваффақиятли бажаришга имкон берадиган муҳим компетенциялар гуруҳини алоҳида шакллантиришга шароит яратади. Бу ўз навбатида иш берувчилар талабларига мувофиқ профессионал таълим муассасаларида малакали мутахассисларни тайёрлаш имкониятини яратади.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошлангич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарор.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 17 октябрдаги “Касб-хунар мактабларида таълим жараёнини такомиллаштириш тўғрисида”ги 540-сон буйруғи
3. Ландшеер В. Концепция «минимальной компетентности»// Перспективы. Вопросы образования. – 1988. – Т. 1. – С. 32-38.
4. Олейникова О.Н., Муравьёва А.А. и др. “Модульные технологии: проектирование и разработка образовательных программ”. М. “Альфа-М”; “ИНФРА-М”, 2010 – 256 с.

Интернет сайтлари

<https://cyberleninka.ru/article/n/kompetentnostnyy-podhod-v-professionalnom-obrazovanii-1/viewer>

<http://marifat.uz/uchitel-uz/redakciya/3663.htm>

<https://www.itts.uz/news/118-isstudy>

<https://moluch.ru/conf/ped/archive/65/3148/>

<https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=273>

ЎҚУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

У.Х.МИНГБОЕВ - Жиззах вилояти ХТХҚТ ва УМО ҳудудий маркази,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Б.А.ИШТАЕВ - Жиззах давлат педагогика институти магистранти

Аннотация. Мазкур мақолада касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларининг коммуникатив компетенцияларини интерфаол методлар орқали шакллантириш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: Интеграция, интеграцион учлик, репродуктив, эвристик, интеракция, интерфаол, коммуникатив, компетенция.

Abstract. This article addresses the issue of shaping the communicative competencies of vocational school students through interactive methods.

Keywords: Integration, integration trinity, reproductive, heuristic, interaction, interactive, communicative, competence.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш вазифаси белгиланган. Бу эса ўз навбатида таълим олувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш асосан ўқувчиларнинг ўзаро таъсирлашувига, муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликнинг ҳақиқий касбий муҳитида бўлишига, касбий ўзини ўзи белгилашига асосланган фаолиятни рағбатлантирувчи таълим технологиялари ва ўқитиш методларининг қўлланилишига боғлиқ.

Таълим методларини И.Я.Лернер мажозий маънода “методологик воситалар” деб номлаган [6]. Касб-ҳунар таълими мазмунини ўзлаштириш, ўқувчиларда ижтимоий ва касбий тажрибалар тўпланиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир. Ўқитиш методлари таълим жараёнининг энг кўзгалувчи ва динамик элементи бўлиб, таълимнинг бо-

шқа жиҳатлари, яъни мақсадлари, мазмуни, ўқитишни ташкил этиш тамойиллари, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

А.А.Вербицкий ва А.П.Панфиловаларнинг ишларига таяниб, фаол ўқитиш методлари анъанавий ўқитиш методларининг модернизацияси бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз [2; 128]. Масалан, ўқитишнинг суҳбат методи репродуктив ва эвристик кўринишларда бўлиши мумкин. Интерфаол методларни тавсифлаб шуни таъкидлаш мумкинки, интерфаол (“интер” - ўзаро, “акт” - ҳаракатлар) методлар ўзаро таъсирлашув тартиби, суҳбат, икки томонлама ахборот алмашинувини назарда тутди. Бундан ташқари, агар фаол ўқитиш методлари ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида кенг миқёсдаги ўзаро алоқани ташкил қилиш билан боғлиқ бўлса, масалан, интерфаол методлар ўқувчиларнинг нафақат ўқитувчилардан ташқари, балки бир-бири билан, компьютер, интерфаол дарслик, дарслик билан ўзаро муносабатига қаратилган. Шундай қилиб, интерфаол ўқитиш методлари ўқувчиларнинг мулоқотига асосланган усулларнинг энг замонавий шакли сифатида қаралиши мумкин. Интерфаол ўқитиш методлари (муҳокамалар, ўйинлар, вазиятлар таҳлили ва бошқалар) ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида, мустақил ишни гуруҳда ва

жуфтликда ташкил қилади.

Интерфаол ўқитиш методларининг моҳиятини тушуниш мулоқот, мулоқот қилувчи шахслар ўртасида ўзаро таъсирлашуви жараёнини ташкил этиш, билимлар, ғоялар, ҳаракатлар алмашинуви сифатида “интеракция” тушунчаси билан боғлиқ. Бундай ҳолда, интеракция тескари алоқа циклига асосланади, унинг ўзига хослиги қабул қилувчи томонидан ўзлаштириш мазмунини ва шаклини танлаш имкониятига боғлиқ.

Психологик ва педагогик адабиётларнинг таҳлили интерфаол ўқитиш методлари билан боғлиқ тушунчалар соҳани кўп томонлама тушунишни англатади. Хусусан, М.В.Кларин “интерфаол ўқитиш” тушунчасини ўқувчилар янги тажриба орттириши учун ўқув муҳитида бевосита ўзаро таъсирлашувига асосланган ўқитиш сифатида асослайди [4].

Бироқ, бу тушунчалар турли талқинларга эга бўлсада, уларнинг қуйидаги асосий характеристикаларини ажратиб олиш мумкин: улар ўқитувчи раҳбарлик, ташкилий ва тузатиш функцияларни бажарадиган ўқувчи ва ўқув муҳити ўртасидаги педагогик мулоқотни шакллантириш йўллари тавсифлаб беради.

Биз ўз тадқиқотимизда “интерфаол ўқитиш методи”ни биргаликдаги фаолиятни таъминлайдиган ҳамда ўқув жараёни субъектлари сифатида ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасидаги шахслараро муносабатларнинг умумий ҳолатини яратувчи, келажак образи сифатида умумий мақсадлар, қадриятларни ва фаолиятни амалга оширадиган усуллар сифатида қараймиз. Бунинг натижасида, ўқув (касбий) вазифани ечадиган, позиция касбий умумийлик шакллантирилади. Интерфаол таълим методларини тавсифлаб, биз уни интерфаол ўқитиш, яъни “ўқитиш, мулоқотга ўргатиш” сифатида қараймиз. Бу диалог орқали билиш фаолиятини ташкил қилиш билан тавсифланади, унда ҳар бир ўқувчи билимларни, ғояларни фаолият усуллари билан алмашиш орқали муаммони ҳал қилишда алоҳида ҳисса қўшади. Маълумки, мулоқот “ўқитувчи – ўқувчи”, “ўқитувчи - ўқувчилар гуруҳи” йўналишлар бўйича анъанавий ўқитишда ҳам бўлиши

мумкин [5]. Интерфаол ўқитиш учун мулоқот “ўқувчи-ўқувчи” (жуфтликда ишлаш), “ўқувчи-гуруҳ”, “ўқувчи-аудитория”, “ўқувчи-компьютер” ва бошқа контекстларда кенгайди.

Коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланиш ўқувчиларни тайёр маълумот олувчидан керакли маълумотни мустақил излаб топиш ва ўзлаштири олишга ўзгартиради. Интерфаол ўқитиш методларини қўллашда ўқитувчининг роли мулоқотни ташкил қилувчи, маслаҳатчи ва экспертга айланади.

Таҳлиллардан шуни аниқлаш мумкинки, таълим жараёнида коммуникатив компетенцияни шакллантиришда интерфаол ўқитиш методларини танлаш қуйидагиларга боғлиқ: шахсий муносабатлар, ўқув муваффақиятларини эътиборга олган ҳолда машғулотларда гуруҳли ўзаро таъсирлашувини ташкил этиш; ўқув материалнинг мазмуни муаммони ўз ичига олиши, турли нуқтаи назарларга эга бўлиши, позицияларнинг номутаносиблиги, ўқувчилар учун воқеали характерда бўлиши; топшириқларни бажариш жараёни ўқувчиларнинг фикр алмашишлари, қадриятли нуқтаи назари, муаммоларни ҳал этишга илмий ёндашувлар асосида амалга оширилади [3; 70]. Буларнинг барчаси ўқитишнинг фаол субъекти бўлган ўқувчилар ўртасидаги ўзаро таъсирлашуви ва ҳамкорликни назарда тутди.

Интерфаол ўқитиш методларининг асосий хусусиятиларидан бири шундан иборатки, улар асосан касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда ривожлантирувчи мақсадга асосланган таълимий жараёнда қўлланилади.

Ўқувчиларни ўқитишда интерфаол ўқитиш методларини танлаш стратегияси, бизнинг фикримизча, коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда қуйидаги ҳаракатларни ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади: коммуникатив компетенцияларни шакллантиришда ўрганилаётган фаннинг ўрнини аниқлаш; ушбу фан воситалари орқали шаклланиши лозим бўлган аниқ кўникмаларни аниқлаш; коммуникатив компетенциялар шаклланидиган мавзуларни аниқлаш; ўқувчиларда коммуникатив

компетенцияларни шакллантириш учун интерфаол ўқитиш методлари имкониятларини аниқлаш [4].

Шундай қилиб, касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларида коммуникатив компетенцияни шакллантиришни таъминлайдиган интерфаол ўқитиш методларини тадқиқ қилиш ва асослашни ҳисобга олган ҳолда, биз томонимиздан аниқланган хусусиятларни қуйидагича ифодалаймиз: - ўқув жараёнида ўқувчининг фаол (субъектив) позицияси мавжудлиги; - ўқувчилар коммуникатив компетенцияни эгаллаши учун универсал бўлиб ҳисобланган услублар, алгоритмлар ва фаолият усулларини эгаллашни кўзда тутувчи, ўқув ва касбий масалаларни ечиш учун тайёрлигини таъминловчи фаолиятли билимларни фаоллаштириш (В.Зинченкога кўра “ҳаётий билим”); - интерфаол методлар доира характериغا эга бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади: муаммо - вазифа – диалогик ўзаро таъсирлашуви - ўқувчиларнинг мустақил фаолияти – рефлексия.

Интерфаол ўқитиш методлари комму-

никатив вазиятларни моделлаштириш, аниқ коммуникатив муаммо ечимини топиш ва қабул қилинган қарорларнинг натижаларини англаш, шахслараро мулоқот кўникмаларини қайта ишлашга, қайтар алоқани таъминлашга, фикр-мулоҳазаларини таҳрирлай билиш ва коммуникатив муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини топишларига имкон беради [7].

Ҳар бир метод ўз қўлланиш соҳаси ва чекланишларига эга. Агар интерфаол ўқитиш методлари тўғри танланса ва комбинацияланса, у ҳолда коммуникатив компетенцияларни янада самарали равишда шакллантириш мумкин.

Қуйида биз томонимиздан ишлаб чиқилган, яъни “Информатика ва ахборот технологиялари” дарсларини ташкил этиш жараёнида ўз самарасини берадиган “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кичик маъруза” ва “Ўқувчи ўқувчига, ўқитувчи ўқувчига ўргатади” методлар интеграцияси асосида шакллантирилган “Интеграцион учлик” методини кўриб чиқамиз (1-расм).



Метод ўқувчиларда кичик гуруҳда ва ҳамкорликда ишлаш, шахсий жавобгарлик ҳисси ҳамда коммуникатив компетенцияларни бир вақтда шаклланишига ёрдам беради. Ўқув материални юқори самарадорликда барча ўқувчи(талаба)лар томонидан 80-90 фоиз ўзлаштирилишини таъминлайди.

“Интеграцион учлик” методи самарадорлик кафолати бериладиган материални 4-5 дақиқали кичик маърузалардан иборат модулларга тақсимлашдан иборат. Маъруза равон, содда, тушунарли ва энг муҳим маълумотларни қамраб олиши, педагогнинг маҳорати мезонини белгилайди.

Методнинг қўлланиш кетма-кетлиги.

Ўқувчилар 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар ўзларига ном қўйиши ва сардор сайлаб олишлари мумкин. Гуруҳларнинг вазифалари ўқитувчининг маърузасини диққат билан тинглаш ва амалда бажариб бериш. Берилган вақтда берилган топшириқни тўлиқ бажара олиш тақдимотга тайёрланиш. Ўқитувчи гуруҳ аъзоларидан қайси ўқувчи тақдимот қилиб беришини танлаш ҳуқуқи ўзида қолишини алоҳида таъкидлайди. Гуруҳнинг ўқитувчи танлаган аъзоси матнни тўлиқ тиклаб берса 5 балл, жузъий камчиликларга йўл қўйилса 4 балл, камчиликларга йўл қўйса 3 балл, тақдимот қилиб бера олмаса 2 балл қўйилади (1 балл гуруҳнинг умумий иши кузатилганлиги асосида қўйилади, гарчи тақдимотга чиққан ўқувчи маълумот бера олмасада, берилган вақтда гуруҳ фаол ишлайди, мен гапирсам бўладими деган маънода қўл кўтарувчилар топилади, 6 кишининг умуман материални ўзлаштира олмаслиги тажрибада кузатилмади. Шунга қарамай гуруҳнинг тақдимотга чиққанидан бошқа аъзосига гапириб бериш ёки тўлдириб имконияти берилмайди.

Ўқитувчи кичик маъруза усулида биринчи модулни ўқувчиларга тақдим қилгач, модуллар сонидан келиб чиқиб, 3-4 дақиқа тайёрланиш учун ўқувчиларга вақт беради.

Ўқитувчи гуруҳлар ишини диққат билан кузатади. Айрим гуруҳларга ёрдам бериб юбориши ҳам мумкин. Гуруҳлар ишидаги ўзи сезган камчиликларни қайд этиб боради. Берилган вақт тугагач ўқитувчи кузатуви асосида бирор ўқувчидан тақдимот қилиб беришни илтимос қилади. Қолган гуруҳлар диққат билан тинглаб боришлари лозим, ўқитувчи истаган вақтида тақдимотни тўхтаиб, бошқа гуруҳ аъзосидан давом этказишни сўраши ҳам мумкин. Гуруҳлар иши баҳоланиб, электрон слайдга ёзиб қўйилади.

Шу тартибда иккинчи ва қолган модуллар ҳам тақдим этилиб, баҳоланиб борилади. Кейинги босқичларда ҳам ўқитувчи қайси гуруҳ иштирокчиси биринчи босқичда жавоб беришга қийналган бўлса, яна ўша ўқувчидан сўраши мумкин. Шу тариқа гуруҳ аъзолари шу ўқувчига кўпроқ ёрдам

беришга жалб қилинади. (Ўқитувчи гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳурмат билан муомала қилишларига жуда катта аҳамият беради. Бир иштирокчига қолган барча аъзолар эътироз билдирадиган бўлса, унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи аввало тўғри психологик муҳит ярата олиши зарур.)

Дарс якунида жами баллар ҳисобланиб ғолиб гуруҳ аниқланади. Қолган гуруҳлардаги энг фаол ўқувчилар ҳам баҳоланади. Ўқувчи фаол деб топилиши ва баҳоланиши учун унинг тақдимотга чиқиши шарт эмас. Машғулот давомида ўқитувчи кузатуви асосида гуруҳ фаолиятида, дўстларига ёрдам беришда фаол қатнашган ўқувчилар ҳам баҳоланиши зарур.

“Интеграцион учлик” методи афзалликлари:

1. 4-5 минутлик маърузани ўқувчи юқори диққат билан эшита олади;
 2. Маъруза матннинг моҳиятини тушуниб, англаш амалга оширилади;
 3. Маъруза ёки амалий топшириқ дарҳол мустаҳкамланади;
 4. Ўқувчиларга айтмасангиз ҳам қалам, дафтар олиб ёзишга киришиб кетадилар;
 5. Гуруҳ аъзолари ўзаро ёрдам бериб бир-бирларини ўқитадилар;
 6. Ўқувчилар бир-бирларини назорат қиладилар;
 7. Назорат қилиш мобайнида ҳам матнни ёки амалий топшириқни яна бир бор такрорлашларига тўғри келади;
 8. Юқори даражада кўп сонли ўқувчиларни баҳолаш имконини беради;
 9. Яхши ташкил этилган машғулотда 100 фоиз ўқувчи баҳоланади ва 100 фоиз самарадорлик таъминланади, яъни барча ўқувчи 4 ёки 5 баҳога материални ўзлаштиради;
 10. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришларида самара дарҳол сезилади, шу билан бирга ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциялари шаклланади ва фанга бўлган қизиқишлари ортади;
 11. Гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг фаол иштироки таъминланади.
- Ўқувчи ўқитувчини эшитади, ёзади, дўстларини эшитади, ўз фикрини билдира-

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И СТРАТЕГИЧЕСКОГО МЕНЕДЖМЕНТА В УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ

БАЙБАЕВА МУХАЙЁ ХУДАЙБЕРГЕНОВНА

кандидат педагогических наук, доцент кафедры “Педагогика и психологии” института переподготовки и повышения квалификации руководящих кадров и специалистов системы народного образования имени А.Авлоний.

Аннотация: В данной статье рассматриваются методологические аспекты управленческой деятельности и стратегического менеджмента в учебном заведении. А также специфика психолого-педагогического подхода к управлению. В статье рассматривается управление со стороны деятельности, интересов, поведения и взаимодействия определенных социальных групп, находящихся между собой в отношениях руководства – подчинения.

Ключевые слова: аспект, менеджмент, управлять, стратегия., деятельность, руководства

Resume: This article examines the methodological aspects of managerial activity and strategic management in an educational institution. And also the specifics of the psychological and pedagogical approach to management. The article examines management from the side of activities, interests, behavior and interaction of certain social groups that are among themselves in a leadership-subordination relationship.

Key words: aspect, management, control, strategy, activities, leadership

Понятие управления устойчиво вошло в обиход различных сфер знания. Английское слово «manage» (управлять) происходит от корня латинского слова «manus» (рука). Термин управления означал умение объезжать лошадей и управлять ими. В настоящее время говорится об управлении в материальных и духовных сферах, управлению подвержена также деятельность людей. Управление является объектом изучения многих дисциплин: социологии, психологии, педагогики, кибернетики, биологии, экономической теории и т.д.

Управление – неперенное внутреннее присущее свойство общества на любой ступени его развития. Это свойство носит всеобщий характер и вытекает из системной природы общества, из общественного количественного труда людей, из необходимости общаться в процессе труда и жизни, обмениваться примерами своей материальной и духовной работы. Управление возникает как необходимое условие для жизнедеятельности людей, решающих коллективно конкретные задачи. Управление рассматривается не только как деятельность, направленная на повышение эффективности

деятельности учебного заведения, но, прежде всего, как деятельность, обеспечивающая баланс интересов общества и данного учреждения, т.е. обеспечение своего рода равновесия между организационными, социально-педагогическими и социально-психологическими подходами к управлению [2, С. 78-81].

В науке термин «управление» трактуется с трех позиций:

Во-первых, управление определяется как деятельность (В.С.Лазарев, М.М.Поташник и др.) Во-вторых, управление рассматривается как воздействие систем друг на друга, одного человека на другого или группу (В.Г.Афанасьев, А.А.Орлов и др.). В-третьих, управление есть взаимодействие субъектов (Т.И.Шамова, В.И.Зверева и др.).

Управлять – это не значит подавлять и навязывать процессу ход, противоречащий его природе, а наоборот, максимально учитывать природу процесса, согласовывать каждое воздействие на процесс с его логикой. Процесс управления выступает одновременно как циклический и непрерывный, что создается одновременным и последо-

вательным выполнением многих циклов управления. По достижении какой-то цели ставится новая цель, и управленческий цикл повторяется. Цель – действие – результат – новая цель – такова схематичная картина непрерывного управленческого процесса, которая применима к научному и учебно-воспитательному процессам. В теории управления управленческая деятельность понимается как вид трудовой деятельности, обособившейся в процессе специализации управленческого труда.

Хорошее управление – это умение заглядывать в будущее, основанное на способности к систематическому анализу проблем, внедрение перспектив, выработка стратегии развития, прогнозирование результатов, предвидение последствий. Формирование навыков управленческого общения начинается с работы над собой, с познания своих природных и приобретенных способностей.

Управленческое общение – это средство информационно-коммуникативной психологической деятельности, процесс регуляции взаимоотношения преподавателя и учащихся посредством обмена знаниями и чувствами.

Можно выделить несколько уровней рассмотрения управленческой деятельности.

1. Управление в контексте системного подхода, предполагающее, что главным признаком управления является целесообразное воздействие на ту или иную систему. Подобный подход описывается в работах С.Бира, И.В.Блауберга, А.М.Волкова, Ю.В.Микадзе, Г.Н.Солнцева, В.С.Раппора, Э.Г.Юдина и др.

2. Управление с точки зрения ключевой функции. При этом в качестве ключевой функции берутся достаточно различные типы деятельности. Например, управление как процесс проектирования, запуска и реализации инноваций рассматривается в работах Б.Синто [3, С. 5-22]. На наш взгляд, попытка рассматривать управление как процесс реализации инноваций существенно сужает сферу применения термина «управление».

3. Третья группа подходов к управленческой деятельности является наиболее распространенной и представляет собой попытки рассмотреть управленческий процесс как набор линейных, т.е. лежащих на одном уровне управленческих функций. Одну из первых попыток рассмотреть таким образом управление предпринял А.Файоль, выделивший в рамках управления такие функции, как предвидение, организация, распоряительство, координация, контроль. В последствии подобный подход был осуществлен Дж. Харрингтоном, В.Ш.Рапортом, Р.Фалмером, М.Месконом, А.Дейнеко, П.М.Керженцевым, А.М.Омаровым, В.Н.Рысиной и др.

4. Четвертый подход состоит в попытках построить управленческую модель не на линейной, а на многоуровневой основе. Одна из первых попыток такого рода принадлежит Т. Парсонсу, выделившему три уровня руководства и организации: технический уровень, на котором реализуются ежедневные операции и действия; управленческий уровень, на котором осуществляется координация деятельности организаций; институционный (политический), где осуществляется разработка долгосрочных планов, реализуются отношения с внешней средой [5].

Менеджмент – современная система управления предприятием, действующая в условиях рыночной экономики. Термин «менеджмент» является аналогом термина «управление», его синонимом. Однако есть отличие. Управление относится к живой и неживой сфере. Например, управление техникой, биологическими процессами, государством, т.е. управление является более широким понятием. Менеджмент, прежде всего, применяется в управлении социально-экономическими системами. Процесс управления (менеджмент) имеет четыре взаимосвязанные функции: планирование, организация, мотивация и контроль. [4]. Эти функции реализуются на всех уровнях управления (высший, средний и нижний уровни) и во всех видах деятельности организации. Содержание этих функций и сложность управленческой деятельности

на каждом уровне управления определяется конкретным перечнем задач, их спецификой и объемом. Функция планирования может быть определена как способ, с помощью которого руководство обеспечивает единое скоординированное направление усилий всех сотрудников на достижение общих целей организации (включая и формулирование самих целей). Управленческая деятельность и менеджмент в системе образования личности. Функция организации представляет вид управленческой деятельности, направленной на обеспечение нормального функционирования организации в соответствии с определенным планом достижения желаемого результата. Она обеспечивает координацию деятельности всех подразделений и сотрудников организации для достижения поставленных целей. Функция контроля в управлении реализуется как процесс, посредством которого руководство организации удерживает ее на запланированной траектории достижения целей, получая информацию о текущих результатах деятельности и устраняя выявленные отклонения от установленных показателей. Функция мотивации предусматривает действия, направленные на то, чтобы побудить всех сотрудников организации к результативной деятельности для достижения ее целей. Приведенные функции управления находятся в тесной взаимосвязи: функция планирования взаимодействует с функциями организации и контроля, функция организации, в свою очередь, тесно связана с функциями планирования, контроля, мотивации.

Функцией в менеджменте называют особый вид управленческой деятельности, с помощью которой субъект управления воздействует на управляемый объект. Основными функциями менеджмента являются:

планирование, организация, мотивация и контроль. Функция менеджмента отражает содержание процесса управления, вид управленческой деятельности, совокупность обязанностей управляющей подсистемы (субъекта управления). Конечным результатом управления является выработ-

ка управленческого воздействия, команды, приказа, направленных на достижение поставленной цели. Один работник может выполнять несколько функций, несколько работников могут выполнять одну функцию. Каждая функция менеджмента представляет собой сферу действия определенного процесса управления, а система управления конкретным объектом или видом деятельности – это совокупность функций, связанных единым управленческим циклом.

Стратегический менеджмент – это программный способ мышления и управления, обеспечивающий согласование целей, возможностей организации и интересов работников. Сегодня область применения стратегического менеджмента чрезвычайно многообразна. Он дает огромные преимущества организациям, функционирующим в различных сферах жизнедеятельности современного общества. Эти преимущества заключаются в рациональном использовании ограниченных ресурсов и времени [1, С. 34-43]. Очевидно, что государственные учебные заведения принципиально отличаются от коммерческих. Однако, как нам кажется, они смогут существенно повысить эффективность своей деятельности, если примут на вооружение инструментарий стратегического менеджмента. По мнению ряда исследователей, сущность стратегического менеджмента заключается в ответе на три важнейших вопроса: где сейчас находится организация; в каком направлении, по мнению высшего руководства, она должна развиваться в будущем; как она собирается попасть в то положение, где ее хочет видеть руководство. Этим вопросам соответствуют три основные фазы стратегического менеджмента: стратегический анализ, стратегический выбор (или собственно стратегическое планирование) и реализация стратегии.

Надежным элементом идеологической базы формирования высшего учебного заведения является концепция корпоративной миссии. Нет сомнений, что хорошо разработанная миссия вуза является важным элементом эффективного стратегического менеджмента. Обычно миссия включает общие ценности и принципы организации;

определение деятельности, которая служит удовлетворению конкретных потребностей, обслуживанию избранных сегментов рынка; требования и интересы заинтересованных сторон работников (акционеров, потребителей, общественных организаций и др.); отношение к росту, децентрализации, инновациям и пр. [6].

Глобальной предпосылкой успешной разработки стратегии управления является правильное определение целей. Лишь зная цели, можно искать пути и средства их реализации. Установление целей переводит стратегическое видение в конкретные задачи, связанные с деятельностью организации. Выработка конкретных целей для каждого направления деятельности вуза, безусловно, будет способствовать его успешной деятельности в условиях конкуренции. [8].

Предлагается следующий состав общих стратегических целей государственных вузов: обеспечение экономической безопасности вузов в рыночных условиях хозяйствования; сохранение и развитие научного потенциала вузов; трансформация содержания образования и структуры подготовки специалистов в соответствии с потребностями рынка труда; обеспечение высокого качества образования на основе реализации в вузах концепции тотального управления качеством; создание экономических механизмов взаимовыгодной интеграции сферы высшего профессионального образования с потенциальными потребителями научно-технических знаний и работодателями.

Частные цели формируются по каждому направлению деятельности вуза. Чтобы сформулированные частные цели имели управленческую ценность, они должны быть совершенно конкретно сформулированы, желательно с использованием количественных показателей. Очевидно, что частные цели чрезвычайно специфичны и не могут быть автоматически перенесены из одного вуза в другой. Существует достаточно много определений стратегии, но в принципе их можно свести к одному – как установленной на достаточно длительный

период совокупности норм, ориентиров, направлений, способов и правил деятельности, обеспечивающих рост и высокую конкурентную способность организации, укрепляющих позиции на рынке, повышающих способность к выживанию в конкретной ситуации [7].

Стратегии разрабатываются с целью реализации миссии и целей организации. Существует точка зрения, согласно которой процесс разработки стратегии может развиваться по одному из трех направлений: формализованный планируемый процесс, когда стратегия ориентируется на достижение четко выраженных целей; авторитарный процесс, при котором формирование стратегии обусловлено волевыми решениями первого лица организации; адаптивный процесс, когда стратегия формируется в результате последовательных решений путем компромиссов и соглашений между менеджерами, стремящимися к достижению своих целей.

Подобная перестройка предполагает децентрализацию управления и предоставление относительной оперативной и финансовой самостоятельности отдельным подразделениям. Такой тип управления характерен для дивизиональных структур, где за центральной администрацией остаются функции разработки стратегии развития и жесткого контроля по общекорпоративным вопросам, а часть или даже все «штабные» функции (планирование, учет, финансовое управление и др.) передаются подразделениям. В результате управленческие ресурсы верхнего эшелона высвобождаются для решения стратегических задач. Основной проблемой руководства вуза является обеспечение контроля за соответствием тенденций развития подразделений стратегическим задачам учебного заведения, а также согласование интересов отдельных подразделений.

В условиях высокой динамичности процессов, протекающих на рынке труда, чрезвычайно важным представляется постоянный мониторинг потребности субъектов в услугах высшего профессионального образования. [8].

Основными задачами мониторинга являются: изучение тенденций развития экономики и влияния международного рынка труда; анализ ситуации в сфере кадрового обеспечения предприятий и организаций региона и тенденций в изменении требова-

ний к квалификации персонала; исследование спроса потенциальных субъектов на образовательные услуги; изучение рынка труда и рынка образовательных услуг, разработка механизмов их взаимодействия [9].

Использованная литература:

1. Абдрахманова, Г.С. Диагностический подход к оценке эффективности управления современной школой: Дис. на соиск.уч.ст. к.п.н. – Казань. – 1997. – 185 с.
2. Абчук, В.А. Директорский хлеб / В.А. Абчук. – Л., 2001.- 184 с.
3. Аникеева, Н.П. Психологический климат в коллективе / Н.П. Аникеева. – М.: Просвещение, 1989. – 224 с.
4. Веснин, В.Р. Основы менеджмента: учебник / В.Р. Веснин. – М., 2006. – 267 с.
5. Раппорт, В.Ш. Диагностика управления / В.Ш. Раппорт. – М., 2001. – 278 с.
6. Смолкин, А.М. Менеджмент: основы организации // Учебник / Отв. Редактор С.М. Рыловский. – М.: ИНФРА, 2004.– 235 с.
7. Тейлор, Ф. Принципы научного менеджмента / Ф. Тейлор. Перс англ. – М: Контроллинг, 2007. – 318 с.
8. Шакуров, Р.Х. Психология руководства педагогическим коллективом. – М.: «Издательство Магистр», 1995. – 184 с.
9. Шакуров, Р.Х. Социально-психологические основы управления: руководство и педагогический коллектив. – М.: Просвещение, 1990.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ

ЖАЛИЛОВ ЭРКИН ЭРГАШЕВИЧ

ТерДУ ўқитувчи

Аннотация. Мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув фаолияти ва ишлаб чиқариш амалиётини интеграциялашувнинг хусусий жиҳати, айнан олганда эса бўлажак мутахассисларнинг ўқув фаолиятини ва ишлаб чиқариш амалиётининг интеграциялашуви кўриб чиқилган. Бундай интеграциялашув олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув фаолияти ва ишлаб чиқариш амалиётининг ўзаро боғлиқликлари ҳамда ўзаро тўлдирувчанлигидир.

Калит сўзлар: касб таълими, ўқув фаолияти, амалиёт, лойиҳалаш, интеграция, когнитив харита, коммуникатив, тизим, мотив, натижа.

Аннотации. В статье рассматривается особый аспект интеграции образовательной деятельности и стажировок в процесс подготовки будущих учителей профессионального образования, в частности интеграция образовательной деятельности и стажировок будущих специалистов. Такая интеграция - это взаимозависимость и взаимодополняемость образовательной деятельности и стажировок студентов, обучающихся в системе высшего образования.

Ключевые слова: профессиональная подготовка, учебная деятельность, практика, дизайн, интеграция, когнитивная карта, коммуникатив, система, мотив, результат.

Annotation. The article deals with a special aspect of the integration of educational activities and internships in the process of training future teachers of vocational education, in particular, the integration of educational activities and internships of future professionals. Such integration is the interdependence and complementarity of the educational activities and internships of students studying in higher education.

Key words: vocational training, learning activities, practice, design, integration, cognitive map, communicative, system, motive, result.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик ва техник билимлар интеграцияси бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилган. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини оширишда оптималлаштирилган лойиҳалаш, ташкилий, коммуникатив, баҳолаш-аналитик ва гностик компонентлари мазмунидан ва эксперт баҳолаш мезонларининг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

“Интеграция” тушунчасини педагогик нуқтаи-назардан кўриб чиқамиз. Интеграциялашув жараёни (лотинча *integratio* – бирлашиш, тикланиш) тизимнинг илгари тарқоқ бўлган қисмларини уларнинг ўзаро алоқадорликлари ва ўзаро тўлдирувчанлиги асосида ягона яхлит нарсага бирлаштиришни

намоён қилади. Интеграция мураккаб фанлараро илмий тушунча бўлиб саналиб, бир қатор гуманитар фанлар соҳасида – фалсафа, социология, психология, педагогика ва шу каби фан соҳаларида қўлланилади. Педагогикада интеграциялашув муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли хил жиҳатлардан олиб қаралади. В.В.Краевский[1], Н.Ф.Тализина[2] каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида педагогиканинг фалсафа ва психология каби бошқа фанлар билан интеграциялашуви масалалари кўриб чиқилган. В.С.Леднёв[3] таълим мазмунидаги интеграциялашув йўллари очиб берган.

Интеграциялашув жараёнининг моҳияти – бу тизимга кирувчи ҳар бир элемент ичидаги сифат қайта ўзгаришларидир. Ишда биз интеграциялашувнинг хусусий жиҳатини, айнан олганда эса бўлажак мутахассисларнинг ўқув фаолиятини ва ишлаб

чиқариш амалиётининг интеграциялашуви кўриб чиқиб, бундай интеграциялашув деганда олий таълим муассасасида таҳсил олишлари жараёнида талабаларнинг ўқув фаолияти ва ишлаб чиқариш амалиётининг ўзаро боғлиқликлари ҳамда ўзаро тўлдирувчанлигини тушунамиз.

Когнитив таҳлил асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув фаолияти ва ишлаб чиқариш амалиётининг интеграциялашуви жараёнини баён қилиб ўтамиз. Когнитив таҳлил ва моделлаштириш технологияси асосида объект ҳақида ва унинг учун ташқи бўлган муҳит ҳақидаги билимларни когнитив (билишга доир-мақсадли) тузилмалаш ётади, бунинг устига бунда объект ва ташқи муҳит ноаниқ чегараланган бўлади. Мана шундай тарзда тузилмалашнинг мақсади объект ва унга ташқи бўлган муҳитнинг ўзаро ҳаракатлари-таъсир кўрсатишларидаги чегаравий қатламни тавсифловчи энг аҳамиятли (базисли) омилларни аниқлашдан ва улар орасидаги сифат (сабаб-оқибат) алоқадорликларини белгилашдан, яъни, омиллар бир-бирларига уларнинг ўзгаришлари давомида қандай ўзаро таъсирларни кўрсатишини аниқлашдан иборат бўлади. Омилларнинг ўзаро таъсирлашувлари когнитив харита (модель) ёрдамида акс эттирилиб, бу харита белгили (тортилган) тахминий графни намоён қилади. Когнитив харита фақат омилларнинг бир-бирига таъсири мавжудлиги далилинигина акс эттиради. Бу харитада бундай таъсирларнинг на синчиклаб кўриб чиқиладиган хусусиятлари, на вазият ўзгаришига қараб таъсирларнинг ўзгариши динамикаси, на омилларнинг ўзларининг вақт бўйича ўзгариши акс этмайди. Айтиш мумкинки, когнитив харита – бу одам томондан атроф-борлиқнинг бир қисмини англаб етишидаги субъектив модель бўлиб, бу модель ёрдамида одам мана шу қисмнинг қонуниятларини уларнинг атрофлича тавсифига кўмилмасдан англаб етиши мумкин бўлади, чунки бунда улар умумий тасвири мураккаблаштириши ва англаб етишни қийинлаштириши мумкин.

“Ўқув фаолияти - бу ўқув ҳаракатларининг умумлаштирилган усуллари эгаллаш

ва ўқув вазифаларини бажариш жараёнида ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича субъектнинг фаолиятидир”. Ўқув фаолиятининг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатамиз:

- ўқув материалларини ўзлаштиришга ва ўқув вазифаларини бажаришга йўналтирилганлик;

- ҳаракатлар ва илмий тушунчаларнинг умумий усуллари эгаллаш;

- вазифаларнинг ечилишига олиб келадиган ҳаракатларнинг умумий усуллари;

- фаолият субъектидаги ўзгаришларнинг қонуниятлиги;

- таълим олувчи хулқ-атвори ва психик хоссаларининг ўзгариши.

Ўқув фаолияти маълум бир тузилмага ва мазмунга эга бўлади. ўқув фаолияти мазмунининг таҳлили унинг предметини - билимларни ўзлаштириш; ҳаракатларнинг умумлаштирилган усуллари эгаллаш; ўзлаштирилиши жараёнида таълим олувчининг ўзи ривожланиб борадиган ҳаракатларнинг усуллари ва услубларини, уларнинг дастурларини, алгоритмларини пишитиб олишни аниқлашдан бошланади. Ўқув фаолияти ўзлаштириш билан бир хилда эмас, у субъектнинг ўзининг ўзгаришига йўналтирилади; ўзлаштириш эса унинг субъектининг интеллектуаль ва шахсий ўзгаришига воситачилик қилади, бу ҳам ўз навбатида ўқув фаолияти таркибига киради. Ўқув фаолиятининг муваффақиятлиги таълим олувчи қанчалик унинг субъектига айлана олишига ва ундан қандай ўзгаришлар пайдо бўлишига боғлиқ бўлади. Мазкур жиҳатдан олиб қараганда гап бу ерда ўқув фаолиятининг ички томони ҳақида боради.

Ўқув фаолиятининг воситаларига қуйидагилар киритилади:

- ўқув фаолиятининг билишга доир ва тадқиқотчилик функциялари (синтез, таҳлил, умумлаштириш, таснифлаш ва ҳ.к.) асосида ётувчи фикрлаш операциялари;

- белгили (тилли) вербаль воситалар, улар ёрдамида билимлар ўзлаштирилади, индивидуаль тажриба рефлексияланади ва такрор ҳосил қилинади;

- фонли билимлар, улар янги билимларнинг киритилиши орқали ўқувчининг индивидуаль тажрибалари тузилмаланади.

Усул – бу қандай ўқиш, янги билимларни қандай қилиб ўзлаштириш-эгаллаш ҳақидаги саволга жавобдир. Усулнинг энг кенг тавсифи ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясида тақдим этилган (Н.Ф.Тализина[2]). Ўқув фаолиятининг маҳсули бўлиб тузилмаган ва долзарблаштирилган билим, шунингдек, таълим олувчининг психикасида ва фаолиятидаги янги ички ҳосилалар (мотивацион, қадриятли, мазмун ҳосил қилувчи) пайдо бўлиши ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг маҳсули индивидуаль тажрибага органик равишда бирикиб кетади. Унинг тузилмавий ташкил этилиши, тизимлилиги, чуқурлиги, мустақамлигига кўп жиҳатдан кишининг кейинги фаолияти, унинг мулоқотининг муваффақиятлилиги, касбий фаолиятининг сермаҳсуллиги боғлиқ бўлади.

Ўқув фаолиятининг ташқи тузилмасига мурожаат қилиш билан В.А.Сластенин унинг қуйидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатади:

- мақсад;
- мотивлар;
- ўқув ҳаракатлари (операциялари);
- натижа[4].

Ўқув фаолияти мақсади – бу режалаштирилган натижа бўлиб, унга эришиш учун таълим жараёнининг барча кучлари йўналтирилади. Ўқув фаолиятининг мақсади бўлиб таълим олувчининг ривожлантирилиши ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг шакллантирилган умумий мақсади доимий равишда конкретлаштириб борилади, яратилган шарт-шароитлар, ўқув фаолияти иштирокчиларининг имкониятлари билан таққосланади; мақсад бир қатор конкрет вазифалар тизимига ажралади. Ўқув вазифаси – бу ўқув фаолиятининг мақсади бўлиб, у конкрет шарт-шароитларда белгиланади ёки берилади.

Мотив – бу кишининг ички ҳаракатга келтирувчи, ундовчи кучи бўлиб, у кишини у ёки бу фаолият билан шуғулланишга мажбур қилади (ундайди). Мотив таълим олувчининг ўз фаолияти предметиға муносабати, бу фаолиятға йўналтирилганлик сифатида таърифланиши ҳам мумкиндир[5]. Мотив бўлиб, эҳтиёжлар ва манфаатлар,

интилишлар ва эмоциялар, йўл-йўриқлар ва идеаллар ўртага чиқади. Педагог фаолиятини назарда тутган ҳолда ўқитиш мотивацияси ҳақида сўз боради, бунда таълим олувчининг позициясидан туриб ўқиш-таҳсил олиш мотивацияси ҳақида гапириш ўринлидир. Мотивация шахс ҳолати ва муносабатларининг ўзгариши жараёни сифатида мотивларға таянади. Мотивация нафақат ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий тузилмавий компоненти бўлиб, балки бу фаолият субъектининг ўзининг сезиларли тавсифи бўлиб ҳам саналади. Мотивация фаолиятға нисбатан ички ёки ташқи бўлиши мумкин, лекин у ҳар доим шахснинг бу фаолият субъекти сифатидаги ички тавсифи бўлиб қолаверади.

Ўқув фаолияти – бу бир-бири билан органик равишда боғлиқ бўлган ҳаракатлар тизими бўлиб, улар маълум бир мантиқда жойлашади. Мақсадлар вазифаларға бўлинганидек йирик ҳаракат ҳам ҳаракатлар тизими иерархиясининг ҳар хилдаги даражаларига ўтиб бориш билан нисбатан қуйи тартибдаги ҳаракатларға тақсимланади.

Натижа – бу ўқув фаолиятида таълим олувчи эришадиган натижадир. Натижалар фаолият мақсадларига мос келмай қолиши ҳам мумкин; ўқув фаолиятининг мақсади ва унинг натижаси ўзаро мос келиши учун ўқув фаолиятининг ҳолатининг кетма-кетликда ўрганиш, уни ташкил этишға ва бошқаришға ижодкорона ёндашиш зарурдир. Берилган шарт-шароитларда оптималь мумкин бўлган натижаға эришиш учун ўқув фаолиятини бошқариш жараёнини ижодий жараён сифатидаги педагогик ижодкорлик категориялари билан олиб қараш лозим бўлади.

Олий таълим муассасасида ўқишнинг биринчи босқичида алоҳида диққат ўқув материалларини ўрганишға ёрдам берадиган фикрлаш усулларининг ривожлантирилишиға қаратилади. Талабалар бунда ўқув, методик ва илмий адабиётлар билан ишлашға; режа, коснрект, рефератларни тузишға, ўқиб чиқилган матеариллар бўйича тузилмавий-мантиқий мавзуларни тузишға ўргатилади. Бунинг натижасида талабаларда ўзини-ўзи назорат қилиш ва ўзаро бир-бирларини назорат қилиш кўникмалари

шаклланади. Олий таълим муассасасида таълим олишнинг биринчи босқичида минимал билишга доир мустақиллик шаклланади. Иккинчи босқичда талабалар касбий йўналишдаги ўқув фанларини ўрганиш методикасини ўргана бошлайдилар, бу талабаларда методик билимлар ва маҳоратнинг шакллантирилиши бўйича мақсадга қаратилган ишларни олиб боришга имкон беради. Бу босқичда талабалар билишга доир мустақилликнинг ривожланишидаги мажбурий даражага эришадилар. Учинчи босқичда талабалар фаолиятида мустақиллик тобора кўпроқ намоён бўла боради, бунда фақат айрим ҳолатлардагина талабалар ўқитувчининг кўмагига мурожаат қилдилар, яъни, бу босқичда талабалар тўлиқ билишга доир мустақилликка эришишлари лозим бўлади”.

Талабаларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ўқув фаолиятининг бир қисми бўлиб саналади. “Амалиёт – бўлажак касбий фаолият билан боғлиқ бўлган маълум бир турдаги ишларни бажариш жараёнида амалий кўникмалар ва компетенцияларни шакллантиришга, мустаҳкамлашга, ривожлантиришга йўналтирилаётган ўқув фаолияти туридир”. Амалиётлар ҳаракатларни интериоризациялашнинг ўз соҳасига эга бўлади – бу бўлажак касбий фаолиятнинг реал шарт-шароитларида ўқув материалларини такрор ҳосил қилишга қаратилган ҳаракатлардир[6].

Интериоризация (французчадаги *interiorisation* — ташқаридан ичкарига кириш ва лотинчадаги *interior*-ички) ташқи ижтимоий фаолиятни ўзлаштириш, ҳаёт тажрибаларини эгаллаш, психик функцияларнинг юзага келиши ва умуман ривожланиш воситасида киши психикасининг ички тузилмаларини шакллантиришдир.

Анъанавий тарзда ўқув фаолиятининг асосий турларига талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги ишларини киритадилар. Амалиётлар гарча, ўқув амалиёти кўпинча аудиториядаги машғулотлар кўринишида ташкил этилсада, лектин аудиториядан ташқаридаги ишларга киритилади.

Биз талабаларнинг ишлаб чиқариш ама-

лиятини уларнинг ўқув фаолиятидаги барча турлари, айнан олганда эса – аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги ишлар билан талабаларнинг мустақил ишлари (ТМИ) ва талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишлари (ТИТИ) шаклида интеграцияси кучайтирилишини таклиф этамиз(1-расм).

Лойиҳавий –конструкторлик:

- техноген ва антропоген таъсирлардан кишиларни ҳимоялаш ва хавфсизликни таъминлаш воситаларини яратиш, хавфсизлик масалалари билан боғлиқ бўлган лойиҳалар бўлимларини ишлаб чиқиш соҳасида жамоа таркибида лойиҳалаштириш ишларида иштирок этиш, ўртача мураккаблик даражасидаги алоҳида лойиҳаларни мустақил ишлаб чиқиш;

- корхонадаги хавфлилик манбаларини идентификациялаш, хавфлилик даражаларини белгилаш;

- юқори техноген таваккаллар ҳудудларини белгилаш;

- ЭХМни қўллаш билан ишлаб чиқилган буюмлар ва қурилмаларнинг лойиҳавий-конструкторлик ҳужжатларини тайёрлаш;

- инвестициялар ва лойиҳаларнинг асосланишини тайёрлашда хавфсизлик талабларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- ҳудудларни табиий ва техноген фавқулодда вазиятларда ҳимоялаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни ҳамда қутқариш воситаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Сервис-эксплуатацион:

- ҳимоя ва хавфсизликни назорат қилиш воситаларини эксплуатация қилиш;

- кишиларни ва яшаш муҳитини ҳимоялаш ҳамда конкрет шарт-шароитларга нисбатан фавқулодда вазиятларни бартавраф этишнинг маълум методлари (тизимлари)ни танлаб олиш;

- хавфсизлик бўйича йўриқномаларни тузиб чиқиш.

Ташкилий-бошқарувчилик:

- ишчи-хизматчилар ва ходимларни хавфсизлик талабларига ўқитиш;

- корхона даражасида кишиларни ва яшаш муҳитини ҳимоялаш бўйича фаолиятда, шунингдек, фавқулодда вазиятларда

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ ЭТИКА ВА ЭТИКЕТ МАСАЛАЛАРИ

Ҳ.С.СИРОЖИДИНОВ
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, Давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий этишни ташкил этиш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: инновация, компетенция, рақобат, рақобатбардош, мотивация, махсус, компетентлик, метод.

Аннотация. Данная статья посвящена задачам обеспечения непрерывности и целенаправленности обучения в профессиональных колледжах, создание современной методологии, усовершенствование Государственных образовательных стандартов профессионального образования на основе компетентностного подхода, в статье так же рассмотрены проблемы использования информационно - коммуникационных технологий и их внедрение в разработку методических комплексов нового поколения.

Ключевые слова: инновация, компетентность, конкуренция, конкурентоспособный, мотивация, специальный, компетентность, метод.

Annotation. This article discusses the creation of a modern methodology for ensuring continuity and consistency in vocational colleges and the use of information and communication technologies in the development of new generation of teaching methodologies for improving vocational education based on a competence approach.

Key words: innovation, competence, competition, competitive, motivation, special, competence, method.

Жаҳон миқёсида амалга оширилаётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда ривожланиши, халқаро меҳнат бозорини глобаллашуви профессионал таълим соҳасида замонавий меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувни ҳамда таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш вазифасини кўяди. Хусусан, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Барча учун кенг қамровли ва сифатли таълимни таъминлаш” каби долзарб вазифалар белгиланди. Жумладан, компетентли ёндашув асосида профессионал таълим соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда инновацион таълим методларини яратиш, ўзлаштириш ва касбий компетентликни ривожлантирувчи педагогик жараёнларни ташкил этиш муам-

мосини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган замонавий иқтисодиёт, иш берувчи талабларини ортиб бориши, техника ва технологияларни кун сайин ривожланиб бориши, ахборотлашган жамиятни шаклланиши ҳамда профессионал таълим тизимида вужудга келган муаммолар профессионал таълимда мутахассисларни тайёрлаш жараёнига юқори талаблар қўймоқда. Илмий ва техник тараққиёт давомида турли касбларга нисбатан талаблар (масалан, иш жараёнларининг мураккаблашиши, янги технологияларни кириб келиши натижасида) ошиб боради. Бунинг натижасида профессионал таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш, ўзгартириш ва мувофиқлаштириш талаб қилинади. Бугунги кунда таълим мазмунига, ўқитиш услубиятига, амалий таълимга талаб мут-

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

А.А.КАРИМОВ

Турин политехника университети проректори

Аннотация. Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, Давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий этишни ташкил этиш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: инновация, компетенция, рақобат, рақобатбардош, мотивация, махсус, компетентлик, метод.

Аннотация. Данная статья посвящена задачам обеспечения непрерывности и целенаправленности обучения в профессиональных колледжах, создание современной методологии, усовершенствование Государственных образовательных стандартов профессионального образования на основе компетентностного подхода, в статье так же рассмотрены проблемы использования информационно - коммуникационных технологий и их внедрение в разработку методических комплексов нового поколения.

Ключевые слова: инновация, компетентность, конкуренция, конкурентоспособный, мотивация, специальный, компетентность, метод.

Annotation. This article discusses the creation of a modern methodology for ensuring continuity and consistency in vocational colleges and the use of information and communication technologies in the development of new generation of teaching methodologies for improving vocational education based on a competence approach.

Key words: innovation, competence, competition, competitive, motivation, special, competence, method.

Жаҳон миқёсида амалга оширилаётган чуқур иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда ривожланиши, халқаро меҳнат бозорини глобаллашуви профессионал таълим соҳасида замонавий меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувни ҳамда таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш вазифасини кўяди. Хусусан, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Барча учун кенг қамровли ва сифатли таълимни таъминлаш” каби долзарб вазифалар белгиланди. Жумладан, компетентли ёндашув асосида профессионал таълим соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда инновацион таълим методларини яратиш, ўзлаштириш ва касбий компетентликни ривожлантирувчи педагогик жараёнларни ташкил этиш муам-

мосини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган замонавий иқтисодиёт, иш берувчи талабларини ортиб бориши, техника ва технологияларни кун сайин ривожланиб бориши, ахборотлашган жамиятни шаклланиши ҳамда профессионал таълим тизимида вужудга келган муаммолар профессионал таълимда мутахассисларни тайёрлаш жараёнига юқори талаблар қўймоқда. Илмий ва техник тараққиёт давомида турли касбларга нисбатан талаблар (масалан, иш жараёнларининг мураккаблашиши, янги технологияларни кириб келиши натижасида) ошиб боради. Бунинг натижасида профессионал таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш, ўзгартириш ва мувофиқлаштириш талаб қилинади. Бугунги кунда таълим мазмунига, ўқитиш услубиятига, амалий таълимга талаб мутлақо

ўзгарганлиги боис профессионал таълимни ислоҳ қилиш долзарб масаларлардан бирига айланди.

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда таълим тизими муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг кенгайиши рақобатбардош кадрларга бўлган талабнинг кескин ўсишига олиб келди. Истеъмолчи таълим хизматлари мазмуни ва сифатини танлар экан, эгаллаган маълумоти, касбий тайёргарлиги меҳнат бозорида ва меҳнат фаолияти жараёнида қанчалик кераклилигига ҳамда муҳимлигига эътибор қаратади. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш таълим тизимида мавжуд горизонтал ва вертикал муносабатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Таълим соҳасининг иқтисодиёт билан интеграциялашуви асосида бозор муносабатларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини тасвирловчи “рақобат”, “рақобатбардошлик”, “рақобатбардош мутахассис”, “рақобатбардош кадр”, “таълим хизмати”, “таълим хизмати бозори”, “истеъмолчи”, “мижоз” каби иқтисодий атама-лар пайдо бўлди.

Рақобатбардош мутахассис – бу касбий компетенция, умумий ва касбий маданиятга эга бўлган, меҳнат бозорида доимо талабгир бўла оладиган, ижтимоий-касбий вазифаларини муваффақиятли ва сифатли бажара оладиган, рақобатбардош меҳнат бозори муҳитида фаолият кўрсатишга ва мослаша олишга тайёр бўлган профессионал таълим муассасаси битирувчиси.

Профессионал таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш мутахассислар тайёрлаш сифатини сифат жиҳатдан ўзгартиришга олиб келади. Бошқача айтганда, компетенциявий ёндашувдан асосий мақсад умумий ва махсус компетенцияларни тўлиқ эгалланган, ўз соҳасининг етук (компетентли) мутахассисни шакллантиришдир. Бу эса, ўз навбатида, профессионал таълим муассасалари таълимий фаолиятининг асосий натижаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, республикамизда

профессионал таълим тизимини ислоҳ қилишга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Профессионал таълим муассасаларида умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, замонавий методологиясини яратиш, профессионал таълим давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув–методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни ташкил этиш устивор вазифалар сифатида эътироф этилмоқда. Кўплаб Ғарбий Европа мамлакатларининг профессионал таълим тизимида “компетенциялар асосида ўқитиш” ифодаси қабул қилинган. Умумий Европа TUING лойиҳасида компетенциялар ва кўникмалар тушунчалари билиш ва тушуниш (академик соҳанинг назарий билими, билиш ва тушуниш қобилияти), нима қилиш ва қандай қилиш кераклигини билиш сифатида талқин этилади. Умумий компетенциялар уч гуруҳга ажратилади: инструментал (билиш қобилияти, ғояларни тушуниш ва улардан фойдаланиш, тасаввур қилиш қобилияти, методологик қобилият, атроф–муҳитни тушуниш, вақтдан унумли фойдаланиш, мустақил қарор қарор қабул қилиш, техникадан фойдаланиш, компьютер ва ахборотни бошқариш кўникмалари, коммуникатив кўникмалар), шахслараро (ўзининг ҳиссиётлари ва муносабатларини ифода қилиш, танқидий мулоҳаза юритиш, ижтимоий кўникмалар, жамоада келишиб ишлаш билиш) ва тизимли (ўз ичига бир–бири билан яхлитликнинг бир қисми сифатида муносабатда бўлиш, тизимдаги ҳар бир компонентнинг ўрнини баҳолаш олиш, тизимни такомиллаштириш мақсадида ўзгартиришларни олдиндан режалаштириш ва янги тизимни конструкциялаш қобилиятини қамраб олади) компетенциялар.

Давлат таълим стандартининг асосий компоненти профессионал таълимда аниқ касбни ифода қилишчи ва ўқитишнинг муддатлари ва шакллари тартибга солувчи кўрсаткичлар тизимини белгилаб берувчи малака талабларини, ходимнинг касбий фаолиятининг йўналтирилганлигини ва

мазмунли параметрларини, шунингдек, битирувчи эга бўлиши керак бўлган касб ва касбий компетенцияни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини белгиловчи малака талаблари ҳисобланади.

Профессионал таълим мазмунини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган куйидаги асосий вазифалар ўз ечимини топиши керак:

- Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда дарсликларни такомиллаштириш, мазмунан узвийлаштириш билан таълим узлуксизлигини таъминлаш;

- ўқув режаларидаги турдош фанларни интеграциялаш орқали ўқув юкламалари кўлами ва ҳажмини оптималлаштириш;

- талабаларнинг Давлат таълим стандартлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг барча босқичлар учун ягона тизимини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- таълим муассасаларида виртуал ўқув-лаборатория, замонавий ахборот-коммуникация, электрон-техник ва масофадан ўқитиш имкониятларини кенгайтириш, дарслик, қўлланма ва ўқув фильмларининг электрон турларини яратиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш;

- тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунини ва сифатини янада яхшилаш.

Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик мазкур соҳага ижобий янгилик киритиш билан белгиланади. Бундай янгиликни киритиш жараёни инновацион жараён бўлиб, илғор педагогик технологияларни жорий қилиб, таълимда сифат ва самарадорликка эришишдан иборат бўлади.

Педагогик инновация – бўлажак мутахассисларни янгича шароитларда ишлашга тайёрловчи жараён бўлиб, у олдинги эгалланган билимлар асосида таълимда сифатий ўзгаришлар қилиб, юқори самарадорликка эришишга янгича ёндашув қилишдан иборатдир. Бундай ёндашув тизимнинг мақсади, мазмун-моҳияти, белгиларини, имко-

ниятларини, вазифаларини, ривожланиш босқичлари ва тамойилларининг ривожланиш механизмларини ва улардан фойдаланишга услубий тавсиялар ҳамда бу борада педагогларда шаклландирган хислатларни ҳосил қилиш жараёнини ифодаловчи таълим-тарбия жараёнининг сифат жиҳатларини такомиллаштириб, бу соҳада юқори самарадорликка эришиш тушунилади.

Мамлакатимизда таълим тизимидаги ислохотларнинг муаммолари педагог кадрлар салоҳияти етарли даражада тайёрлансагина муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Амалий таҳлиллар замонавий педагогнинг касбий компетентлиги тезкор ривожланаётган таълим жараёнларининг талабларидан орқада қолаётганини кўрсатмоқда. Бу ҳолат педагогик таълимни ривожлантириш ва узлуксиз педагогик таълим жараёнида педагогларни тайёрлашни яхшилаш билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблигини кўрсатади.

Ёндашув педагогика методологиясининг категорияси сифатида, педагогик парадигма ва таълим назарияси ўртасида боғловчи бўғин бўлиб тасаввур қилинади ва муайян белгиларнинг таълим жараёнида фойдаланиладиган асосий тушунчаларни назарда тутлади.

Таълим фаолиятини амалга оширишнинг таянч қоидалари сифатидаги тамойиллар таълим жараёнини қуришнинг усуллари ва методларининг мавжудлиги билан тавсифланади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг асосий мақсади – замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак, деган хуло-

сага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими бўлажак

мутахассисларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим.



Фойдаланилган адабиётлар:



1. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
2. Каримова Н.Н. Узлуксиз таълим тизимида касб-хунар таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш // Узлуксиз таълим. – Тошкент. 2014.- № 4. – Б.110-114.
3. Каримова Н.Н. Necessary Components of Developing Professional Competence of Future Vocational Education Teacher // Eastern European Scientific Journal. – Germany. 2018.- №2.– P.136-139.
4. Каримова Н.Н. Компетенция ва компетентлик: У таълим тизимида татбиқ этиладими? // Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар. Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Наманган. 2011. – Б. 243-245.
5. Нажмиддинова Ё.Р. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси. Монография. Тошкент. “Sano-standart” 2018. -128 б.
6. Рахимов. О.Д. Таълим сифати ва ҳаёт сифати. //Ўқув услубий қўлланма, 2015 й. 44 б.
7. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Т., Молия нашриёти, 2003. – 172 б.
8. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. – Т.: 2019. 218 б.

Hurmatli jurnalxonlar!

“Kasb-hunar ta’limi” jurnali tahririyati sizni o’zaro hamkorlikka taklif etadi.

Jurnal sahifalarida kasb-hunar ta’limini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy-uslubiy maqolalar, innovatsion ta’lim texnologiyalari, metodik tavsiyalar bilan birga ilg’or tajribalar hamda tizimda amalga oshirilayotgan ibratli ishlar va yangiliklarni yoritishingiz mumkin.

O’z ilmiy qarashlaringiz, innovatsion g’oyalar, metodik tavsiyalar, ilg’or tajribalaringizni “Kasb-hunar ta’limi” jurnalxonlari bilan bo’lishing!

